

Озод ШАРАФИДДИНОВ

ниссано

# ТАЛАНТ-ХАЛҚ МУЛКИ

---

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
Тошкент — 1979

Ҳар кимнинг ўз гапи, жамоатчилик ҳукмига ташлай-  
диган мулоҳазаси, таклифи бўлиши керак: шоирнинг  
ҳам, адабнинг ҳам, олимнинг ҳам.

Ушбу китобга истеъодди олим Озод Шарафид-  
диновнинг адабиётимиз ҳақида ҳам суюниб, ҳам куюниб  
айтган фикрлари жамланган. Бу мулоҳазалар сизнинг  
қалбингизда хайриҳоҳлик уйғотса, сизни ҳам бирор гап  
айтишга даъват этса, муаллифнинг орзуси ушалгани шу.  
Энди фикр айтиш навбати сизга, муҳтарам китобхон.

306447  
Манганская областная  
ППЗ. №  
ИГЛЮТЕКА

Ш 70200-36  
356(06)-79 71-79

© Издательство «Ёш гвардия»—1979



## ДАВР ДАЪВАТИ

---

### У ҚАЛБЛАРДА МАНГУ ЯШАЙДИ...

1973 йилнинг 19 декабри. Оддий кунлардан бпри. Ишдал қайтиб, телевизор қаршисидағи креслога ўтирадим. Қўлимда Абдулла Қаҳҳорнинг «Утмишдан эртаклар»н. Эртага шу китоб бўйича семинар бор—уни варақлаб, хотирадан кўтарилган жойларини янгилаш кепрак. Телевизор қўйиглиқ. Диктор сўнгги ахборот эшигтиярпти. Оддий ахборот. Паришонхотирлик билан ахборотни тинглайман. Аллақайси шаҳарда янги фабрика ишга тушинти. Бир ишчи йиллик планини муддатидан олдии бажарипти. Аллақайси мамлакатдан меҳмон кеплипти. Кейин диктор «Союз—13» космик кемасининг парвози ҳақида гапирди. Бир неча минут космосдан репортаж берилди. Ана, экранда кема командири Климуқ пайдо бўлди. У саломлашди ва оддийгина қилиби, бир кунлик иш ҳақида ахборот берди. Кейин космонавт

Лебедев экраннинг паст томонидан сузиб чиқди, у ҳам саломлашди ва уч-тўрт оғиз гап айтиб, яна қўйига шўнғиди. Репортаж ҳам, ахборот ҳам тамом бўлди. Мен креслода ўтирганимча, китобни варақлашда давом этдим. Лекин негадир фикрларим паришон эди. Алланарса диққатни бир нуқтага жам қилишга халақит бермоқда эди. «Нега шундай бўлаяпти?» деб ўйланиб қолдим. Кейин ўз-ўзимга дегандай бўлдим: «Шошма, биродар, сен ўзинг қандай одамсан? Ҳозиргина буюк бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдинг. Балки гувоҳи эмас, иштирокчиси ҳам бўлдинг. Сен Тошкентнинг қоқ ўртасида, 9-январь кўчасидаги иссиққина уйингда креслода ястаниб ўтирган ҳолингда неча минг километр узоқлиқдаги космик кемани кўрдинг, унинг ичидаги одамлар билан гаплашдинг. Нега ҳайрон қолмайсан, ёқа ушлаб таажжубга тушмайсан, лол бўлмайсан. Аксинча, буларнинг ҳаммасини оддий кун, оддий ахборот, оддий репортаж деб ўтирибсан?» Гап, албатта, фақат менда эмас. Ҳар куни ўзи тарих яратаБтган, ажойиб мўъжизаларнинг туғилишига гувоҳ бўлаётган, лекин буларнинг ҳаммасини оддий нарсалар деб ҳисоблайдиган одамлар озми? XX аср бизнинг ҳаётимизга жуда кўп янгилик олиб кирди. Автомобиль, реактив самолётлар, радио, кино, телефон, телевизор... XX аср олиб келган янгиликларни санаб битириш қийин. Бу янгиликлар туфайли инсоннинг алоқалари бениҳоя қенгайди, ҳаётининг мазмуни чуқурашди. Илгарилар бутун ташвиши оиласи ёки нари борса маҳалласининг доирасидан чиқмаган одам бугун истаса-истамаса дунёнинг ташвишини елкасига ортиб яшамоқда. XX аср бизга кўп нарса берди-ю, лекин баъзи нарсалардан маҳрум ҳам қилди. Жумладан, ҳар қандай техникавий янгиликка, илмий мўъжизаларга тез кўнигиб қолиш туфайли XX аср одами таажжубланиш қобилиятидан маҳрум бўлиб боряпти. Албатта, ўз уйингда ўтириб, телевизор экранида дунёнинг нариги чеккасида бўлаётган воқеаларни томоша қилар экан-

сан, ҳар гал ёқа ушлаб, лол қолишининг ҳожати йўқ. Албатта, ҳар куни ҳаётимиизда ўнлаб, юзлаб тарихий ҳодисалар содир бўлиши биз учун нормал бир ҳолга айланиб қолгани яхши нарса. Лекин шундай бўлса-да, ҳайратланиш, таажжубланиш қобилияти йўқолиб кетмаслиги керак. Бугунги ҳаётимиизни тўғри баҳолашда, унинг қадрига етадиган бўлишиимиизда бу қобилият бизга кўп ёрдам беради.

Мен яна ўйланаман. Бугун космосдан берилган репортажни оддий ҳодиса сифатида томоша қилиб ўтирибман. Хўш, қачондан бери шунақа бўлиб қолдим? Мана, Абдулла Қаҳҳорнинг китоби. Унда XX аср бошидаги ўзбек ҳаёти тасвирланган. Ёзувчи 1913–17 йиллар орасида ўз кўзи билан кўрган воқеалар, одамлар ҳақида ҳикоя қиласди. Ёзувчининг отаси қишлоқда биринчи бўлиб тикув машинаси сотиб олади. Қишлоқ аҳолиси машинада тикилган кийимга дарҳол бойқут эълон қиласди, негаки машинада тикилган чокда шайтон бўлармиш... Ёзувчининг отаси велосипед олиб миннади. Қишлоқ аҳолиси уни «шайтон арава» деб атаб, қишлоқдан кўчиб кетишга мажбур қиласди. Қулала деган бола таҳтанинг тагидан магнит юрғизиб, тахта устидаги темир парчаларини ҳаракатга келтиради—бу «мўъжиза»дан бутун қишлоқ аҳли ҳайратда ёқа ушлаб, лол қолади, «ё парвардигор, қудратингдан ўргилай» деб ҳақтаоллога сифинади.

Бу тўқиб чиқарилган гап эмас. Бундай ҳодисаларни яна юзлаб эслаш мумкин. Ана шу воқеалар билан бизнинг кунлар орасида атиги 60 йиллик масофа бор. 60 йил тарих учун бир лаҳза, холос. Бироқ шу лаҳза ичидаги подшонинг мардикор олиш ҳақидаги фармонини эшигидан киритиб, нариги эшигидан кўзингни кўқартириб чиқармиш», дейдиган даражадан космик эпопеяни яратишида бевосита иштирок этадиган даражага етдик. Бу—мўъжиза эмасми? Ҳар қанча ҳайратланса арзийдиган фавқулодда ҳодиса эмасми?

Ҳозир бирор ўрта мактаб боласидан ёки студентдай: «Эски шаҳар қайси томонда?» деб сўралса, йўл кўрсатолмай танг қолиши мумкин. Мен Тошкент Эски шаҳар ва Янги шаҳар деб бўлинган вақтларни яхши эслайман. Эски шаҳар билан Янги шаҳарни Ўрдада Анҳор устидаги кўҳна дўнгалак кўприк ажратиб туранди. Кўприк шу қадар эски эдикки, устига арава чиқса, огирилгини кўтариолмай инқиллаётгандай ғижирлар эди. Мен Шайҳонтоҳурдаги деворлари қалъаникига ўхшаган «Ўзбекфильм»нинг эски биносини, Баланд масжиддаги трамвайда жетастиб, қўлингизин узатсангиз, деворига тегадиган аптекани, Ҳадрадаи Эски Жувагача йўлни қоқ иккига ажратган қатор расталарин, Чорсудаги тепаликларда қалдирғочининг инидек бир-бираига мингашиб кетгани эски кулбаларни яхши эслайман. Ҳозир Тошкентнинг кенг ва чароғон кўчаларини, гулларга кўмилган майдонларини кезар эканман, осмонўпар биноларини томоша қиласар эканман, унинг кун сайин яшариб, гўзаллашиб бораётганини кўрар эканман, бу мўъжизадан ҳам ҳайратлапаман, ҳам ғуурлапамап. Уруш арафасида Ўрдадаги эски кўприкни бузишиб, ҳозирги кенг ва бақувват янги кўприкни қуришди. Бу янги кўприк эски шаҳар билан, янги шаҳар ўртасидаги чегарани олиб ташлағандай бўлди. Эҳтимолки, ўша кўприк, шоир айтганидек, биз кейин ердан фазога ўтказган кўпrikнинг дебочаси бўлган бўлса, ажаб эмас.

Ҳаётимизнинг улугворлнги ва гўзаллиги, ишларимизнинг девкорлиги, қудратимизнинг мислсизлиги фаяз жонажон Тошкент мисолидагина эмас, бутун республикамиз тимсолида янада аниқ кўринади. Республикамиз бир беш йилликнинг ўзида етиштирган пахтани вагонларга жойлаб, уларни бир сафга тизса, бу темир йўл состави экваторни бошидан охиригача эгаллаган бўларди. Бир замонлар чигириқда сув чиқарган, омоч билан ер ҳайдаган, кетмондан бошқа қуролни билмаган ўлка бугун замонавий техника билан қуролланган ил-

фор қишлоқ хўжалик республикасига айланди. Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигигина эмас, саноати ҳам улкан қадамлар билан тараққий этмоқда. Металлургия саноати, машинасозлик саноати, ранги маъданлар саноати, химия саноати аллақачонлар республикамизнинг ифтихори бўлиб қолди. Хуллас, республикадаги қайси областга борманг, қайси шаҳарни олманг, ҳамма жойда ривожланишнинг гуркираган суръатини кўрасиз, ҳамма жойда яшаришнинг аён нишоналари. Ўлкамизни 30—40 йил аввал кўрган одам унинг бугунги чиройига қараса, уни таниб олиши амримаҳол. Ҳар йили чет эллардан келадиган ўнлаб, юзлаб меҳмонлар Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти билан танишиб, уни шарқдаги ҳақиқий мўъжиза деб тан олмоқда.

Улкан суръатлар билан ўсиш, ўзгариш, яшариш бутун Ватанимиз учун характерли хусусиятдир. Бундан бир неча йил аввал қардош Украинанинг Донецк областида ўзбек адабиёти кунлари бўлди. Бу тантанали байрамда Асқад Мухтор бошчилигига Шукрулло, Абдулла Орипов, Вч. Костиря ва мендан иборат ёзувчилар делегацияси иштирок этди. Биз бир ҳафта давомида Донецкнинг уч қавати билан—ер ости конлари, ер устидаги завод ва фабрикалари ва, пиҳоят, осмонўпар қурилишлари билан танишдик. Украина дўстларимиз ҳамма ерда бизни энг яқин биродарларидек, шод-хуррамлик билан қучоқ очиб кутиб олишди, халқимиз номига жуда кўп илиқ ва самимий гаплар айтишди.

Эшитгандан кўрган яхши дейишади. Биз бир ҳафта давомида шунчалик кўп нарса кўрдикки, улар шахсан мепиниг тасаввуримни гоятда ўзгаририб юборди. Айниқса, Жданов шаҳарида кўрганларимиз қалбимизда умрбод ўрнашиб қолди. Биз Ждановдаги корхоналардан бирида бўлдик. Бир цехнинг ўзи икки чақиримдан мўлроқ бўлиб, бор бўйига битта конвейер жойлашган экан. Конвейернинг бошидан лағча чўғ 40—50 км тезликда юриб, неча хил қиёфага кириб, нариги четидан тайёр

пўлат бўлиб чиқиб кетяпти. Ҳамма срда олов ҳукмрон. Цехнинг ўзи ҳам оташ уфургандек. Биз давримизнинг прометейлари—оловкорлар билан сухбатлашдик. Уларнинг самимиятига, қалбининг тозалигига қойил қолдик. Бу табиий эди, чунки олов бор жойда қаллоблик, ифлослик бўлмайди—олов уни куйдириб ташлайди. Биз темир йўл вагон-ремонт заводида бўлдик. Бу заводнинг бир дарвозасидан темир кириб келар экан-у, нариги дарвозасидан бўёқлари кўзни қамаштнриб товланувчи яп-янги вагонлар қаторлашиб чиқиб кетаверар экан. Бу—икки корхона. Мамлакатимизда бундай заводлар қанчадан-қанча. Энди уларнинг қудратини бир жамлаб кўринг-а! Ақл бовар қилмайдиган куч ҳосил бўлади. Бундай кучга эга бўлган мамлакат эса—хоҳлаган жойга, ҳатто ойга ҳам қўйини чўзса, қўли етадиган, хоҳлаган ишини, ниятини рўёбга чиқаришга қурби етадиган қудратли, енгилмас мамлакат бўлади. Доңецк областида кўрганларимни хотирамдан ўтказар эканман, бундан 54 йил аввал бир инглиз ёзувчиси ёзган гаплар эсимга тушади. Бу ёзувчи хаёлотининг зўрлиги билан донг чиқарган, ажойиб фантастик романлари билан дунёни қойил қолдирган Герберт Уэллс эди. У 1914 йилда Россияга келиб кетган эди. Россиядаги революция уни жуда қизиқтиради ва Уэллс 1920 йилда Россияга иккинчи марта келади. Бу гал у 15 кун давомида Петроград ва Москва ҳаёти билан танишади, Горькийнинг уйида меҳмон бўлади, рус олимлари ва ёзувчилари билан танишади, В. И. Ленин билан сухбат қилади. Кейин Лондонга қайтгач, Россиянинг ўша давридаги аҳволи ҳақида «Россия зулмат қўйнида» деган китоб ёзади. Бу китобда фантазияси бағоят ўткир ёзувчи Россиянинг аҳволини шундай тасвирлаган: «Россиянинг аҳволидан олган асосий таассус-ротим шуки, ҳамма жойда жуда улкан, тузатиб бўлмайдиган ҳалокат манзарасини кўрдим... Ҳалокат—буғунги Россиянинг энг муҳим белгиси... Тарих Россия бошидан кечираётганга ўхшаш ҳалокатни ҳеч қачон кўрган эмас.

Бу жараён яна бир йил давом этса, ҳалокат узил-кесил тус олади. Шаҳарлар ҳувиллаб, вайроналарга айланади, темир йўлларни ўт-ўланлар босиб кетади. Россиянинг емирилиши фақат шу мамлакат билангина чекланиб қолмайди. Россиянинг шарқ ва гарб томонидаги бошқа давлатлар ҳам Россия ҳалокати туфайли пайдо бўладиган бўшлиққа афдарилиб тушади. Эҳтимолки, ҳозирги замон цивилизациясининг тақдиди ҳам шундай бўлар... Европанинг шарқий деворига битилган хатларнинг маъносини мен шундай деб чақдим».

Машҳур ёзувчининг Россиянинг 20-йилдаги аҳволига берган баҳоси ҳақиқатдан унча узоқ эмас эди. Бироқ романларида олис-олис дунёлар ҳақида ақл бовар қилмайдиган воқеаларни ҳикоя қилиб берган ёзувчи Россияда революция туфайли пайдо бўлган кучларни кўрмаган, уларнинг Россияни ҳам, «ҳозирги замон цивилизациясини» ҳам ҳалокат қаъридан олиб чиқишига, 50 йиллик бир лаҳза ичиди Россияни космик орбитада парвоз қиладиган даражага етказишига ишонмаган эди. Бу куч—коммунистлар эди. Улар ҳалқни асрий зулмдан озод қилишни, эркин, адолатли, баҳтиёр ҳаёт қуришни ҳаётининг олий мақсади деб билган, шу мақсад йўлида сургунлардан, қамоқлардан, дорлардан чўчимай курашган, энг оғир дамларда курашнинг биринчи сафида борганди темир иродали одамлар эди. Бу куч Ленин ташкил этган, тарбиялаб вояга етказган, курашларда чиниқтирган коммунистик партия эди. В. И. Ленин революциянинг биринчи кунлариданоқ мамлакатни ҳалокат қаъридан қутқариш йўлларини ўлади. У буюк мутафаккир, донишманд олим бўлгани учун мамлакатни тиклаш тадбирларини илмий асосда ишлаб чиқди — бошқача айтганда, ўша йилларда Ильич занжирнинг шундай ҳалқасини топдики, ўша ҳалқадан ушлаб, занжирнинг ҳаммасини кўтариш мумкин эди. Бу—машҳур ГОЭЛРО плани эди. Яна Ленин билан Уэллснинг сұхбатини эслайлик.

Ленин машҳур ёзувчига мамлакатни тиклаш тадбирларини айтиб беради. Уэллс эса бу тадбирларни хомхаёл деб атайди, Ленинни эса «кремллик хаёлпаст» дейди. Ленин зулмдан озод бўлган ҳалқнинг ижодкор кучига ишонган эди, Уэллс эса ҳар қанча хаёли ўткир ёзувчи бўлмасин, буржуа муҳитида буржуа хурофтлари таъсирида ўсган одам бўлгани учун бу кучни кўролмаган эди. Ильич ёзувчини ўн йилдан кейин яна Россияга келишга таклиф қиласди. Уэллс бу таклифга биноан кейин СССРга яна келди, биздаги ўзгаришларни кўриб, ўзининг адашганига иқрор бўлди ва умрининг охиригача СССРнинг дўсти бўлиб қолди.

Машҳур ёзувчининг шубҳаси Ильични йўлдан тойдира олмади. У ҳамма имкониятларни ишга солиб, ҳамма кучларни сафарбар қилиб, мамлакатни электрлаштириш планини барпо этди. Бу планни Советларнинг VIII съезди муҳокама қилди ва маъқуллади. Тарихнинг ўйинини кўрингки, мамлакатнинг олий органи электрлаштириш планини муҳокама қиласар экан, Большой театр саҳнасидаги Россияни электрлаштириш харитасини ёритиш учун Москванинг жаъмики электр қувватидан фойдаланилган. Қизиқ, ўшанда съезд кунларида Ильич президиумда ўтириб, маърузачиларнинг гапини эшитиб, залдаги олис юртлардан келган ишчилар, деҳқонлар, солдатлар, партия ва совет ходимларига қараб, нималарни ўйлади экан? Эҳтимол, тез орада ҳар бир деҳқон кулбасига етиб борадиган нурни ўйлагандир. Эҳтимол, бутун мамлакатни кўқдаги юлдузлардек қоплаб оладиган электростанция чироқларини ўйлагандир. Эҳтимол, электр қуввати туфайли техникани бўйсундиривб оладиган, техника туфайли эса табиатнинг том маънодаги хўжайининг айланадиган буғунги кун одамини кўз олдига келтиргандир. Эҳтимол, Ильич тез орада мамлакатда бошланадиган илмий-техник революцияни, шу революция туфайли одамзод гўдаклик бешигининг — Ернинг тортиш кучини енгиб, бошқа сайдераларга йўл

олиши мумкинлигини ўйлагандир. Ҳар ҳолда, бугунги ҳаётимиз ҳақида гап кетганда, Ильичнинг ана шу орзу-лари тўла рўёбга чиққанига амин бўламиз. Иш Шатура-даги торфда ишлайдиган мўъжазгина электростанция-дан бошланган эди. Бугун эса бизнинг мамлакатимиз-да дунёдаги энг катта электростанциялар ишлаб турип-ти. Мен Енисей дарёси устида қурилган, бир йилда 6 миллион киловатт электр қуввати ишлаб чиқаради-ган Красноярск гидроэлектростанциясини назарда тут-япман. Бу электростанция В. И. Ленин номига қўйил-ган. 50 йил ичидаги мамлакатимиз ана шундай улуғвор ишиштадиган даражага эришди. Бу мўъжиза эмасми? Мўъжиза. Мўъжиза бўлганда ҳам келажак авлодлар ҳавас ва ҳасад билан лол қолиб, қойил бўлиб тилга оладиган мўъжиза.

Бепоён Ватанимизнинг ҳар республикасида, ҳар ўл-касида, ҳар шаҳари ва ҳар қишлоғида содир бўлган бекиёс тарихий ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, баъ-зан: «Шундай бўлиши керак-да, ахир, XX аср—техника асри, илм-фан асри. Бу асрда ривожланиш шунақа тез суръатлар билан содир бўлади», деган изоҳни эшитиб қоласан. Албатта, XX аср фан ва техника асри, лекин биз босиб ўтган мўъжизавий йўлни фақат шу билан изоҳлаш мумкин ҳам эмас, тўғри ҳам эмас. Агар гап фақат XX асрда бўлганда, ҳозир ер юзида биронта та-раққий этмаган, қолоқ мамлакат қолмаган бўларди. Қуёш нури ер куррасига баравар таралади, бироқ илм-фан, техника қуёшининг нури бир жойга кўпроқ тушса, бир хил жойга мутлақо етиб бормаслиги мумкин. Бу—биринчи навбатда, ижтимоий тузумга боғлиқ. Мен ўтган йили ёзда афсонавий Бадахшон ўлкасига, Томи жаҳон деб донг таратган Помирга саёҳат қилдим. Ӯшдан Хориққача борадиган йўл ғоят олис ва машаққатли эди. Салкам минг чақиримлик йўлда денгиз сатҳидан 4—5 минг метр баландликдаги еттита довоидан ошиб ўтиш керак. Бу йўл қадимий йўл бўлиб, илгариги замонларда

одамлар уни ойлаб, ҳатто йиллаб ўтишган. Йўлнинг баъзи жойларида эски қабрлар бор—улар манзилига етолмай, бўронда қолиб кетган, ҳолдан тойиб ҳалок бўлган йўловчиларники. Бутун йўл давомида виқорли тоғлар: «Ҳой инсон, менинг қошимда нечоғлик заиф ва ожизсан. Менинг улуғворлигимни кўриб қўй», дегандай қовоқ уюб туришади. Дарҳақиқат, асрлар давомида сиёғини ўзгартирмай, жаҳоннинг ишларига сукут ичидан лоқайд ва беписанд қараб турган чўққиларни кўрганингда, беихтиёр, ўзингни кичрайиб кетаётгандай ҳис қиласан, ҳаётнинг фонийлигини, инсон имкониятининг чекланганини ўйлаб кетасан. Бироқ икки кун йўл юргач, машина сени гулдай яшнаб ётган водийга олиб тушади. Сен манзилингга—Бадахшон автоном ўлкасининг пойтахти Хориққа етасан ва тоғлар қуршовида денгиз сатҳидан 2100 метр баландликда ястаниб ётган гўзал шаҳарни, унинг чиройи очиқ одамларини кўриб, яна аслингга қайтасан, кўнглингдан кечган фикрлардан ўзинг хижолат чекасан. Биз икки кун йўл юриб, тоғлар ичидан пинҳона яшаётган, дунёдан ажралган, эҳтимолки, кўпгина ибтидоий урф-одатларини сақлаб қолган бир юртни кўрамиз деб ўйлаган эдик. Ўйлаганимиз беҳуда чиқди. Биз чинакам замонавий шаҳарга келиб қолдик. Тўрт қаватли меҳмонхонада бир кишилик, телефони, иссиқ-совуқ суви бор номерга жойлашдик. Шаҳарда театр, кино, парк, стадион, савдо маркази, майший хизмат уйи, фабрика, ресторон, қўйинг-чи, ҳар қандай обод шаҳарда бор нарсаларнинг ҳаммаси муҳайё эди. Ҳар хил маршрутларда автобуслар қатнаб турилти. Енгил машиналар орасида тез-тез такси учраб туради. Қош қорайиши билан шаҳар ҳисобсиз электр чироғларидан кундузdek равшан бўлиб кетади. Шаҳар билан танишиб бўлгач, районларга жўнадик. Олис Ишқашим районида, Рушан районида бўлдик. У ерларда ҳам худди шаҳардаги аҳволни кўрдик. Хориқнинг бир чеккасида Панж дарёси айқириб оқиб ётипти, Афғонистон билан чегара

шу дарё орқали ўтар экан. Дарё баъзи жойларда шу даража тораядик, сакраб ўтиш мумкиндай кўринади. Соҳилнинг нариги томони Афғонистон. Хориққа чега-радош жойларда анча-мунча аҳоли яшар экан. Улар дехқончилик билан шуғулланишар экан. Биз бу жойларда ўн кун юриб, дарёнинг у соҳилида биронта трактор кўрмадик. Трактор ўёқда турсин, дорига биронта юк машинаси учрамади. Дехқонларнинг асосий улови ҳўқиз ва эшак, қуроли — ўроқ ва кетмон. Шунча кун давомида дарёнинг у соҳилида биронта электр чироғи кўринмади. Қоронғи тушиши билан Хориқ нурга кўмилса, дарёнинг у соҳилида зулмат ҳукмронлиги бошланади.

Мен кичкинагина дарё билан ажралган бу икки ўл-канинг тақдирини ўйлаб, ҳаётини солиштириб, «социализм» деб аталган нарсанинг нечоглиқ буюк неъмат эканини ҳис қилдим. Мисрда кўрганларимни эслаб, Ҳиндистон ҳақида билганларимни тасаввур қилиб, бизнинг ривожимизга замин яратган, парвозимизга қанот бўлган нарса социалистик тузумимиз эканига, коммунистлар партиясининг доно сиёсати, буюк Лениннинг мангу барҳёт ғоялари эканига яна бир карра амин бўлдим. Буни халқимиз жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам унинг қалбидан буюк доҳийга нисбатан битмас-туганмас меҳр, оташин муҳаббат жўш уради. Помирда ҳам шу муҳаббат нуридан қалбларимиз чароғон бўлди. Хориқнинг ўртасидан шаҳарни иккига бўлиб, ўйноқи Гунт дарёси ўтади. Дарё ўртасидаги кўприкдан ўтиб, бир манзарани кўриб, ҳайрон қолдик. Йўл иккига ажрайдиган жойда тошлардан чиройли девор олинибдида, унинг устига Лениннинг ҳайкали қўйилипти. Ҳайкал жуда кичкина эди. «Шундай чиройли жойга каттароқ ҳайкал қўйилса бўлмасмиди?»—деб сўрадим мезбонимиздан. У менга ҳайкалнинг тарихини айтиб берди. Бу ҳайкалчани Ленинградда Путилов заводининг ишчилари қуийб, хориқликларга совға қилишган экан. Ҳайкални поездда аввал Тошкентга, кейин Ўшга

олиб келишипти. 1929 йилда ҳайкал түя карвонида Үшдан Хориққа йўл олипти. Бу сафар икки ой давом этипти. Ҳайкални олиб кетаётганлар жуда кўп қийинчиликларга дуч келишипти. Бир неча марта уларга босмачилар ҳужум қилишипти. Шу қийинчиликларининг ҳаммасини енгib, карвондагилар ҳайкални эсон-омон Хориққа етказишипти. Уни шаҳарнинг марказига ўрнатишипти. Үшандан бери шаҳарда қандай тарихий ҳодиса бўлса, ҳаммаси шу ҳайкалнинг қошида содир бўлар экан. Икки йил бурун Ленинга янги ҳайкал қўйилгач, аввалги кичкина ҳайкални шу ерга кўчиришипти. Мезбон буларни ҳикоя қиласр экан, унинг чеҳраси ифтихор туйғусидан ёришиб кетган экан. Дарҳақиқат, шу ҳайкалчага муносабатда бир халқнинг янги ҳаёт инъом қилгани, бахт ва эркинлик бахш этган буюк инсонга бўлган чексиз муҳаббати мужассамлашган экан. Тоғлар ўлкаси нийн одамлари қалбидаги бу муҳаббат барча совет кишиларининг қалбидаги муҳаббатининг бир ёлқини экан. Бугунги ҳаётимиз бекиёс гўзал. У меҳнатга, курашга, бахтга тўла. Ҳаётимизнинг ҳар соҳаси, ҳар саҳифасида Ленин гояларининг руҳи яшамоқда. Шунинг учун ҳам буюк доҳий халқлар қалбida мангу барҳаётдир.

1973

## БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Октябрь революциясининг 60 йиллик тўйи яқинлашиб келаётган ҳозирги қутлуг кунларда бутун совет ҳалқи бениҳоя улкан кўтарикилик руҳида яшамоқда. Ҳар бир совет оиласида ўзгача сурур, ўзгача байрам кайфияти. Ҳар бир совет кишисининг қалбida гурур ва ифтиҳор туйғулари жўш урмоқда. Бунинг боиси шуки, биз ҳаммамиз СССР Олий Советининг яқинда бўлиб

ўтган навбатдан ташқари еттици сессиясининг таъсирда, партиямизнинг Баш секретари Леонид Ильич Брежневнинг сессиядаги ажойиб доклади таъсирида яшамоқдамиз. Бу сессия том маънода тарихий сессия бўлди, 7-октябрь куни эса совет кишиларининг қалбида мангу порлоқ хотира қолдирган унупилмас күп бўлди. Шу куни Олӣ Совет мамлакатмизнинг янги Конституциясини қабул қилди. Бу Конституция давримизнинг буюк ҳужжатидир. Уни том маънода баҳтимиз қомуси деб аташ мумкин. СССРнинг янги Конституциясини улкан чўққига қиёс қилиш мумкин. Бу шундай чўққики, ундан мамлакатимизнинг ўтмиши ҳам, 60 йиллик мазмунли йўли ҳам, кўз илғамайдиган янги уфқлар, кела жагимиз ҳам аён кўриниб туради.

СССРнинг янги Конституцияси яна бир карра бутун дунёга социализмнинг қудратини, унинг ҳар қандай тузумдан бекиёс афзаллигини, халқнинг асрий орзу умидларига, манфаатларига мос келувчи жамият эканини намойиш қилди. Конституция социалистик демократиянинг яна бир янги, оламшумул галабаси бўлди. Мен Леонид Ильич Брежневнинг докладидаги бир ўринга диққатингизни жалб этмоқчиман. Ўртоқ Брежнев СССР Конституцияси бутун совет халқининг колектив ижоди тарзида майдонга келганини таъкидлаб, унинг муҳокамасида 140 миллион киши иштирок этганини айтди. Бу фактга эътибор беринг: 140 миллион одам! Бунинг маъноси шуки, СССР Конституциясининг муҳокамасида СССР аҳолисининг, бола-чақаларни мустасно қилганда, деярли ҳаммаси иштирок этган. Бунинг маъноси шуки, совет кишиси том маънода ўзини ўз тақдирининг хўжайини деб билади. Беихтиёр шоирнинг ўлмас бир мисраси ёдга тушади — тақдирни қўл билан яратур инсон. Дарҳақиқат, бизнинг социалистик жамиятимизда юксак онг эгаси бўлмиш, ижтимоий жиҳатдан актив совет кишилари яшайдиган жамиятда ҳар қайсизмиз тақдиримизни ўз қўлнимиз билан яратиш имконига эга бўл-

дик. Инсоният тарихида ҳали ҳеч қайси ҳужжат, ҳеч қайси мамлакатда шу қадар кенг, шу қадар пухта, шу қадар самарали муҳокама қилиб қабул қилинган эмас. Инсоният асрлар давомида орзу қилган, эртак ва афсо-наларида, достон ва ривоятларида куйлаган адолат, том маънодаги демократия шу эмасми?

СССР Конституцияси бугун ҳар бир совет кишисини яна бир карра ўз ҳаётини ўйлаб кўришга, ўзининг жамиятдаги ўрни ҳақида, жамият ривожи учун масъуллиги ҳақида мулоҳаза юритишга ва шулар асосида янги куч, янги илҳом, янги қудрат билан ижодий меҳнат қилишга ундамоқда. Мен — адабиётчиман. Табиийки биринчи навбатда, Конституция муносабати билан адабиётимиз ҳақидаги, унинг истиқболи ҳақидаги, бугун адабиёти-миз қаршисида намоён бўлган янги нурафшон йўллар тўғрисидаги ўйлар хаёлимни банд этади.

Янги Конституциямиз социалистик жамиятнинг гуманистик моҳиятини, бу жамиятда ҳамма нарса инсон учун эканини, совет кишисининг тобора ўсиб борувчи моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун кураш бу жамиятнинг асосий қонуни эканини яна бир карра кўрсатиб берди. Биз ҳаётда гуманизм совет кишиларининг қон-қонига сингиб кетганини кўрсатувчи минглаб воқеаларнинг гувоҳи бўлганмиз. Мана бир мисол. Мен унга маршал Жуковнинг «Хотиралар ва мулоҳазалар» деган китобини ўқиб ўтириб, дуч келдим. Маршал Жуков китобида 1945 йил 16-июнда, уруш тамом бўлгандан кейин бир ой ўтар-ўтмас, Берлинда содир бўлган бир воқеани ҳикоя қиласди. Ўшанда Берлинга Давлат Мудофаа Комитетининг ўринбосари Анастас Иванович Микоян келган экан. Табиийки, у пайтларда Берлин харобалар ичиди эди. Микоян борган куниёқ шаҳарни айланади ва Совет Армияси тарқатадиган озиқ-овқат учун навбатда турган берлииликлаш билан суҳбатлашади. Жуков уларга Микояннинг кимлигини тушунтиради. Сталиннинг ўринбосари атайн келиб, мағлуб

Берлин аҳолисининг аҳволиҳи сурнштираётгани немис-  
ларга жуда қаттиқ таъсир кўрсатади. Очифини айтганда,  
бу факт менга ҳам жуда таъсир қилди. Бу факт совет  
кишиларининг бағри кенглиги, мушфиқлиги, ёвузликдан  
узоқлигини кўрсатувчи, унинг том маънодаги гуманист-  
лигини исбот қилувчи минг-минглаб фактлардан бири-  
дир. Бизниг кўп миллатли адабиётнининг бахти шун-  
даки, у ҳаётда ана шундай мукаммал қаҳрамонга эга.  
Совет ёзувчилари совет кишисининг характеристидаги ана  
шу янги фазилатлари—юксак гуманизми, чуқур ин-  
тернационализми, ижтимоий-сийёсий активлиги, бой маъ-  
навият оламинн тўқиб-бичмасдан бевосита ҳаётнинг  
ўзидан олиб тасвирлайди. Совет адабиёти ўзининг бу  
муқаддас вазифасини жуда яхши бажаряпти. Буни да-  
лиллайдиган юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Мана,  
белорус ёзувчиси Василь Биковнинг «Бўрилар галаси»  
деган қиссаси. Унинг қаҳрамони оддий одам, партизан.  
Шу оддий инсон ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, неча  
марта ўлимга тик боқиб, янги туғилган гўдакнинг ҳаё-  
тинн сақлаб қолади. Энг оғир дақиқаларда унинг виж-  
дони уни чинакам инсоний ишни килишга ундаиди.  
Мана, бошқа бир мисол: арман ёзувчиси Грант Мате-  
восяннинг «Биз ва тоғларимиз» деган қиссаси бор.  
Унинг қаҳрамонлари — оддий арман чўпонлари. Бироқ  
ёзувчи одий чўпоиларни шундай тасвирлагани, биз  
уларнинг маънавий гўзаллигини, ҳалоллигини, покли-  
гини кўриб севиб қоламиз. Шуниси қувонарлики, ўзбек  
ёзувчилари ҳам адабиётимизнинг ана шу катта йўлидан  
бориб, совет кишисининг маънавий гўзаллигини кўрса-  
тuvchi янги-янги асарлар яратмоқда. Бу ўринда Шароф  
Рашидовнинг Ойқизини, Асқад Мухторнинг «Чинор»  
романидаги Ориф ёхуд «Бўронларда бордек ҳаловат»  
қиссасидаги Заргаровни, Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати  
инсон» романидаги Маҳкам акани эслаш мумкин. Янги  
асарлар ҳақида гап кетганда эса, албатта, Одил Ёқубов-  
нинг «Диёнат» романидаги ~~Осақўзи~~ образини тилга

олмай бўлмайди. Ёзувчи бу образда бугунгї кунда қишлоқ хўжалигига ҳал қилувчи роль ўйнаётган раҳбар кадрларнинг янги типини ҳаққоний тасвирлаган. Ҳа, адабиётимизнинг муваффақиятлари катта. Бироқ янги Конституция бу соҳада ёзувчиларни ҳам янги куч билан меҳнат қилишга, тинмай излапишига ундайди. Зотан, янги совет кишисининг энг стук фазилатларини ўзида мужассамлаштирга, бадший жиҳатдан мукаммал образлар яратиш вазифаси бундан кейин ҳам ҳар бир ёзувчининг энг муқаддас вазифаси бўлиб қолаверади.

СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессияси совет ҳалқининг ўз адабиётига муҳаббати бениҳоя улуғ эканини, Коммунистик партия ва совет ҳукумати адабиёт ва санъатга юксак баҳо беринини, унни ривожимизга ёрдам берувчи қудратли гоявий қурол сифатида ҳаддан зиёд қадрлашини яна бир бор исбот қилди. Буни сессияда совет адабиётининг уч атоқли арбобиға—Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Г. М. Марков, Р. Ҳамзатов, А. Чаковскийларга сўз берилганида ҳам кўриш мумкин. Улар барча совет ёзувчилари номидан СССР Конституциясини қизғин маъқулладилар ва бу конституция кўп миллатли совет адабиётининг янги равнақи учун йўл очишини таъкидладилар. Айни чоқда, улар конституциянинг айрим моддаларини янада яхшилашга қаратилган таклифларини ҳам айтдилар. Бу таклифлардан баъзиларининг ғоят муҳим эканини Леонид Ильич Брежнев сўнгги сўзида алоҳида таъкидлади.

«Депутат А. Б. Чаковский ва Р. Ҳамзатовларнинг шутқида,— деди Л. И. Брежнев,— совет гражданларининг маданият бойликларига ва ижод эркинилигига ҳуқуқини бир оз кенгроқ очиш истаги билдирилди. Ёзувчилар бу ҳуқуқ телевидение ва радионинг, китоб нашр этиш иши ва вақтли матбуотнинг, бепул кутубхоналар тармоғининг ўсиши билан таъминланади деб кўрсатишни, шунингдек, адабиётнинг ролини алоҳида таъкидлашини таклиф қилишиди. Бу таклиф тўғри кўришади».

Кейинчалик СССР Конституциясининг 46 ва 47- моддаларига муайян ўзгартиришлар киритилди. Конституциянинг 4- моддасида совет гражданларининг ижод эркинлиги ҳақида муҳим фикр бор. Ҳар бир совет кишинси бемалол ва эркин ижод қилиши мумкинлиги таъкидланади. Бу модда ҳам кўп миллатли совет адабиётининг ривожи учун муҳим аҳамиятга эга. Қези келганда, ижод эркинлиги ҳақида уч-тўрт оғиз мулоҳаза айтиш жоиз кўринади. Маълумки, бизнинг чет эллик мухолифларимиз, ғоявий кураш майдонидаги душманларимиз неча йиллардан бери оғиз кўпиртириб, СССРда ҳақиқий ижод эркинлиги йўқ, совет ёзувчиси партиянинг буйруғи билан асар ёзади, у ҳаётдаги камчиликлар ҳақида рўйрост танқидий фикрлар айтольмайди, деб жар солишади. Уларниг фикрича, ижод эркинлиги гўё фақат капитализм оламида мавжуд эмиш. Уларниг фикрича, капитализм олами ҳақиқий эркинлик салтанати эмиш. Бу масалада мунозара қилишдан аввал эркинлик деган нарсанинг ўзи нима, аслида ҳаётда мутлақ эркинлик бўладими-йўқми, деган масалани аниқлаб олиш керак. Аллақачон маълумки, на табиатда, на ижтимоий ҳаётда мутлақ эркинлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Осмонда парвоз қилувчи қуш бизнинг назаримизда мутлақ эркинлек кўринади. Аммо аслида унинг парвози эркин эмас, балки қушнинг учиши гавдасининг тузилишига, қанотларига, ҳаво оқимининг ҳаракатига боғлиқ. Ҳудди шунингдек, инсоннинг хатти-ҳаракати ҳам у хоҳлайдими-йўқми, бундан қатъи назар, муайян қонун-қоидаларга, тартибларга боғлиқ. Одам ўз оиласида эркинлек, кўнглига сиққан ишни қила оладигандек туюлади. Аммо аслида, у ўз оиласида ҳам муайян қонун-қоидаларга бўйсунишга мажбур. Ахир, эс-хуши жойида одамниг биронтаси оиласида эркинлигиш намойини қилиш учун ярим кечада, бола-чақалари ширин уйқуда ётганида карнай чалмайди-ку! Хуллас, на табиатда, на ижтимоий ҳаётда мутлақ эркинлик йўқ. Эркинликка

Фридрих Энгельс жула яхши таъриф берган эди. У эркинликни англанилган зарурият деб атайдики, бу таърифда улуғ ҳақиқат бор. Бу ҳақиқатни аданбёт соҳасига татбиқ қилсак, шуни кўрамизки, аданбётдаги эркинлик эсга келган нарсани қоғозга тушириш, оғизга келганини қайтармай валдираш эмас; шунингдек, аданбётдаги эркинлик ўзи ўтирган шохга болта уриш ҳам эмас — дунёда биронта нормал одам ҳали бу ишни қилган эмас — ҳақиқий эркинлик миллионлаб одамларнинг манфаати учун, доҳиймиз Лениннинг ибораси билан айтганимизда, жамиятнинг гулини ташкил қилувчи меҳнаткаш омманинг манфаати учун хизмат қилишдир. Буни ҳар бир совет ёзувчиси ўзининг энг муқаддас, энг олижаноб вазифаси деб билади ва ўз зиммасига шу вазифани қўйгани учун социалистик жамиятдан миннатдор.

Буржуа жамиятидаги эркинлик масаласига келсак, унинг қанақа эканлигини минг-минглаб мисолларда ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Кўпгина йирик ёзувчилар буржуа жамиятида ёзувчининг қадрсизлигидан шикоят қилишади. Масалан, Уильям Фолькнер ҳам, Эрскин Колдуэлл ҳам Америкада ёзувчининг қадрсизлигини, жамиятнинг унга лоқайдлигини таъкидловчи аччиқ-аччиқ гаплар айтишган. Бошқа бир мисол. Узбек китобхонлари ўртасида турк ёзувчиси Азиз Несин жуда машҳур. Мен ажойиб пстеъдодга эга, бениҳоя мулойим, бениҳоя билимдон бу ёзувчи билан шахсан танишман, у билан ҳозирги буржуа жамиятида ёзувчининг аҳволи ҳақила сұхбатлашганиман. Ўз мамлакатида Азиз Несин ҳаққоний асарлари учун доимий таъқиб остида яшайди, уни бир печа марта турмаларга ташлашди, печа марта талаб жарималар солишиди. Агар унинг жингалак сочлари вақтидан аввал қордай оқарган бўлса, бунинг сабаби ижод заҳматларигина эмас, ўз юртидаги аҳвол, ўз ҳукуматининг ёзувчига муносабати, уни таҳқирлаши ҳамдир. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш

мумкин. Ҷарҳақиқат, одам бўсалол тирикчилик ўткाझиҳ учун иш топиш имконидан маҳрум бўлса, одам диний эътиқоди учун, сиёсий қаравшлари учун таъқиб қилинса, одам ирқига қараб оқ-қорага ажратилса ва қора бўлгани учун ҳақорат ва таҳқирларга, хўрлик ва зулмга дучор қилинса, одамнинг қадри меҳнати ёҳуд истеъоди билан эмас, фақат пул билан, банкдаги жорий ҳисобдаги капитали билан ўлчанса, бупдай жамиятни қайси тил, қайси юз, қайси виждан билан эркин жамият деб аташ мумкин. Йўқ, буржуа жамиятининг эркинлиги ҳақидаги гаплар сафсата, ўша жамиятининг гавдасини кемириб ётган ўткир ижтимоий яраларни яшириш учун ўйлаб топилган ниқоб, холос.

Социалистик жамият, Коммунистик партия совет ёзувчисига ҳамма имкониятни яратиб, ёзувчилик ишини тарихда мисли кўрилмагап юксак мартабага кўтарди. Бундай шароитда адабиётнинг ижтимоий роли ҳам, коммунистик қурилишда муҳим ғоявий қурол сифатидаги қиммати ҳам бениҳоя ортди. Шунинг учун ҳам ҳар бир совет ёзувчиси янги ҳаёт қўшиғини баралла айтиши, ўз асари билан ижтимоий тараққиётга ёрдам бериши, ҳаётдаги жамики янги кучларни қўллаб-қувватлаб, ривожланишга халақит бераётган иллатларни шафқатсиз куйдиришни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билади. Мен ана шу совет ёзувчиларининг буюк ва қудратли армиясида оддий солдат эканимдан ғоят бахтиёрман. Мен адабиётчи сифатида, буюк социализм ўлкасининг граждани сифатида мислсиз ҳуқуқларга эга эканимдан бахтиёрман. Тарих бизнинг зиммамизга буюк вазифалар юклаган ва биз ҳар қайсизиз ўз соҳамизда бу вазифаларни бажариш ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш учун яшаймиз, меҳнат қиламиз, курашамиз. Совет ёзувчисининг бахти ҳам шунда.

## ДҮСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Ватанимизда миллий адабиётлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик йил сайн ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Коммунистик партия бу дўстликнинг гуллаб-яшинаши учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Партиямизнинг XXV съездидаги ҳам миллий адабиётлар ўртасидаги алоқаларни янада самаралироқ қилиш, уни янги-янги шакллар билан бойитиб бориш асосий вазифалардан бири экани таъкидланди. Сўпгги йилларда ҳамма республикаларда, йирик-йирик саноат марказларида, қишлоқ хўжалик районларида тез-тез совет адабиёти кунларини ўтказиб туриш одат тусига кириб қолди. Шуниси қувонарлики, адабиёт кунлари ҳар гал тантанали маданият байрами тарзида ўтмоқда. Айни чоқда, адабиёт кунлари ёзувчига ўз китобхони, ўз қаҳрамони билан бевосита учрашишга, унинг қаршисида ижодий ҳисоб беришга ҳам имкон яратади. Бундай учрашувлар китобхонда катта маънавий қаноат туйғусини ҳосил қилганидек, ёзувчининг ҳам китобхон қаршисидаги бурчини янада чуқурроқ ҳис этишига ёрдам беради. Мен Ўзбекистон ёзувчиларининг вакили сифатида ана шундай адабиёт кунларидан бир қанчасида иштирок этдим. Красноярск, Донецк, Кишинев каби шаҳарларда ўтган маданият байрамларини кўрганди, ўп минглаб оддий совет кишиларининг адабиётга меҳрини кузатганимда, ҳар гал доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг бир гапи хаёлимга келади. Ленин айтган эди: «Санъат — халқ-никидир. У ўзининг чуқур илдизлари билан кенг меҳнаткашлар оммасининг ич-ичига кириб кетиши лозим...» Ҳа, буюк доҳийнинг бу орзузи бизнинг кунларимизда тўла рўёбга чиқди: совет адабиёти том маънода халқчил адабиёт бўлиб қолди.

Совет адабиёти кунлари бизнинг серқуёши республикамизда ҳам ҳар йили ўтказилиб турилади. Мана бугун

ҳам, ўлкамизда олтин қуз кезаётган ажойиб паллада, бутун ўзбек ҳалқи улкан пахта хирмони учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган долзарб кунларда Тошкентга Россия Федерациясининг атоқли сўз санъаткорлари ташриф буюришди. Улар ўзбек ҳалқига: «Ҳорманг, дўстлар!» деб хитоб қилиш учун, хирмонимизга барака ти-лаш учун, шодлигимизга шерик бўлиш учун меҳмон бў-либ келишган. Шунинг учун ҳам бугун биз серқуёш ўзбек диёрида қадимий таомилимизга кўра, қўлимизни кўксимизга қўйиб, мамнуният билан: «Хуш келибсиз, азиз дўстлар! Марҳабо, қардошлар!» дея уларни мубо-ракбод қиласиз.

Ўзбек ҳалқи кўп йиллардан бери рус адабиётини яхши билади ва уни чин қалбидан севади. Айниқса, совет ҳокимияти йилларида ўзбек ҳалқининг рус адабиётига муҳаббати мислсиз юксакликларга кўтарилди. Бугун Пушкин ва Лермонтов асарларини севиб ўқимаган, Некрасов ва Блок шеърларидан баҳраманд бўлмаган, Гоголь ва Шедрин қиссаларидан завқланиб кулмаган, Тургенев ва Гончаров романларидан баҳра олмаган биронта ўзбек йўқ десак, муболаға бўлмайди. Достоевский ва Толстой, Чехов ва Купринларнинг асарлари ҳар бир китобхон ўзбекнинг қалб тўридан жой олган. Буюк Горький ва Маяковский эса ўзбек ҳалқининг ҳам революцион онгини шакллантиришда жуда катта роль ўйнаган. Бугун ўзбек диёридаги кўпгина кўчалар ва кутубхоналар, колхозлар ва совхозлар, олий ўқув юртлари ва мактаблар шу улуғ зотларнинг исми билан аталади. Уларга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимизнинг нишонаси ўлароқ доим уларниш ҳайкаллари пойига гулдасталар қўямиз. Ҳа, ҳалқимизнинг рус адабиётига меҳри офтобдек қайноқ. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Негаки, рус адабиёти ўзининг юксак ғоявийлиги, ҳаққонийлиги, адолатпарварлиги, гуманизми билан, меҳнаткаш инсонга ишончи билан ўтган асрдаёқ жаҳон миқёсида энг илғор маррага чиқиб олган адабиётдир. Рус

совет адабиёти унинг ана шу ажойиғб традицияларини давом эттириди ва янада бойитди.

Россия Федерациясининг бугун республикамизга ташриф буюрган сўз санъаткорлари орасида Сергей Михалков, Ю. Бондарев, Қайсин Қулиев, Л. Ошанин, Юлия Друнина, Алим Кешоков, Михаил Дудин, П. Проскурин каби атоқли адиблар ва шоирлар бор. Уларнинг ҳар қайсиси тўғрисида, улар яратган асарлар ҳақида катта-катта мақолалар ёзиш мумкин. Бу адиблар ва шоирларнинг ҳар қайсиси ўзининг тақрорланмас ижодий қиёфасига эга. Уларнинг ижоди ранг-бараңг ва ўзига хос. Бироқ, айни чоқда уларнинг ҳаммасини бирлаштириб турадиган муштарак сифатлар ҳам мавжуд. Бу сифатлар юксак ғоявийлик, халқчиллик, ўз қалами билан коммунистик жамият қурилишига хизмат қилиш истагидир. Шу нуқтаи назардан баъзи ёзувчиларнинг ижоди билан қисқача танишиб чиқайлик.

Социалистик Мәҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати, СССР Педагогика фанлари Академиясининг ҳақиқий аъзоси, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Ёзувчилар Союзининг раҳбарларидан бири, коммунист ёзувчи Сергей Михалков кўп йиллардан бери турли жанрлардаги асарлари билан адабий хазинамизни бойитишида жонбозлик қилиб келмоқда. Сергей Михалков даставвал йирик болалар ёзувчиси сифатида машҳур. Унинг қувноқ шеърлари, ҳаётбахш оптимизм билан сугорилган эртаклари, реал ҳаёттий воқеаларни тасвирловчи достонлари аллақачонлар болаларнинг севимли асарлари қаторидан ўрин олган. Масалан, «Стёпа амаки» достонини эслайлик. Стёпа амаки образи шоирнинг чинакам ижодий кашфиёти бўлган эди. Бу ажойиб асар қирқ йилдан бери яшаб келмоқда. У ўнлаб марта қайта нашр этилди ва жуда кўп тилларга таржима қилинди.

Сергей Михалков фақат поэтик асарлар яратиш билан чекланмай, болалар драматургияси соҳасида ҳам

муваффақиятли қалам тебратмоқда. Унинг «Махсус топшириқ», «Қизил галстук», «Уйимга кетаман», «Мақтанчоқ қуён» каби пъесалари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнади.

Сергей Михалков адабиётимизда масал жанрини ривожлантиришда ҳам катта ишлар қилди. У Демьян Бедний, Владимир Маяковский каби шоирларнинг анъаналарини давом эттириб, юзлаб масаллар яратдики, улар бадиий баркамоллиги, гоявий теранлиги билан китобхонлар қалбидан чуқур ўрин олди. Михалковнинг истеъоди ғоят кўпқирралидир. У катталар учун ҳам ажойиб поэзия яратди ва айни чоқда ўткир сатирик драматург сифатида шуҳрат қозонди. Унинг «Ўзига ҳайкал...», «Қисқичбақалар», «Бурчелли эцитонлари», «Тарсаки» каби комедиялари ҳаётдаги айрим иллатларни фош қилишда, инсон табиатидаги манманлик, виждонсизлик, принципсизлик каби заифликларни қоралашда муҳим аҳамиятга эга. Сергей Михалков ўзининг бутун ижодий фаолияти давомида совет адабиётининг партиявийлик ва халқчиллик каби принципларига содиқ бўлди. Унинг асарлари ҳамиша сиёсий ўткирлиги, публицистик жўшқинлиги билан ажralиб туради. У бутун илҳомини, қаламининг кучини халқ хизматига бағишилаб, ижоди билан замон талабларига «лаббай» деб жавоб берадиган санъаткордир.

Сергей Михалков халқа хизмат қилишини санъатнинг олий бурчи деб билгани учун, бу принципга фақат бадиий ижодидагина эмас, кундалик ҳаётида, жамоатчилик фаолиятида ҳам амал қилади. У ўзининг публицистик асарлари билан совет педагогикасининг ривожига катта ҳисса қўшди. Айни чоқда у ҳаётдаги камчиликларга қарши активроқ курашиш мақсадида «Фитиль» деган сатирик киножурнал ташкил қилди. Бу қувноқ ва ўткир киножурнал миллионлаб томошабинларнинг муҳаббатини қозонди.

Атоқли совет ёзувчиларидан яна бирн Анатолий Сафроновдир. Давлат мукофотининг лауреати, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш Совет Комитетининг раис ўринбосари, 1953 йилдан бери «Оғоннек» журналиниң редактори Анатолий Сафронов республикамизга тез-тез келиб туради. У Ғафур Ғуломнинг қадрдан дўсти эди. У Қомил Яшин, Шароф Рашидов, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобоҷон каби ўзбек ёзувчиларининг яқин дўсти ва сафдоши. Анатолий Сафронов ўзбек адабиётининг ютуқларини тарғиб қилишда, Бутуниттифоқ бўйлаб ёйиша катта жонбозлик кўрсатаётган ёзувчилардан.

Анатолий Сафронов машҳур шоир. Унинг ўнлаб поэтик тўпламлари бор. Унинг асарлари орасида «Видолашиб достони», «Замон достони» кабилар алоҳида ажралиб туради. Шеър ва достонлар билан бир қаторда Сафронов «Қўлингни бер, олисдаги дўст», «Волгадан Донгача», «Брянск ўрмони» каби машҳур қўшиқлар ҳам яратган.

Анатолий Сафронов, айниқса, драматург сифатида совет адабиётига катта ҳисса қўшди. Унинг ўнлаб драмалари Совет Иттифоқининг ҳамма йирик театрларида саҳнага қўйилган. Булар орасида «Москваликлар характери», «Юрак кечирмайди», «Пул», «Истеъфодаги одам», «Бир табассумга — миллион», «Ошпаз аёл», «Павлина», «Мерос» каби драма ва комедиялари алоҳида ажралиб туради.

Республикамиз меҳмонлари орасида яна бошқа йирик адиллар ва шоирлар ҳам бор. Булардан бири — Ленин мукофотининг лауреати Юрий Бондаревдир. Бу коммунист ёзувчининг ҳаёт йўли ҳам, ижод йўли ҳам гоят ибратлидир. У 1924 йилда туғилган. 17 ёшида фронтга кетган ва тўп командири сифатида фашист босқинчиларига қарши жанг қилган. Урушдан кейин Горький номидаги Адабиёт институтини битириб, 1949 йилдан бошлаб ҳисса ва ҳикоялар эълон қила бошлади. Унинг биринчи

асарлари ёқ адабиётимизда катта воқса бўлди. Масалан, «Батальонлар ўт очишни сўрайди» ва «Сўнгги залплар» каби қиссалари Улуғ Ватан урушига бағишланган бўлиб, унда ҳарбий воқелик бевосита уруш иштирокчисининг нуқтаи назаридан тасвиirlанган. Бу қиссаларда оддий совет жангчиларининг қаҳрамонлиги катта маҳорат билан очилган. Юрий Бондаревнинг «Сукунат» романни ҳам китобхонда катта қизиқиш уйготди. Бу романда ҳам марказий қаҳрамон—собиқ жангчи бўлиб, ёзувчи унинг урушдан кейинги улғайиш йўлини, ҳақиқат ва адолат учун мардона курашини тасвиirlайди. Унинг сўнгги романни «Соҳил» деб аталади. Бу романда автор ҳозирги даврнинг ғоят мураккаб аҳлоқий-маънавий масалаларини чуқур фалсафий теранлик билан ёритган. Юрий Бондарев бир қатор киносценарийлар муаллифи ҳамdir.

Атоқли рус совет шоирлари Римма Қазакова ва Евгений Долматовскийлар ҳақида бир оз кенгроқ гапириш лозим. Римма Қазакова адабиётга урушдан кейин—50-йилларнинг ўртасида кириб келган бўлса-да, аллақачон Бутуниттифоқ китобхонига манзур бўлди. Унинг лирикаси ғоят самимийлиги билан ажralиб туради. Римма Қазакованинг шеърларида бугунги совет аёлларининг бой маънавий дунёси яхши ифодаланган. Римма Қазакова ҳам ўзбек адабиётининг дўстларидан бири. У Зулфия, Саида Зуннунова, Гулчехра Жўраева, Гулчехра Нуруллаева, Ҳалима Худойбердиева каби шоирларининг поэтик асарларини рус тилига таржима қилиб, Бутуниттифоқ миқёсига олиб чиқишида катта ишлар қилмоқда.

Евгений Долматовский эса адабиётга 30-йилларда кириб келган комсомол шоирлар плеядасининг вакили. У ўнлаб поэтик тўпламлар, кўшиқлар, достонлар автори. У Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси. Унинг асарлари ичида, айниқса, «Қўнгиллилар» достони ажralиб туради. Бу достонда шонр Октябрга тенгдош авлодни қаҳрамон қилиб олган. Унинг қаҳрамонлари Москва метросини

бунёд этгай азаматлар. Бу достонда совет кишисининг энг яхши фазилатлари бадий мужассамлашган.

Россия Федерацияси адабиётининг ажойиб хусусиятларидан бири унинг кўп миллатлилигидир. Буюк рус адабиёти бошчилигига ўнлаб тилларда яратилаётган миллий адабиётлар бирлашиб, бузилмас қардошлиқ оиласини ташкил этади. Гап шундаки, Октябрь революциясидан кейин мамлакатимизда ленинча миллий сиёсатининг амалга оширилиши билан ҳамма халқлар тенглик ва қардошлиқ асосида баравар ривожланиш имконига эга бўлдилар. Айниқса, ўтмишда хўрлапган ва эзилган, қирилиб кетишга маҳкум бўлган кичик халқлар коммунистик партияининг ғамхўрлиги туфайли қисқа муддатда ижтимоий-иқтисодий соҳадагина эмас, балки маданий ҳаёт соҳасида ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритдилар. Буни небот қиласиган ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Бундан бир неча йиллар аввал Тува автоном республикасида ўзбек адабиёти кунлари ўтказилди. Тувага меҳмон бўлиб борган ўзбек ёзувчилари делегациясида Шуҳрат ва Абдулла Ориповлар билан бирга мен ҳам бор эдим. Биз Тувада совет ҳокимияти йилларида чинакам мўъжиза рўй берганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Тува халқи яқин-яқинларда ҳам фақат чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи халқ эди. 20-йилларнинг бошида Тувада республика тузилади. Қизиги шундаки, республика раҳбарлари қилиб чорвадорлар сайланди. Раҳбарлар мажлис қилиб, ҳукумат ишларни муҳокама қилган ҷоғларида, уларнинг чорвасини маҳсус одамлар боқиб туришган. Мажлисдан бўшашлари ҳамон раҳбарлар яна чўпонлик билан шуғулланаверишган. 1924 йилга қадар биронта тувалик, умуман, шаҳар ҳақида тушунчага эга эмас эди, биронта одам Тува чегарасидан чиқиб, ташки олам билан танишмаган эди. Бугун Тува республикаси саноатлашган, илғор қишлоқ хўжалигига, юксак маданиятга эга бўлган бир ўлка. Унинг бой ва ранг-бараанг адабиёти бор. Бу адабиётда проза ҳам, поэзия ҳам, драматургия ҳам, ада-

бий тапқид ва болалар адабиёти ҳам мавжуд. Айрим ёзувчиларнинг асарлари эса Иттифоқимиз бўйлаб танилган. Масалан, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Солчак Токанинг «Аратнинг сўзи» трилогияси кўп миллатли адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган асардир.

Бугун Шимолий Қавказда, Волга бўйида, Сибирь ва Узоқ Шарқда, ҳатто тундрада яшайдиган кичик халқлар ҳам ўзининг катта адабиётини яратди. Бу адабиётларнинг вакиллари бугун жаҳондаги кўпгина халқларга танилгац, китоблари миллионлаб нусхада нашр қилинадиган санъаткорлардир. Россия Федерациясининг делегацияси составида ана шундай миллий адабиётларнинг Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев каби атоқли намояндалари борлиги бизни янада қувонтиради.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати коммунист шоир Расул Ҳамзатов социалистик реализм поэзиясининг ўзига хос, такрорланмас намояндаларидан биридир. У Догистонда яшайдиган кам сонли авар халқининг вакили бўлса-да, СССР халқларнинг қардошлиқ оиласида унинг овози бутун жаҳон бўйлаб жаранглайдиган салобат касб этди. 1950 йилдаёқ у «Туғилган йилим» тўплами учун СССР Давлат мукофотини олишга муваффақ бўлган эди. Ундан кейин «Отам билан суҳбат» поэмасини яратди. Бу поэмада Расул Ҳамзатов совет шоирининг юксак бурчи ҳақида куйлади. Унинг «Тоғлик аёл» поэмаси ҳам катта шуҳрат қозонди. Бу поэма асосида кейинчалик опера ва кинофильм яратилди. Шоирнинг «Тоғларда менинг қалбим», «Юксак юлдузлар» каби тўпламлари ҳам совет поэзиясида катта ҳодиса бўлди. Расул Ҳамзатов поэзияси гоят маънодорлиги, фалсафий теранлиги, инсоннинг ҳислари ва дардларини самимий ифодалashi билан кўпчиликнинг муҳаббатини қозонди. Бу поэзия инсонга муҳаббат руҳи билан суғорилган чинакам гуманистик поэзиядир.

Коммунист шоир Қайсин Қулиев ҳам Шимолий Қав-

казда яшайдиган балқар халқининг вакили бўлиб, ўз шеърияти билан совет поэзиясининг юксалишига катта ҳисса қўшган санъаткордир. Унинг «Қўшниларим», «Кулфат дамларида», «Даралар қўшиғи» каби тўпламларида ялги социалистик ҳаёт нашидаси ёрқин ифодаланган. Шоирга, айнинса «Жароҳатланган тош» тўплами катта шуҳрат келтирди. Унинг шеърларида Кавказ тоғларининг салобати, дараларнинг мусафро ҳавоси, дарёларнинг шарқироқ оҳанглари бор. Қайсин Қулиев инсоний мардликни ва инсоний назокатни куйлади. Қўпгина асарлари Ватанимиз халқларининг дўстлигига багишланган. У 1972 йилда, Совет Иттифоқининг 50 йиллиги ишонланашётган кунларда дўстлигимиз ҳақида қўйидаги оташин сўзларини ёзган эди: «Халқлар дўстлиги одамлар дўстлигидан ташкил топади. Мени дўстларим билан боғлагай нарса коммунистик идеалларга, буюк совет халқига, маданиятлар қардошлигига хизмат қилишдир. Денгиз ва тоғлар тонг қуёшидан нур олгани каби, бизнинг дўстлигимиз ҳам ана шу юксак ғоялардан нур олади... Мен қардошлигимизни, қалбларимиз ва қаламларимиз қардошлигини севаман».

Ўзбек тилини яхши биладиган Қайсин Қулиев қўпгина ўзбек шоирларининг яқин дўстидир. У республика-мизга тез-тез келиб туради. Шеъриятимиз ютуқларини тарғиб қилишда ҳам унинг хизматлари катта.

Совет адабиётиниң атоқли намояндаларидан яна бири Мустай Карим қардош бошқирд халқининг вакилидир. Унинг ижоди Волга бўйларида яшовчи бошқирд халқининг совет ҳокимияти йилларида нечоғлик маданий юксакликларга кўтарилганидан далолат беради. Мустай Карим ижоднини 30- йиллардан бошлаган. У Улуг Ватан урушининг иштирокчиси. Урушдан кейинги йилларда эса «Колхозимиз қизлари», «Сабантўй», «Европа — Осиё», «Вьетнам ҳақида шеърлар» каби тўпламларини эълон қилди. Мустай Карим поэзияси ҳам Расул Ҳамзатов ёхуд Қайсин Қулиев шеърияти каби ғоят теранлиги, ин-

сонийлиги, фалсафий ўйларга, чуқур умумлашмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Айни чоқда, бу поэзия ғоят чуқур миллий руҳга ҳам эга. Бошқирдистон халқ шоири Мустай Карим атоқли драматург ҳамдир. Унинг «Тўй давом этади», «Ёлғиз қайин», «Қиз ўғирлаш», «Кўйланмаган қўшиқ» каби драмалари машҳур. Унинг кўпгина драмалари қардош халқлар тилларига таржима қилингани. Масалан, ўзбек томошабини Зулфия таржимасида Мустай Каримнинг «Ой тутилган тунда» драмасини кўрди ва уни севиб қолди. Мустай Карим драмаларида бошқирд халқининг ўтмишдаги ва бугунги ҳаёти ёрқин ифодаланган.

Ҳа, Расул Ҳамзатов, Қайсий Қулиев, Мустай Карим ва уларга ўхшаш яна кўпгина ёзувчиларнинг ижоди кўп миллатли совет адабиётининг қардошлиқ оиласида ҳамма миллий адабиётлар равнақ топаётганини намойиш қиласди.

Республикамиэда ўтаётган Россия Федерациясининг адабиёт ва санъат кунлари адабиётларимизнинг дўстлиги китобига, халқларимиз қардошлиги тарихига янги шонли саҳифа бўлиб киради.

1976

## АДАБИЁТИМIZНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

1978 йилнинг январь ойи охирида Тюменда «Даври-мизнинг буюк қурилишларининг қаҳрамонлари ва совет адабиёти» деган мавзуда Бутуниттифоқ ижодий конференцияси бўлди. Конференция КПСС Тюмень обкомининг биринчи секретари, Ленин мукофоти лауреати Г. П. Богомяковнинг кириш сўзи билан очилди. Умрининг кўп қисмини Фарбий Сибирга бағишилган, Тюмень нефти ва газини қидириб топишда катта жонбозлик кўр-

31

сатган бу машҳур геолог ўз нутқида совет ёзувчисининг сўзи мўътабарлигини, социалистик қурилишда катта роль ўйнаши мумкинлигини кўрсатувчи ажойиб воқеани айтиб берди. Унинг ҳикоя қилишича, бундан 15 йил аввал — 1963 йилнинг 26 январь куни «Литературная газета»да ёзувчи С. Залигининг мақоласи босилган. Ўша куни Москвада Давлат эксперт комиссиясининг йиғилишида Қўйи Объ ГЭСининг қурилиши масаласи ҳал қилиниши керак экан. Фарбий Сибирь ўлкасини беш қўлидай яхши билган ёзувчи мақоласида бу ГЭСнинг қурилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида асосли далиллар келтириб фикр билдирган. Мақола комиссия ишига муайян таъсир кўрсатган ва комиссия масалани янада чуқурроқ ўрганишга қарор қилган. Кейинчалик эса ГЭС қурилса, сув остида қолиб кетиши мумкип бўлган территориядан нефть ва газ запаслари топилган.

Бу воқеа совет адабиётининг жамият ҳаётидаги юксак ўрнини, совет ёзувчисининг муҳим ижтимоий ролини кўрсатувчи юзлаб, минглаб воқеалардан биридир.

Улуғ Октябрининг шарофати билан туғилиб, коммунистик партияning домий ғамхўрлиги остида улфайиб, вояга етган кўп миллатли совет адабиёти ҳамиша ленинча партиявийлик ва юксак халқчиллик принципларига содиқ бўлиб келди. Адабиётимиз ривожида таҳсил топган буюк принциплардан бири шундаки, совет адабиёти учун халқ манфаатидан ўзга манфаат йўқ. Ҳар бир совет ёзувчиси халқ учун ёзишни, унинг ҳаётини тераан бадиий лавҳаларда ёритишни, жамият ривожига ёрдам берадиган асарлар бунёд этишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Халққа ҳамдамлик ва ҳамдардлик, халқ билан бирга нафас олиб, бирга одимлаш адабиётимизнинг ажойиб анъанасига айланган. Биз адабиётимиз тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамиша — гражданлар урушининг оғир дақиқаларида ҳам, халқ хўжалигини қайта тиклаш учун кураш қизиган кезларда ҳам, мамлакатни саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини кол-

лективлаштириш учун умумхалқ юриши авж олган йилларда ҳам, фашизмга қарши курашнинг оловли онларида ҳам, ундан кейин тинч қурилиш жабҳасида халқ фидокорлиги давом этган чоғларда ҳам совет ёзувчиси ҳаётнинг олдинги мэрраларида бўлганини, халқ билан яқдил ва ҳамнафас ижод этганини кўрамиз. Ана шу яқдиллик оқибатида адабиётимиз хазинаси «Темир оқим», «Тор-мор», «Чапаев», «Цемент», «Гидроцентраль», «Бруски», «Ёш гвардия», «Чин ишон қиссаси», «Кўкан», «Зайнаб ва Омон» каби дурдона асарлар билан бойиди. Шу яқдиллик оқибатида урушдаи кейинги йилларда Твардовский ва Леоновларнинг, Шолохов ва Стельмахнинг, Валентин Овечкин ва Галина Николаеванинг, Ойбек ва Яшиннинг, Абдулла Қаҳҳор ва Асқад Мухторларнинг ижоди барқ уриб яшнади.

Бугун совет халқи партиямиз чизиб берган улуг режаларга амал қилиб, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун қаҳрамонона меҳнат қилмоқда. Давримизнинг буюк қурилишларидаги «совет кишиси» деб аталмиш ижодкор инсони коммунистик жамиятнинг чуҳташам биносига гишт термоқда. Уларнинг фидокорлиги ҳақида партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев XXV съезднинг олий миридан жуда яхши айтган эди:

«Ҳар куни эрталаб ўн миллионларча одамлар ўзларининг навбатдаги, жуда оддий иш кунини бошлайди: улар станоклар ёнига туришади, шахталарга тушишади, далаларга отланишади, микроскоплар, ҳисоб-китоблар, графиклар билан шуғулланишади. Улар ўзлари қилаётган ишларнинг улуғворлигини хаёлларига ҳам келтирмасалар керак. Бироқ партиянинг кўрсатмалариши бажариб, Советлар ўлкасини тараққиётнинг янги ва янги чўқиqlарига кўтараётган одамлар — шуларнинг ўзи. Биз давримизни буюк зафарлар даври деб атар эканмиз, уни шундай қилган одамларни, меҳнат кишиларини муносиб ҳурмат қиламиз».

«Меҳнат кишиларини муносиб ҳурмат қилиш»да, уларнинг фидокорона меҳнатини бор бўйича тасвирлаб, шу йўл билан режаларимизнинг рўёбга чиқишига кўмаклашишда адабиёт на санъатнинг роли бафоят катта. Шунинг учун ҳам совет ёзувчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг бутун совет ҳалқига йўллаган мактубини чин қалдан қизғин кутиб олдилар. Бу мактубда ёзувчиларга қаратилган шундай сўзлар бор: «Биз совет зиёлиларига, фан, техника ва маданият ходимларига мурожаат қилиб айтамизки, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳаракат қилингиз, ҳалқ хўжалигини ривожлантиришга кўпроқ ҳисса қўшингиз. Инженер ва агрономнинг ижодий меҳнати, олимнинг изланиши, педагог ва врачнинг тажрибаси ҳамда билими, ёзувчининг қўшиқ ва илҳомбахш сатри беш йилликнинг иш маромига қўшилаверсин!»

Бу мактуб барча совет меҳнаткашларп кабп шоир ва ёзувчиларни ҳам, драматург ва танқидчиларни ҳам янги ғайрат ва янги илҳом билап меҳнат қилишга, беш йиллик режаларини тезроқ ва самаралироқ рўёбга чиқаришга ёрдам берадиган, шу йўлда китобхонни янги марраларга илҳомлантирадиган асарлар яратишга давлат этади.

Совет ёзувчилари ўз зиммаларидаги бу муқаддас бурчни шараф билан бажариш учун астойдил меҳнат қўилмоқдалар. Буни шу факт ҳам яқол кўрсатиб турибдики, сўнгги йилларда кўп милатли совет адабиётида жамиятимизнинг етакчи кучи бўлмиш ишчилар синфи ҳақида яхши асарлар анча кўпайди. Дворецкийнинг «Четдан келган одам», Бокоревнинг «Металлурглар», Гильманнинг «Мукофот» каби асарларн бутун совет жамоатчилигининг эътиборини қозонди. Бундай асарларда ишчилар синфи темасининг янги қирралари очилди. Ёзувчилар ишчиларнинг бугунги ҳаёти ҳақида ёзар эканлар, даврнинг энг муҳим проблемаларини ўртага

қўйишга интилмоқдалар. Бундай асарлардаги қаҳрамонлар китобхонни, биринчи навбатда, ижтимоий активлиги билан, юксак онглилиги ва бой маънавий дунёси билан ўзига ром этмоқда. Меҳнат кишиларининг ҳаётини бадиий тадқиқ қилишда адабиётимизнинг муваффақиятлари шу қадар каттаки, Л. И. Брежнев XXV съезд минбаридан айтган гапларида бу тўғрида алоҳида тўхтади: «Мисол учун илгари «ишлаб чиқариш мавзуи» деган қуруқроқ ном билан аталадиган мавзуни олиб кўринг. Эндиликда бу мавзу чинакам бадиий формага кирди. Пўлат эритувчилаёнинг ёки тўқимачилик фабрикаси директорининг, инженер ёки партия ходими нинг муваффақияти учун адабий ёки саҳна қаҳрамонлари билан бирга тўлқинланамиз, ҳаяжонланамиз. Ҳатто қурувчилар учун мукофот тўғрисидаги масаладек жузъий бўлиб кўринган бир ҳол кенг ижтимоий аҳамият касб қилмоқда, қизғин мунозаралар мавзуига айланмоқда».

Ўзбек совет ёзувчилари ҳам адабиётимизнинг ана шу марказий мавзуни муносиб ёритиш соҳасида кўп йиллардан бери самарали қалам тебратиб келмоқдалар. Бизнинг адилларимиз ва шоирларимиз меҳнат кишисининг ҳаётини бадиий акс эттиришда катта тажриба орттиридилар. Бу соҳадаFaфур Ғулом ва Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Шайхзода каби улкан сўз санъаткорларининг традициялари бугун ҳам шу маъсулиятли мавзуга қўл ураётган ёзувчиларга катта ёрдам бермоқда. Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», «Туғилиш» каби романлари эса ишчилар темасидаги бақувват асарлар сифатида аллақачонлар кенг китобхонлар оммасининг муҳабатини қозонди. Бу соҳада адабиётимизнинг сўнгги йилларидаги ижодий тажрибасини бойитган асарлар ҳақида гапирганда Ҳамид Ғуломнинг «Тошкентликлар», Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси», «Дегрез ўғли», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Жонрид Абдул-

лахоновнинг «Йўл», «Тўфон» каби романларини, Пирим-қул Қодировнинг «Мерос» қиссасини ва яна бошқа кўп-гина асарларни тилга олиш мумкин. Фақат прозадагина эмас, поэзия ва драматургияда ҳам ҳозирги меҳнат кишилари ҳаётини самарали тасвирлаган асарларимиз кўп. Жумладан, Абдулла Ориновнинг «Қарши қўшиги» достони, Асқад Мухторнинг «Самандар» пьесаси бу фикримизни тасдиқлайди. Бу асарлар бадиий савияга кўра ҳар хил, бироқ уларни бир нарса бирлаштириб туради—уларнинг ҳаммасида ҳам ёзувчининг меҳнат кишисига теран муҳаббати, унинг фидокорона ишларига самимий ҳурмати яққол сезилиб туради.

Ишчилар сипиғи темасидаги энг янги асарлар ҳақида гап кетганда эса, албатта, Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат» қиссасини әслаш керак. Яқинда бу қисса асосида спектакль яратилиб, уни Ҳамза номидаги театр колективи томошабинга «Саҳро тор» номи билан тақдим этди. Асқад Мухтор қиссанинг бош қаҳрамони Заргаров образида замондошларимизнинг характеристикини, ижодкорлик фазилатини, юксак онгини чуқур очиб бера олган. Заргаров даврининг улуг ишлари билан шугулланади. У ташаббускор ва ишнинг кўзини биладиган одам. Улкан ишлар билан шугулланган одам эса турмушнинг икир-чикир ташвишларидан, майдадарсалардан устун туради. У ўзининг минглаб, юз минглаб одамлар тақдирни учун жавобгарлигини, тараққиётимизнинг истиқболи қаршисидаги масъулиматини чуқур ҳис қиласи ва бу унинг хатти-ҳаракатларини ягона бир мақсад сари ўйнаптиришга ёрдам беради. Асқад Мухтор Заргаров характеристини яратиб, бугунги адабиётимизга замондошларимизнинг янги образини олиб кирди.

Бундай асарлар сўнгги йилларда ишчилар ҳаётини бадиий ёритиш соҳасида ўзбек ёзувчилари муайян изланишлар олиб бораётганини кўрсатади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, бу изланишлар ҳали бизни қаноат-

лантира олмайди. Бугунги Ўзбекистон ҳаётига назар ташласак, ишчилар синфи тобора етуклариб бораётганини, тараққиётимизнинг ғоят муҳим ва мураккаб проблемаларини ҳал қилувчи қудрат касб этаётганини кўрамиз. Илмий-техник революция таъсирида ишчи меҳнати япгича характер касб этаётган, бу эса ўз павбатида бугунги ишчиларнинг маълавий қиёфаспда, оламии қабул қилишида, характери ва психологиясида муайян ўзгаришларни вужудга келтирипти. Тараққиётимиз ишлаб чиқаришда ҳам янги-янги ижтимоий ва ахлоқий конфликтларни тугдирмоқда. Буларнинг ҳаммаси ёзувчилар учун жуда бой материал беради. Бугун республикамиз улкан қурилишлар ўлжасига айланди. Тошкент ГРЭСи ёхуд Қарши чўлининг ўзлаштирилиши шундай буюк қурилишларни, уларда республикамизнинг истиқболи барпо этилмоқда. Айни чоқда, бу қурилишларда совет кишинининг характери янада тобланиб, янги сифатлар касб этиб бормоқда. Хуллас, республикамиздаги ишчилар синфининг сўнгги йиллардаги маъниавий тажрибасини бадиий умумлаштириш ва шу асосда давримиз қаҳрамонларининг тўлақонли характерини яратиш ҳамон адабиётимиз олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўнинчи беш йиллик режаларини муваффақият билан амалга оширишда ҳалқимизга реал ёрдам берадиган энг қулай адабий жанр очерк ва публицистикадир. Бу жанрлар ихчамлиги ва оперативлиги туфайли кундадлик ҳодисаларни тез акс эттиришга, ҳаётда пайдо бўлаётган янгиликларни зудлик билан қўллаб-қувватлашга, ишларимиздаги нуқсонларни кечиктирмай очиб ташлашга имкон беради. Мамнуният билан таъкидлаш керакки, ўзбек ёзувчилари шу ўткир қуроллардан ҳам маҳорат билан фойдаланмоқдалар. Бу соҳада, айниқса, тўнгич авлод вакиллари ёшларга ҳар жиҳатдан намуна кўрсатмоқда. Мен бу ўринда биринчи навбатда атоқли санъаткор, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Назир Сафаров-

нинг номини тилга олишни истардим. Маълумки, Назир Сафаров кўп йиллик ижоди давомида драмалар ва қиссалар яратиш билан бирга, очерк жанрига алоҳида эътибор бериб келган. Назир Сафаров очеркларининг ажойиб фазилатларидан бири шуки, у ҳаётда эндиғина туғилиб келаётган япгиликни, илғор ташаббусни жуда тез илғаб олади ва ёзувчининг эҳтиросли, ўткир сўзи ёрдамида унинг тез қулоч ёйишига кўмаклашади. Турсуной Охупова ҳақида биринчи бўлиб очерк ёзган, республикада турсунойчилик ҳаракатининг кенг қулоч ёйишига ёрдамлашган ҳам Назир Сафаров эди. Отахон ёзувчимиз кейинги йилларда ҳам меҳнат кишиларини улуғловчи очерклар яратмоқда. Масалан, у яқиндагина эълон қилинган «Келажак билан учрашув» деган очеркида яна Турсуной образига мурожаат қиласи, турсунойчилик ҳаракатининг туғилиш даврини, вояга етишини кўрсатади, Турсунойнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қиласи ва буларнинг барчасини республикамиз дала-ларидан аёл меҳнатини енгиллатиш масаласи билан боялайди. Хўжалик режаларини самарали амалга оширишда ёзувчининг сўзи нақадар эътиборли эканини Назир Сафаровнинг бундан бир неча муддат илгари «Гулистан» журналида босилган очерки ҳам яна бир бор исбот қилди. Ёзувчи бу очеркда колхоз механизаторларининг фидокорона меҳнатини улуғлагани ҳолда, шу фидокорликни кўрсатишдаги ҳамду саноларга, ҳатто кўзбўя-мачиликка қарши чиқади. Шу мақола таъсирида халқ қаҳрамонлигини ёритишда ёмон бир иллатдан—кўзбўя-мачиликдан халос бўлдик.

Очерк жанрида самарали меҳнат қилаётганилардан яна бири—«Чироқ» романининг муаллифи, моҳир таржимои, адабиётимизнинг кекса заҳматкаши Иўлдош Шамшаровдир. Яқинда унинг «Ишқ ўти» деб аталган китоби чиқди. Унга авторнинг кўп йиллар давомида яратган очеркларидан энг яхшилари саралаб олинган. Бу китоб меҳнат кишиларининг ёрқин портретларини

чишида Йўлдош Шамшаровнинг ҳиссаси катта эканини кўрсатади. Қитобдан «Боғбон», «Пахтақайнар» «Инсон қалби қўёшдан ёруғ» каби машҳур очерклар ўрин олган. Йўлдош Шамшаров кейинги йилларда ҳам ижодий активликни сусайтиргани йўқ. Бунинг далили сифатида унинг яқинда «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган «Ҳаёт тақозоси» деган очеркини келтириш мумкин. Очерк марказида қишлоқ хўжалигининг ташаббускор ва жонкуяр раҳбарларидан бири, Учқўрғон районидағи Ленин номли совхоз директори, коммунист Фозилжон Турсуновнинг образи туради. Ёзувчи Фозилжон босиб ўтган йўл орқали Ўзбекистонда колхоз-совхоз қурилиши тарихининг айрим лавҳаларини жоплантиради ва айни чоқда бугунги ҳаётнинг муҳим муаммолари ни ҳам кўтаради. Жумладан, ёзувчи эски хўжаликларнинг қайта қурилишини, қишлоқларни янгилаш масаласини ўртага қўйган. Бинобарин, ёзувчи замондошимиз учун зарур ва муҳим гап ҳам айта олган.

Ҳаёт тақозоси билан бугунги очеркчиликда ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришларнинг энг муҳими шундаки, очерк жанри ҳаётга янада яқинлашмоқда. Шу маънода бугунги очеркларнинг турлари ҳам кенгайиб, портрет очерклар билан бир қаторда проблемали очерклар ҳам майдонга келди. Бунинг яхши намунасини тажрибали ёзувчи Одил Ёқубов «Фарзандлар бурчи» очеркida намойиш этган эди. Кейинги пайтларда бу соҳада самарали ижод қилаётган бир қатор ёшлар пайдо бўлди. Шароф Убайдуллаев, Менгзиё Сафаров, Эминжон Усмонов каби ёшлар шулар жумласидандир. Улар ўз очеркларида ва публицистик мақолаларида чиндан ҳам бугун ҳал қилниши зарур бўлган жуда муҳим масалаларни кўтариб чиқишишмоқда. Фикримизнинг далили учун айрим мисоллар келтирамиз. Яқинда «Шарқ юлдузи» журналида сурхондарёлик ёзувчи Менгзиё Сафаровнинг «Боботог» деган очерки босилди. Терап бир самимият билан ёзилган бу очеркда ёзувчи

она табиатни кўз қорачигидай асраш, унинг бойликларини ташиб битириш эмас, кўпайтириш масалаларини қўяди. Ёзувчининг асосий нияти шундаки, у табиатга фақат моддий маnфаат нуқтаи назаридан қарашии қоралайди, аксинча, «инсон табиатни она деб эътироф этаркан, унга бўлган ихлоси, меҳрини амалий иш билан барқарор қилмоги»ни истайди.

Ёш ёзувчи Эминжон Усмонов ҳам ўз ижодида давримизнинг фавқулодда муҳим проблемаларидан бирини—муҳитни мусаффо сақлаш проблемасини конкрет ҳаётӣ материал асосида ёритмоқда. Унинг «Меҳригё» романи шу муаммога бағишланган эди. Ёзувчи роман билан чекланмай, бир қатор очерклари ва публицистик мақолаларнда ҳам жамоатчиликнинг эътиборини шу проблемага жалб қилиш учуп уринмоқда. Унинг бу уриниши яхши самара бермоқда. 1977 йили «Гулистан» журнали Эминжон Усмоновнинг «Чаиоққа битилган ўйлар» деган очеркини эълон қилди. Бу очерк йил охирида «Гулистан» журналини муроҷаотини олишга сазовор ҳам бўлди. Очеркда ёзувчи пахтчиликда заарарли ҳашаротларга қарши кимёвий дорилар билан эмас, биологик усул билан курашиш тарафдори, бутун вужуди билан шу фикрга берилига, унинг тўғрилигини Бухорода Свердлов райони мисолида амалда исбот қилган олим, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Аловиддин Ҳамроевнинг эсда қоладиган образини чизган. Айни чоқда заарарқуандар ҳашаротларга қарши биологик кураш йўлига ўтган район меҳнаткашларининг ҳаётини ҳам, бу қутлуг ишга ҳар томонлама ёрдам берадиган район партия комитети фаолиятини ҳам яхши кўрсатган. Шубҳасиз, бундай очерклар қишлоқ хўжалигишининг ривожига салмоқли таъсир ўтказиши мумкин—бунинг учун уларда кўтарилига масалаларни тегишли ташкилотлар ҳар томонлама ўрганиб, муайян тадбирларни амалга оширмоги даркор.

Замондошларимиз образини муваффақиятли чиза-

ётган очеркчилар орасида Ҳожиқбар Шайхов ва Олимжон Холдор, Зоҳир Аълам ва Мамадали Маҳмудов каби ёшлар ҳам бор.

Ҳ. Шайхов кўпгина очеркларида илм-фанинг таниқли арбоблари ҳақида, Ўзбекистонда химия, физика ёхуд медицина соҳасининг ривожига катта ҳисса қўшаш ётган олимлар ҳақида ёзди. Унинг шундай очеркларидан бири атоқли философ Иброҳим Мўминовнинг ўгли—медицина фанлари доктори Акром Мўминов ҳақида ҳикоя қиласди. Унда қаҳрамон характерида совет кишисини га хос бўлган фазилатлар яхши очилган. Шунингдек, андижонлик шоир Олимжон Холдор «Она» деган очеркининг қаҳрамони қилиб замондошимизни танлаган. Очеркда андижонлик машҳур жамоат арбоби Турсуной Каримованинг ҳаёт йўли ва бой маънавий дунёси очиб берилган. Автор Турсуной Каримовага хос бўлган юксак мақсад сари интилишни, коммунизм ишига садоқатни, шижаот ва инсоний жозибани совет кишисининг фазилати сифатида кўрсатган.

Ёш ёзувчи Зоҳир Аъламнинг очерклари ҳам кўп жиҳатдан диққатга сазовор. Улар ичида, айниқса, Байкал—Амур магистрали қурилишига бағишлинган очерклар ажralиб туради. Маълумки, Байкал—Амур магистрали ҳам давримизининг буюк қурилишларида бири. Шу қурилиш муносабати билан тилимизда БАМ деган янги сўз пайдо бўлди. Бугун БАМ ҳақида қиссалар ва ҳикоялар, шеърлар ва очерклар яратилмоқда. БАМга бағишлинган қўшиқлар куйламоқда. БАМнинг бу қадар шуҳрат қозонгани бежиз эмас, албатта. Бугун «БАМ» деган сўз фидокорона меҳнатнинг рамзи, табиат туддирган ҳар қандай қийинчиликларни дадил енгигб ўтадиган мардлик ва матонатининг рамзи бўлиб қолди. Зоҳир Аълам БАМга бориб, у ерда қурилиш кўламиши, унда ишилаётган ёшларининг афсонавий шижаотини ўз кўзи билан кўриб келди. Шу сафар оқибатида унинг «БАМ—қаҳрамонлик маскани» ва «БАМ манзаралари»

деган очерклари майдонга келди. Бу очеркларда ёш ёзувчи буюк қурилиш пафосини яхши ифодалаган, унда меҳнат қилаётган ёшларнинг, шу жумладан Ўзбекистон комсомоли вакилларининг қиёфасини очиб берган.

Кўрамизки, бугун ўзбек ёзувчилари очерк ва публицистика каби оператив жанрлардан фойдаланиб, халқимизнинг умумий меҳнатига муайян ҳисса қўшмоқдалар. Албатта, ўзбек ёзувчилари эришилган мэрраларда тўхтаб қолмайдилар. Аксинча, улар бизнинг кундалик ҳаётимизда ҳар қанча тараинум этса арзийдиган улуғвор воқеалар, улкан меҳнат зафарлари ҳали кўп эканини яхши билишади ва халқимизнинг қаҳрамонлигига муносиб мазмунан чуқур, бадий юксак асарлар яратишга тиимай иштилишади.

Тюменда бўлиб ўтган ижодий конференция иштирокчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга табрик хати йўллашди. Бу хатда қўйидаги сўзлар ҳам бор: «Биз бундан кейин ҳам ҳаёт билан алоқани яшади мустаҳкамлаймиз ва ривожлантирамиз, тобора чуқурроқ ва хилма-хилроқ тарзда ҳаёт ичига кириб боришга интиламиз. Сизни ишонтириб айтамизки, қадрли Леонид Ильич, биз партияниң чақириғига замонамизнинг қаҳрамонлари ҳақидаги, янги ҳаёт ижодкорлари ва бунёдкорлари тўғрисидаги, коммунизм тантанаси учун, одамларнинг баҳт-саодати учун куррамиз қиёфасини янгилаётган меҳнат кишиси ҳақидаги янги-янги асарларимиз билан жавоб берамиз».

Бу оташин сўзлар бутун халқимиз учун ижод қилаётган, унинг улуғвор ишларига кўмаклашиш иштиёқида қалам тебратаётган ўзбек ёзувчиларининг ҳам қалбидаги туйғуларни ифодалайди.

## ЁШЛАР — АДАБИЁТИМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Съезддан съездгача... Тилимиэда қўлланадиган юзлаб, минглаб сўзлардан фарқ қўлмайдиган оддий икки сўз, оддий бирикма. Бироқ уларнинг замиридаги маънога эътибор берсак, бу бирикма мамлакатимиз ривожида жўшқин ва салмоқли воқеаларга, мислсиз изланиш ва муваффақиятларга тўла даврнинг ифодаси сифатида ажаб бир улуғворлик касб этади.

Съезддан съездгача... Бу икки сўз орасида тўрт йиллпк масофа ётиши. Шу тўрт йил давомида совет халқи партиямизнинг XXIV съезди белгилаб берган программага амал қилиб, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасида ғоят улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Бунга амин бўлиш учун биргина республикамиз ҳаётига назар ташлаш кифоя. Ўзбекистон меҳнаткашлар ѿсанот соҳасида беш йиллик планни муддатидан аввал бажардилар. Республикаизда ўнлаб янги корхоналар, замонавий ѿсанот иншоатлари, қудратли электростанциялар қад кўтарди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқларимиз эса янада улканроқ. Икки съезд оралиғида ўзбек пахтакорлари Ватанга 20 миллион тоннадан зиёд оқ олтин хирмонини совға қилди.

Ўзбекистоннинг бугунги жамолига назар ташлаган одам унинг ҳар бир шаҳари ва қишлоғида, ҳар қарич тупроғида наққиронлик тантанасини кўради. Бунга амин бўлиш учун социалистик Тошкентнинг гўзал хиёбонларини, осмонўпар биноларини, кенг ва чароғон кўчаларини, янги муҳташам кварталларини, оромбахш фаввораларини, соя-салқин боғларини кўз олдига келтириш кифоя.

Икки съезд орасидаги давр социалистик маданиятилизнинг ҳам янада гуллаб-яшнаган даври бўлди. Бу йилларда, айниқса, кўп миллатли совет адабиёти янги янги ижодий муваффақиятларни қўлга киритиб, ўз

тариҳида янги саҳифа очди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки ривожланган социализм шароитида яшайтган совет ҳалқи жонажон партиямиз раҳбарлигига бугун коммунистик жамият биносини барпо этмоқда. Коммунизм эса фақат иқтисодий ривожлангаш, ижтимоий баркамол жамиятгина эмас, юксак онгга, мукаммал бадиий дидга, теран маънавий оламга эга бўлган одамлар яшайдиган жамият ҳамдир. Буни рўёбга чиқаришда эса санъат ва адабиётнинг аҳамияти кттадир.

«Жамиятимиз коммунистик қурилиш йўлидан олга борган сари,— деган эди партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев XXIV съездда қилган ҳисобот докладида,— совет кишисининг дунёқаравшини, унинг ахлоқий эътиқодларини, маънавий маданийтини шакллантиришда адабиёт ва санъатнинг роли кучаймоқда».

Икки съезд оралиғида коммунистик партия қўп миллатли совет адабиётининг ривожланишига доимий гамхўрлик кўрсатди. Шу гамхўрликнинг ёрқин ифодаси сифатида КПСС Марказий Комитетининг 1972 йилда қабул қилган «Адабий-бадиий танқид ҳақида»ги тарихий қарорини кўрсатиш мумкин. 1974 йилда эса СССР Ёзувчилари союзининг I съездига 40 йил тўлган кунда совет ҳукумати ёзувчилардан катта бир гуруҳини энг олий унвон билан — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирлади. Коммунистик партия совет адабиётига раҳбарлик қилар экан, ҳамиша ленинча принципларга таяди ва адабиётимизнинг юксак ғоявийлигини таъминлаш билан бирга, ундаги ижодий изланишларни қўллаб-қувватлашга, услубий ранг-баранглик ва шакллар бойлигини вужудга келтиришга ҳам алоҳида эътибор берди. Бу ўринда яна Л. И. Брежневнинг XXIV съезд минбарида айтган қўйидаги ажойиб сўзларини эслаймиз:

«Биз ижодий изланишларга эътибор бериб қараш

тарафдоримиз, шахсий истеъдодлар ва талантларнинг камол топиши тарафдоримиз, социалистик реализм методи заминида пайдо бўлган формалар билан услублар ранг-бараңглиги ва хилма-хиллигининг тарафдоримиз. Партия раҳбарлигининг кучи—санъаткорнинг халқа хизмат қилишдек олижаноб вазифага ихлосини ошира билишдан, уни жамиятни коммунистик негизларда қайта қуришнинг эътиқодли ва актив қатнашчи-сига айлантира билишдан иборатдир».

Совет ёзувчилари икки съезд оралиғида партиямизнинг ана шу ғамхўрлигига жавобан «Коммунистик қурилишнинг эътиқодли ва актив қатнашчиси» деган шаравфли помга муносиб бўлиш учун баракали ижод қилдилар ва ўнлаб дурдона асарлар яратдилар. Бу муқаддас ишга ҳисса қўшишда ўзбек ёзувчилари ҳам катта жонбозлик кўрсатдилар. Ўзбек адабиётида икки съезд оралиғида прозада О. Ёқубовнинг «Излайман» ва «Улуғбек ҳазинаси», А. Мұхторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат», П. Қодировнинг «Мерос», Саид Аҳмаднинг «45 кун», Н. Сафаровнинг «Наврўз», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Ҳ. Ғуломнинг «Бинафша атри», Ҳ. Назирнинг «Лочин қанотлари» каби асарлари яратилди. Шеърият бобида эса Зулфиянинг «Камалак» туркуми, Миртемир, Шукрулло, Саида Зуниунова, Уйғун, Тураб Тўла, Шуҳрат ва бошқаларнинг поэтик асарлари майдонга келди. Драматургияда ҳам Яшиннинг «Инқилоб тонги», Уйғуннинг «Абурайҳон Беруний», Н. Сафаровнинг «Лукаш ботир», И. Султоннинг «Кўрмайип босдим тиканили...» каби асарлари вужудга келдники, буларнинг ҳаммаси икки съезд оралиғида ўзбек ёзувчиларининг катта ғайрат ва жўшқин илҳом билан меҳнат қилганларидан далолат беради.

Республикамизда икки съезд оралиғидаги адабий жараённинг характерли хусусиятларидан яна бирин шундаки, адабий ҳаётда борган сари ёш ижодкорларнинг ўрни ва салмоғи ортиб бормоқда. Ўн йиллар аввал

адабиёт оламига дастлабки қадамларини қўйган Үлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Нормурод Нарзуллаев, Но-сир Фозилов каби ёшлар иккни съезд оралиғида балоғат даврига кирди. Улар билан изма-из адабиётга янги авлод вакиллари кириб келдики, уларнинг биринчи ижодий қадамлари ёқ бу ёшларга адабиётимизнинг келажаги сифатида жатта умид билан қарашга асос беради. Уларнинг бемалол ва самарали ижод қилиши учун ҳамма имконият яратиб берилган. Ёш ижодкорлар кун сайн коммунистик партияниң оталарча ғамхўрлигини ҳис қилиб яшамоқдалар. Бу ғамхўрликнинг ёрқин намунаси сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қабул қилган ёш ижодкорлар ҳақидаги қарорни эслаш мумкин. Шунингдек, ўзбекистонлик ёш ижодкорларниң Бутуниттифоқ ёш ижодкорлар кенгаш-семинарида иштирок этиши, мамлакатимизнинг турли ўлкаларида бўлиб турадиган анъанавий адабиёт кунларида қатнашиши, улардан айримларининг республика комсомол мукофоти билан тақдирланиши ҳам шу ғамхўрликнинг аён нишоналаридир.

Бу йилларда ёш ижодкорлар дадиллик билан прозанинг ҳамма жанрларида ўз кучларини синаб кўрдилар. Улар очерк ва ҳикоя жанрида ҳам, қисса ва роман бобида ҳам жиддий муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ёшлар прозасипинг тематикаси хилма-хил. Улар ўз тенгдошларининг бугунги ҳаёти ҳақида, уларнинг адолат ва ҳақиқат учун кураши тўғрисида, улғайиш ўйлида мураккаб жараёнларни босиб ўтиб, маънавий чиниқишларни тўғрисида ҳикоя қилишади. Шунингдек, ёшларнинг асарларида оталаримизнинг жанговар ўтмиши: қаҳрамонлик традициялари, бу традицияларга ҳамиша содиқ бўлиш масалалари кўтарилади. Ёшлар прозаси услугуб жиҳатидан ҳам раиг-бараиг—уларниң бири изчил реалистик услугуда ёзилган бўлса, бошқаси—лирик тасвирга мойил. Бирида психологик тадқиқот

устун бўлса, яна бирида ҳаётбахш, қувноқ юмор ҳукмрон. Буларнинг барчаси икки съезд оралиғида адабиётга кириб келган ёкн шу йилларда йирик асарлар яратиб, вояга етганини намойиши қилган ёшларга катта умид ва ишонч билан қарашга асос беради.

Ёшлар прозасининг салмоқли асарлари ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, Худойберди Тўхтабоевнинг номи эсга тушади. У болалар прозаси соҳаснда ишласа ҳам, унинг биринчи йирик асари—«Сариқ девни миниб» қиссаси ҳаммага манзур бўлди. Ундаги ҳаётбахш юмор, қувноқ саргузаштлар, сюжетининг пухталиги ва энг муҳими, тасвирдаги самимият бу асарни прозамизнинг жиддий ҳодисаларидан бирига айлантириди. Бу асар қисқа муддатда қардош республикаларда ҳам шуҳрат қозонди, Москвада эълон қилинди, немис тилига таржима бўлди. Худойберди Тўхтабоев талабчанлик билан ишлашда давом этиб, унинг иккинчи қисмини—«Сариқ девнинг ўлими»ни яратди. Бу асар ҳам ғоявий-бадиий хусусиятлари жиҳатидан авторининг биринчи китобидан қолишмайди. Муаллиф яна бир янги китобини—«Беш болали йигитча»ни ёзиб тугаллади. Шудай қилиб, адабиётимизда ўзига хос трилогия яратилди. «Беш болали йигитча» Худойберди Тўхтабоевнинг талантини вояга етганини, у маҳорат сирларини тобора чуқурроқ эгаллаб бораётганини кўрсатади.

Ёш прозаик Эргаш Раимов ҳам шу йилларда иккита қисса эълон қилди. Уларнинг бири «Меҳрибонларим», иккинчиси «Ажаб қишлоқ қиссаси» деб аталади. Бу қиссалар услугуб жиҳатидан Худойберди Тўхтабоевнинг асарларига яқин туради. Э. Раимов ўз қиссаларида бу-гунги қишлоқ ҳаётига ёш ўсмир йигитча кўзи билан қарайди, ниҳоят қизиқарли, юморга бой воқеалар орқали қишлоқда ва биринчи навбатда, қишлоқ одамлари психологиясида содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатади. Э. Раимов ўз қиссаларида ёрқин миллий колорит яратолган, унинг қаҳрамонлари ҳам содда, ҳам муғамбира,

ҳам пишиқ, ҳам анойи одамлар. Улар жонли одамлар ва шу сифатлари билан китобхонни ўзига ром этади.

Ёшларнииг прозаик асарлари ичида Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв» ва Фарҳод Мусажоновнинг «Сунбула» қиссалари ҳам китобхонлар эътиборини жалб қилди. Марҳум Турғун Пўлат кўп йиллар давомида яхши очеркист ва таржимон сифатида танилган эди. У ҳикоялар машқ қилиб юрган бўлса-да, йирик жанрларга қўл үрмаган эди. Бироқ «Ичкуёв» қиссаси Турғун Пўлат ҳастни бадиий тасвирашда катта имкониятларга эга эканини кўрсатди. Қиссада ёш журналист йигитнинг софлик ва ҳалоллик учун кураши, ҳаётдаги илк қийинчиликлар, уларни енгиш процессида характернинг тобланиши очиб берилгап.

Фарҳод Мусажоновнинг «Сунбула» қиссаси ҳам материали жиҳатидан «Ичкуёв»га яқин туради. Бунда ҳам асосий қаҳрамон — ёш журналист йигит. Бироқ «Сунбула»да автор бош мақсад сифатида мешчаплик, худбинлик, мол-дунёга ҳирс қўйиш, инсон эркини, эътиқодини, қобилиятини эъзозламаслик каби иллатларни фош қилишни олган. Ҳар иккала қисса, айрим бадиий қусурларига қарамасдан, актив курашчилар образини самимий тасвираши, ҳаётйлиги билан китобхонда ижобий таассурот қолдиради.

Турғун Пўлат, Фарҳод Мусажонов, Омон Мухторов каби ёзувчилар ўз асарларинда замонавий мавзуга мурожаат қилган бўлсалар, фарғоналик ёзувчи Иўлдош Сулаймон «Субҳидам» романида тарихий-революцион воқеаларни танлаб олган. Бу романда Фарғонада совет ҳокимиятини ўринатиш учун кураш, Қизил Армиянинг босмачиларга қарши жанглари оталаримизнинг революцион анъаналарига чуқур ҳурмат билан тасвиранланган. Романда революцион даврнинг руҳи, гражданлар уруши йилларининг романтикаси анча дуруст очиб берилган.

Икки съезд оралиғидаги даврда баракали ижод

қилган ёшлар орасида Саъдулла Сиёев ва Неъмат Аминовлар алоҳида ажралиб туради. Улар бир-бирига яқин. Уларни яқинлаштирган нарса шуки, икковлари ҳам ҳажвиёт соҳасида қалам тебратади. Бу иккни ёзувчи-нинг ҳажвий ҳикоялари доим мўлжалининг аниқлиги билаш, характерларининг тўлақоплиги билан ажралиб туради. Саъдулла Сиёев ҳам, Неъмат Аминов ҳам ўз ҳикояларида одамлар характерида учраб турадиган турли-туман иллатларни қаттиқ ташқид қиласи ва шу орқали замонамиз қаҳрамонларини ҳар томонлама мукаммал ва гўзал кўриши истайди.

Ёшлар прозаси ҳақида галирганда яна икки номин тилга олмаслик мумкин эмас. Булар Тоҳир Малик ва Ҳожиакбар Шайховлардир. Тўғри, улар ҳали бирон йирик қисса ёки роман яратганча йўқ. Уларнинг босилган ҳикоя ва очерклари ҳам ҳали ҳар жиҳатдан баркамол эмас. Бироқ бу икки ёш ёзувчи ўзбек адабиётида бирипчи бўлиб илмий-фантастика жанрига қўйл урди. Улар бир қатор илмий-фантастик ҳикоялар эълон қилдиларки, бу ҳикояларда фантастика воситасида муҳим ахлоқий-маънавий проблемалар кўтарилиган.

Кўрамизки, икки съезд оралиғида ёш ўзбек прозаиклари апча баракали ва самарали ижод қилдилар. Улар ўз асарлари билан адабиётимизнинг янада ҳаётти ва халқчил бўлишига муайян ҳисса қўщдилар.

Бу йилларда ёшлар поэзияси ҳам бадиий юксакликлар сари итилишда давом этди. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоирлар энди балогат босқинчига қадам қўйишиди. Айниқса, уларнинг таржимошлиқ соҳасида жаҳон классикасига мурожаат қилиши маҳорат сирларини янада чуқурроқ эгаллашига, ижодда ажиб бир теранлик сари итилишига йўл очди. Эркин Воҳидов Гётенинг «Фауст»ини, Абдулла Орипов Дантеининг «Илоҳий комедия»сини муваффақият билан таржима қилдики, булар ўзбек халқининг маданий ҳаётида катта ҳодиса бўлди. Ёш шоирларнинг баракали ва са-

марали ижод қилғанлигини яна шу фактдан ҳам кўриш мумкинки, уларнинг кўпчилиги мураккаб ва қийин жанр бўлмиш—поэма жанрида яхши асарлар яратдилар. Бу ўринда Муҳаммад Алининг «Заминда яшаймиз», «Боқий дунё», Жамол Қамолнинг «Тош түфён», Гулчеҳра Жўраеванинг «Надюша», «Қамолот», Низомжон Парданинг «Олтин маъбуда», Гулчеҳра Нуруллаеванинг «Мен урушни кўрганман», Юсуф Шомансурнинг «Райчарон», Абдураззоқ Абдурашидовнинг «Юлдузлар хаёли», Келди Қодировнинг «Чаноқдаги қон», Ойдин Ҳожиеванинг «Она ер соғинчи» каби поэмаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларда социалистик воқеликнинг турли қирралари серилҳом оҳангда куйланган.

Бу шоирлар қаторига Барот Бойқобилов ва Нормурод Нарзуллаевларнинг ҳам номини қўйиш керак. Мана неча йиллардирки, Барот Бойқобилов сонет жанрида ижодий изланиш билан банд. Бу изланишларнинг са-мараси ўлароқ у сонетлар китобини эълон қилди. Нормурод Нарзуллаев эса жўшқин лирик оҳангларда совет ёшларининг бугунги ҳаётини, уларниг қалбидаги ҳисстуйғуларни куйламоқда. Сўнгги йиллар ёшлар поэзиясида Омон Матжон, Рауф Парфи, Абдулла Шер, Муҳаммадали Қўшмоқов, Ҳалима Худойбердневалар ижодини алоҳида таъкидлаш лозим. Буларниг ҳаммаси ҳам икки-учтадан поэтик тўплам эълон қилишди ва бу китоблари билан ўзига хос истеъдод эгалари эканини, ижодий изланишда ўз йўлларини қидираётганларини намойиш қилишди.

Масалан, Омон Матжон «Тўғон», «Абурайҳон Беруний», «Паҳлавон Маҳмуд» деган драматик достонлардан ташкил топган поэтик трилогия яратиб, унда ўтмишда яшаган буюк сиймоларнинг ёрқин образини яратди. Омон Матжон трилогиясида тарихий воқелик анча чуқур ифодаланган. Айни чоқда, шоир тарихий воқеалар орқали бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган гуманистик ғояларни тасдиқлайди.

Рауф Парфи, Абдулла Шер, Муҳаммадали Қўшмoқовлар ҳам бир-бирини тақрорламаган ҳолда замон-дошларимизнинг ички дунёсини ёрқин очадиган лирик асарлар яратдилар. Бу ўринда, айниқса, уларнинг Ноҳзим Ҳикмат, Гарсия Лорка, Пабло Неруда каби шоирлар ижодидан баракали ўрганиб, шеърда янги-янги тасвир имкониятларини қидираётганини қўллаб-куватлаш керак.

Ҳалима Худойбердиеванинг «Оқ олмалар» ва «Чаман» деб аталган икки тўплами ҳам поэзиямизда жиддий ҳодиса бўлди. Уларга кирган шеърларда ҳозирги даврдаги ўзбек қизларининг ҳаётга янгича муносабати, янгича психологияси, янги характери ифодаланади.

Еш ижодкорлар бадиий очерк ва публицистика, драматургия ва адабий танқид соҳасида ҳам тобора катта роль ўйнамоқдалар. Уларнинг ҳаммасини санаб чиқиш анча қийин. Лекин шундоқ бўлса-да, тақризлари ва мақолалари билан бугунги адабиёт ривожига муайян ҳисса қўшаётган Маҳкам Маҳмудов, Меҳли Сафаров, Санжар Содиқ каби ёш танқидчиларнинг номини тилта олмай ўтолмаймиз.

Қўрамизки, икки съезд оралиғида ёш ижодкорлар адабий процессда анча муҳим роль ўйнади. Ютуқларимиз катта. Бироқ партия бизни ютуқлар билан қаноатланмасликка, ҳамиша истиқболни кўзлаб иш тутишга ундайди. Шу жиҳатдан қарасак, бугун ёшлар адабиётда қилиши керак бўлган ишлар анча кўп эканига амин бўламиз. Айниқса, бугунги адабиётимизни украин, озорбайжон, белорус, қозоқ адабиётлари билан чоғиштирсак, бизда аҳвол ҳамон кўнгилдагидек эмаслигини кўрамиз. Асарларда муҳим ҳаётий проблемалар, ривожланган социализм даврининг муаммолари етарли даражада кескин қўйилмаётгани, қаҳрамонлар ҳам баъзан ҳаётдаги прототиплари қаршисида рангсиз ва нимжон бўлиб қолаётганлари сир эмас.

Орадан яна беш ой ўтади. Партиямизнинг энг сара

фарзандлари Ватанимиз нойтахти Москвада ўзининг XXV айжуманига тўпланади. Ҳеч шубҳа йўқки, XXV съезд ҳам ватанимиз ривожида яшги босқични бошлаб беради. Бугун совет ҳалқи шу улуғ тарихий ҳодисани муносиб кутиб олиш учун шавқ-завқ билан меҳнат қилмоқда. Улар қаторида бутун истеъодини, жўшқин илҳомини, қалб қўрини коммунизм қураётган жонажон ҳалқига багишиллаган ўзбек ёзувчилари ҳам бор.

1975

## ТАЛАНТ—ХАЛҚ МУЛҚИ

«Адабиёт ва санъатининг талантли асарлари миллий бойлиқдир». Бу чуқур иборани КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев XXV съездининг юксак минбаридан айтди. Ҳар гал бу сўзларни қайта ўқиганда совет ёзувчисининг қалби чексиз ғуур ва ифтихор туйгуларига тўлиб-тошмаслиги мумкин эмас. Негаки, тарихда иноситиининг фахри деса арзигулик не-не буюк алломалар, даҳо санъаткорлар ўтмаган. Лекин улар яратган асарлар қачон, қайси мамлакатда миллий бойлнк деб таи олинган? Қачон, қайси мамлакатда санъат ва адабиёт умумхалқ ишининг узвий қисми деб ҳисоблашган. Қачон, қаерда қайси азамат арбоб санъат ва адабиёт аҳлига ғамхўрликни давлат сиёсати даражасига кўтарган? Бу саволга жавоб излаб, кўҳна тарих китобининг олакўроқ саҳифаларини варақласангиз, ҳаракатнинг зое кетади. Улардан шоҳ асарлар яратиб, ўз даврида қаҳр-эътибор тоимай ўтиб кетган санъаткорларининг аламли қисматларинигина ўқийсиз. Ҳатто Алишер Навоийдек улуғ зот Ҳусайн Бойқародек дўсти ва ҳомийси борлигига қарамай, ҳокимлиқ либосида неча йил сургун азобини чеккан. Фақат социалистик жамиятдагина санъат ва адабиётнинг қадри мислсиз

юксакликларга кўтарилиди, санъат ва адабиёт аҳли эса бутун халқ назарида чинакам ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Л. И. Брежневнинг съезд минбаридан айтган гаплари шу ҳурмат-эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Талант—халқ мулки. Албатта, талант табиатнинг подир ишъоми, уни йўқдан бор қилиб бўлмайди. Табиат талантни бир одамга ато қисса ҳам, талант фақат уни-ки эмас, бутун халқини. Одам ўз таланти учун бутун элу юрт, адабиёт олдида жавобгар. Одамда ана шу жавобгарлик туйғуси бўлмаса, у ҳар қанча талантли бўлмаси, кўпчиликка нағи тегадигац, адабиётда сўйимас из қолдирадигаи салмоқли асарлар яратадигаи олмайди.

Ҳар қандай тифма талант ҳам уруғдай гаи, холос. У униб чиқиб, ҳосил бериши ҳам мумкин, кўкариб, барг ёзишга улгурмай, нест-ишиб бўлиб кетиши ҳам мумкин. Уруғ униб, ҳосилга кирпини учун ср, сув, ҳаво ва офтоб зарур; талантнинг ўсиб-улғайиб вояга етиши ва кўпчиликни баҳрамаид этадиган самара бериши учун ҳам муайян шарту шароит, басаришта парварниш керак. Қаровсиз қолса, кўкариб турган дарахт ҳам қуриб қолиши муқаррар. Парвариш бўлмаса, балогатга етиб, яшиаб турган талант ҳам қовжираб қолиши мумкин.

Талантнинг ўсиб-улғайнб, камолотга етиши учун зарур бўлган шарту шароитни икки гуруҳга ажратиш мумкин: буларнинг бир гуруҳи талант эгаснинг ўзига боғлиқ, иккинчи гуруҳи — унинг атрофидаги ташқи муҳитга боғлиқ.

\* \* \*

Талант улгайиб, яшиаб, камол топадими ёхуд ўн гулидан бир гули очилмай, йўқ бўлиб кетадими—бу, биринчи павбатда, талант эгаснинг ўзига боғлиқ. Гап шундаки, талантнинг ўзи ҳали ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Талант рўёбга чиқиши учун уни доимо муттасил равишда озиқлантириб турниш керак. Хўши, талантнинг

озиғи нима? Бу—ҳаётдир. Талант әгаси ҳаётни чуқур билиши, ҳамиша унинг етакчи тенденцияларидан хабардор бўлиб туриши, ундаги воқеа ва ҳодисаларнинг мағзини чақа олиши зарур. Фақат шугина унинг талантига жон бағишлиши мумкин.

Мен яқинда «Ёш гавардия» нашриёти чиқарган «Ёшлик» альманахидаги ҳикояларни ўқиб чиқдим. Альманахга ўн тўрт ёш авторнинг асари киритилган. Шуниси қувонарлики, ҳикояларнинг ҳаммасида ҳам талант учқуни сезилиб туради—авторларда муаян фикр бор, ҳислар бой, манзаралар тасвири дуруст, ҳатто кўпгина ҳикояларда бир қадар қабариқ характерлар ҳам чизилган. Лекин шунга қарамай, Э. Аъзамовнинг «Қўқ эшик», Қ. Кенжанинг «Яшил барг» каби ҳикояларини мустасно қилганда, қолган ҳикояларнинг кўпчилигига тасвирланган ҳаёт анчагина ғариб кўринди. Мана, масалан, қўқонлик Озода Омонованинг «Араз» ҳикоясини кўрайлик. Ёш келин Малика эри Рустамдан хафа—у хотинига кам эътибор беради, бирга олиб юрмайди. Малика аразлаб уйига кетиб қолади. Кейин маълум бўладики, у ҳомиладор экан. Буни билгач, яна Рустамниги қайтади ва эр-хотин аввалгидай апоқ-чапоқ бўлиб кетишади. Ёхуд Асад Дилмуродовнинг «Осмоннинг бир парчаси» ҳикоясини олайлик. Унинг қаҳрамони—сўқир йигит Дониш. У табиатни севади, лекин кўнгли бениҳоя нозик. Унга Зуҳра ёқади, ҳатто унга уйланишни ҳам орзу қилади. Бироқ отаси Вали отанинг қўполлиги, Дониш қалбига йўл тополмаслиги унинг орзуларини поймол қилади. Мана, яна бир ҳикоя—у «Баҳор ёмғири» деб аталади. Уни тошкентлик Мавлуда Сулаймонова ёзган. Қиз севимли йигитини зориқиб кутади. У армияда. Негадир хат ёзмай қўйган. Бир куни қиз вокзал ёнидан ўтиб кетаётисб, йигитнинг қайтганини, уни бошқа қиз кутиб олганини, иккови қуchoқлашиб кўришганини кўради. Бундан, албатта, изтиробга тушади, уч кунгача ўзини

қўйишига жой тополмайди. Қейин маълум бўлладики, йигитни синглиси кутиб олган экан.

Бу учала ҳикояда ҳам, юқорида айтганимиздек, муайян талант нишонаси бор—ўйлайманки, бу ёшларнинг келажагига умид билан қараса бўлади. Бироқ улар танлаган воқеаларни майда, арзимас дейишга тил бор-маса ҳам, ҳар ҳолда ҳаётнинг магистрал йўлидан четдаги воқеалар. Учала ҳикоянинг тили шираги, тасвирлари жойида, лекин айтиладиган гап анча юзаки, кишини ўй-латадиган, ҳаракатга келтирадиган гаплар эмас. Нима учун шундай? Нима учун адабиётга энди кириб келаётган уч ёш ҳикоянавис бугунги ҳаётимиздан жиддийроқ, ибратлироқ воқеани танлаб олмади экан?

Менимча, бунинг асосий сабаби ҳаётий кузатишларнинг камлигига, ҳаёт ҳақидаги, одамлар тўғрисидаги ўйларнинг чекланганлигига бўлса керак. Мен юқорида ҳикояга танлаб олинган воқеа майдароқ дедим. Шу ўринда бир нарсани айтмоқ жоиз. Ҳақиқий талант эгаси учун ҳаётда майда ёки йирик воқеалар бўлмайди—у нимани қаламга олмасин, ҳаммасини санъат дарајасига, яъни китобхонга кучли ғоявий-эмоционал таъсир кўрсатадиган салмоқли, мазмундор воқеа дарајасига кўтара олади. Масалан, В. Шукшиннинг ҳикояларини эсланг. Уларнинг биронтасида бирон фавқулодда ҳодиса йўқ, бураб-чирмаб ташланган сюжетни учратмайсиз, лекин шунга қарамай, уларни ғоят зўр қизиқиш билан ўқибизиз. Бундай мисолларни Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад, Одил Ёқубов асарларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Демак, гап танлаган воқеада эмас, балки шу воқеа муносабати билаи ёзувчи айтмоқчи бўлган гапда, ёзувчининг ҳаёт ва одамлар ҳақидаги қарашларида экан. Ёзувчи айтмоқчи бўлган гап, унинг қарашлари пухта, салмоқли, кўпчиликнинг эътиборини тортадиган бўлиши учун эса, ёзувчи ҳаётни чуқур билмоғи, ҳамиша унинг томир уришидан боҳабар бўлиб турмоғи лозим. Хуллас, ҳаёт муаммоларп ёзувчи қалби орқали ўтпб, улуғ бир

дардга айланиши керакки, бу дард қандай воқса шаклида ифодаланишидан қатъи назар, китобхоннинг қалбини ҳам ларзага солсин.

Талантнинг парвози учун зарур бўлган қанотлардан яна бири—билимдир. Тўғри, ҳозир адабиётга кириб келадётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам билимли. Уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларини тугатган, жаҳон адабиётини, сиёсатни, фалсафани яхши биладиган ёшлар. Лекин менимча, улкан ёзувчи бўлиш учун буларнинг бариси ҳали кифоя эмас. Ҳозир илмий-техника революцияси даврида яшайпмиз. Ҳаётда фан ва техниканинг роли борган сари ортиб боряпти. Ҳар биримиз ўз елкамизда «ахборотлар портлаши» деган жараёнинг юқини аниқ ҳис қилиб турибмиз. Илмий-техник революция бугунги китобхоннинг ҳам савиясини бениҳоя ошириб юборди. Үнга бирон гапини манзур қилиш учун ёзувчи, албатта, савия жиҳатидан ундан юқори турмоги лозим. Афсуски, адабиётимизда шундай асарлар ҳам борки, уларни ўқиганда авторнинг фикрлаш доираси ғоят торлигидан, билимлар запаси ғариблигидан хижолатга тушасан киши. Баъзан ҳаётда аллақачонлар ҳал бўлиб кетган муаммолар бундай асарларда бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан кўтарилади. Мен яқинда бир ёзувчининг янги романини ўқидим—роман устида иш давом этаётгани учун авторнинг ҳам, асарнинг ҳам номини атайнин айтмайман. Бу роман табиатни қўриқлаш масаласига бағишланган. Дуруст, бу масала бугунги кунда бутун жаҳон миқёсида энг ўткир, энг долзарб масалалардан бири. Бинобарин, авторнинг бундай масалага қўл урганини жуда яхши. Лекин ёмони шундаки, автор романда бу муаммони жуда жўнлаштириб юборган, унинг оламшумул моҳиятини китобхонга етказиб беролмаган. Романини ўқиб чиққан одам табиатни қўриқлаш масаласи бугун ҳар бир шахснинг тақдиринга таъсир қиласидиган ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолганини ҳис қилмайди. Ёзувчи бутун муаммони Орол атрофиини дарахтзорлаштириш, у

ерда ёнғоқни кўпайтириш масаласига боғлиқ қилиб қўйган. Романда атом энергияси ҳақида ҳам, элементлар тўғрисида ҳам, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳақида ҳам, селекция ва генетика ҳақида ҳам бир талай маълумот берилади, лекин буларнинг ҳеч қайсиси асарнинг бадиий тўқимасига сингдириб юборилмаган. Бу асарни ўқиганимда бенхтиёр бир қатор улкан ёзувчиларнинг тажрибаси эсимга тушди. Билимдонлик уларнинг асарига ҳусн бўлиб тушган, асарнинг қимматини бениҳоя юксакка кўтарган эди. Леонов «Рус ўрмони»ни ёзишдан аввал ўрмоншунослик илмини шу қадар чуқур ўрганганки, бу соҳада истаган академик билан масала талашиш қурдатига эга бўлган. Ёхуд Ойбек «Навоий» романини яратар экан, XV аср тарихини истаган тарихшунос олимдан кам ўрганмаган. Унинг билими нечоғли чуқурлигин Навоий ҳақидаги қатор илмий мақолала-ридан ҳам билиб олиш мумкин. Афсуски, бугунги асарларимизнинг кўпчилигига шаҳар ҳақида ҳикоя қилинадими, қишлоқ ҳақидами, барни бир ёзувчи ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини, психологиясини бир қадар дуруст билган ҳолда, ўзи қаламга олган муаммоларни ич-ичидан чуқур ва конкрет билмагани сезилиб қолади. Биз ишчилар темасида асарларимиз камлигидан нолиймиз ва бирор асарнинг қаҳрамони заводда ишласа қувонамиз. Ҳолбуки қаҳрамонни «ишчи» деб аташ билан ҳеч нарса ўзгармайди. «Пўлат қуючилар» ёхуд «Мукофот» типидаги асарларнинг бизда яратилмаётганига бош сабаб ёзувчиларимизнинг бугунги завод ҳаётини, ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлаётган ўзгаришларни пухта ва аниқ билмагани эмасмикан? Шунингдек, қишлоқ ҳақидаги асарларда ҳам пахтачилик ёки чорвачилик ишларининг бугунги тенденцияларидан бехабарлик авторларга тез-тез панд бериб турибди. Хуллас, ёзувчига умумий савиядап ташқари, ўзи тасвирлаётган соҳани ипидан игнасигача мукаммал билиш, билгандага ҳам бугунги илм даражасида билиш зарур экаилигп

максус исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Талант шундай нарсаки, уни ҳамиша ҳаёт чархидা чархлаб, билим суви билан сайқал бериб туриш керак. Шундагина у муттасил яшнаб, чарақлаб туради.

Талантнинг рўёбга чиқиши учун зарур бўлган шартлардан яна бири талант эгасининг характеристики билан боғлиқ. Аниқроғи, талантлн одамда мустаҳкам ирода, яхши маънодаги ўжарлик, сабот ва матонат ҳам бўлмоғи даркор. Бу сифатлар заиф бўлса, уларни одам ўзида изчиллик билан тарбиялаб, шакллантириб бориши лозим. Гап шундаки, талантни рўёбга чиқариш учун одам девдай меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлмоғи зарур. Буюк одамларнинг ҳаммаси беистисно буюк меҳнаткашлар бўлишган. Дунёдаги энг қийин ишлардан бири эса ўз-ўзини астойдил меҳнат қилишга мажбур этишдир. Баҳор бўлса қўёш чарақлаб чиқиб турса, осмоннинг зангорилиги кўзни қамаштирса, уйғонаётган дараҳтлардан баҳор ҳиди анқиса, олисдаги тоғлар имо қилиб, қўйнига чорласа, шуларнинг ҳаммасидан юз ўғириб, папирос тутунига тўлиб кетган уйда ўз-ўзингни столга ўн соатлаб занжирбанд қилиб қўйиш учун, албатта, матонат керак. Ижодий иш ҳаётнинг кўпгина ноз-неъматларидан, ҳузур-ҳаловатларидан ихтиёрий равишда воз кечиши талаб қиласи. Мен ҳар бир ёзувчи ёки ҳар бир шоир муқаррар тарзда сўфи бўлиши керак демоқчи эмасман, лекин у ҳаётнинг кўпгина мафтункор томонларидан онгли равишда воз кечиши зарурлигига амимман. Талантли одам учун ирода, ўжарлик яна шунинг учун зарурки, у табиий равишда ўз ривожида кўпгина қийинчиликларга дуч келади. Масалан, биринчи асаридан ҳамма гапни айтиб қўйиб, иккинчисини ёзолмай қийналиши мумкин ёхуд биринчи асари учун мақтov эшитиб, иккинчи ё олтинчи асари учун ташқид қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда одам изтиробга тушишини табиий. Ана шунда ирода занф бўлса, ўжарлик этишмаса, «таш олнимаган гений» либосига бурканиб олиб,

бутун оламга зарда қилиб, ўз қобиғига кириб олиш ҳам ҳеч гап эмас. Унда ёзувчининг миясини банд қилиши керак бўлган ижодий муаммолар бир ёқда қолиб кетиб, у адабиётда ўз шахси билан шуғуллана бошлайди. Аксинча, ирода кучли бўлса, сабот ва матонат етарли бўлса, бу ёзувчини «рақиблари»га қасдма-қасд янада файрат билан ижод қилишга, ўзининг нималарга қодир эканини асар билан кўрсатишга ундаиди.

Талантли одамнинг йўлидаги энг хавфли ғовлардан яна бири шуҳратпастлик иллатидир. Албатта, талантли одамда муайян ички ғуур бўлиши керак, бусиз одамда ўз кучига ишонч бўлмайди. Бироқ бу ғуур манманлика айланиб кетса, қатта зарар келтириши мумкин. Унда одам ўз ишига sogлом назар билан танқидий қараш қобилиятидан маҳрум бўлади, ёзган ҳар саҳифаси ўзига даҳолик намунасидан кўринаверади, бирор танқидий мулоҳаза билдирса, ундаи одам кўзига душман бўлиб кўринади. Қарабисизки, манманлик, ўз-ўзидан мамнунлик туфайли ўз устида ишлашдан тўхтайди, ўсиш ўрнига ижодий таназзул бошланади. Шуҳратпастлик, манманлик талантни зиддан кемирадиган занг, уларни талант эгасининг ўзи енгигб ўтиши керак—бу ишда унга четдан ҳеч ким ёрдам беролмайди. Унга ёрдам берадиган ягона куч унинг иродаси, саботи ва матонатидир.

Кўринадики, адабиёт даргоҳининг эшиги эртаклардаги хазина дарвозаси каби «сим-сим, оч эшикни!» деган биргина ибора билан ланг очилиб кетмайди. Бу эшикни очиб, ичкарига кириш учун талантнинг ёнида яна пухта билим, юксак тафаккур, қатъий ирода ҳам зарурки, булар ҳеч қачон гойибдан ҳосил бўлмайди.

\* \* \*

Талантнинг ўсиб-улғайиши ва камол топиши учун зарур бўлган иккинчи гуруҳ шарт-шароит, юқорида айтганимиздек, ташқи муҳит билан bogлиқ. Бу ўринда, авва-

ло, шуни таъкидлаш керакки, бизнинг мамлакатимиизда, шу жумладан, республикамиизда талантларнинг ўсиши ва бутун тўлалиги билан намоён бўлиши учун зарур объектив шароит аллақачонлардан бери мавжуд. Бизда ҳар бир талант эгаси қуидалик фаолиятида жонажон партиямизниг гамхўрлигидан баҳраманд бўлмоқда. Ёзувчилар учун ҳамма редакциялар ва пашриётларнинг эшиги доимо очиқ. Республика мизда нашр этилаётган китоблар сопи тобора ортиб бормоқда. Янги -янги журналлар, газеталар ташкил қилинмоқда. Қўйингчи, ёзувчиларнинг ижодий ишларидан тортиб манший ҳаётигача бирон муаммо чиқиб қолса, уларнинг барчаси ижобий ҳал қилинади. Шунинг учун талантларнинг ривожи учун мукаммал объектив шароит ва доимий гамхўрлик бор деб тўла овоз билан баралла айти оламиз. Мен бу ўринда шу объектив шаронтдан янада унумлироқ фойдаланишга имкон берадиган баъзи масалаларни ўртага қўймоқчиман.

Биринчи масала—Ёзувчилар союзи билан боғлиқ масала. Ёзувчилар союзи сўнгги йилларда ёш талантларга гамхўрлик соҳасида, уларнинг ишига кўмаклашиш борасида анча ишлар қилди: кўнгина ёшлар союзга қабул қилинди, талай ёшларнинг яшаш шаронти яхшиланди, союзда Ёшлар билан ишлаш Совети ва унинг қошида ёшлар семинари ишлаб турибди. Буларниг барчаси дуруст, албатта. Лекин, менимча, етарли эмас. Ёзувчилар союзининг ёшларга муносабатида энг марказий масала— ёш талантларнинг улгайишига бевосита кўмак берадиган масала—ёшларни гоявий-ижтимоий тарбияси масаласидир. Дуруст, бу масалада ҳам аҳён-аҳёнда фойдали тадбирлар ўтказиб турилади—назарий конференциялар, лекциялар, турли учрашувлар, адабий кечалар шулар жумласидандир. Айрим ёшлар плали равишда Москвага ҳар хил курсларга, йиғинларга юбориб турилади. Лекин шулар билан бир қаторда ёшларнинг жонли ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлайдиган тадбирлар ҳам

муттасил ўтказиб турилса, нур устига нур бўлар эди. Мен нимани кўзда тутяпман? Ҳозир кўпгина ёшларнинг биографиясини суриштиурсанг, мактаб—олий ўқув юрти—редакция деган схема чиқади. Кўриниб турибдики, бу схемада ёзувчи учун энг заруғ нарса—кatta ҳаёт деган нарса етишмайди. Ёзувчилар союзи ана шу кемтикни тўлдириш устида ўйлаб кўрса мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозир республикамизнинг ҳамма шаҳарларида улкан заводлар, қудратли корхоналар бор, айrim областларда тарихий қурилишлар кетяпти. Нима учун тез-тез у ерларга ёшларнинг коллективи сафарини уюштириб туриш мумкин эмас? Ёки Қарши чўлини ўзлаштираётганлар ҳақида бирор дурустроқ китоб яратишга қарор қилинса-ю, бу ишни 5—6 кишилик ёшлар бригадасига топширилса бўлмайдими? Ёхуд 4—5 ёш ёзувчни узоқ муддатли командировка билан, айтайлик, Попдаги В. И. Ленин номли совхозга юбориб, унинг ишлари, одамлари ҳақида китоб ёзишин топшириш мумкин эмасми? Тошкентда нима кўп— завод кўп. Наҳотки, улардан лоақал уч-тўртта йиригига ёш ёзувчилар учун пункт очиш мумкин бўлмаса? Ёш ёзувчилар заводдаги маданий ишларга, адабиёт тўгаракларига ёрдам беришар ва айни чоқда, ўзлари ҳам завод ҳавосидан пафас олиб, унинг ҳаёти билан яқинроқдан танишар эди. Мен бирор асар ёзиш учун ёзувчи, албатта, бирор жойга бориб, 5—6 ой, 1—2 йил ишлаб келиши шарт деб ҳисобламайман, аммо бугунги ёшлар республика ҳаётини газета саҳифаларидан эмас, балки яқиндаи, бевосита биллишлари керак деб ўйлайман. Буниг учун эса союзимиз раҳнамолик қилиб, конкрет тадбирларни белгилаб чиқиши керак. Бу—бир. Иккинчидан—бизнинг мамлакатимизда ҳар йили ўилаб жоїларда совет адабиёти кунларини ўтказиб туриш яхши анъанага айланниб қолди. Менимча, шундай кунларнинг ҳар бирида республикамиздан лоақал битта ёш ёзувчининг иштирок этишига эришмоқ лозим. Адабиёт кунлари тез ўтиб

кетса-да, улар ижодкор учун жуда яхши мактаб бўла-ди, унга бошқа миллий адабиётлар вакилларидан шах-сий дўстлар орттиришга ёрдам беради, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради. Ниҳоят ана шу адабиёт кунларидан нусха кўтариб, биз ҳам республикамиз об-ластларида адабиёт ҳафталиклари ва айниқса, ёшлар адабиёти фестивалларини бот-бот ўтказиб турсак бўл-масмикан? Менимча, бундай тадбирлар китобхонларга ҳам, ёш ижодкорларга ҳам катта фойда келтиради.

Иккинчи масала—талантли ёшларнинг китобларини нашр этиш ва уларни рағбатлантириш билан боғлиқ масаладир. Бу масалада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров жуда ўринли фикрлар айтди. Мен уларга тўла қўшилган ҳолда, баъзи мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Аввало шунни айтиш керакки, республика-мизда мен бирор чинакам талантли асарнинг мутлақо назардан четда қолиб кетганини, босилмай йўқ бўлиб кетганини билмайман. Лекин шундай бўлса-да, баъзан талантли китоблар йўлида енгиги ўтиш қнийн бўлган сунъий ғовлар пайдо бўлади. Баъзан китобларнинг ўқув-чилар қўлига етганига қадар йиллаб вақт ўтади. Яқинда Fafur Fулом номидаги нашриёт наманганлнк шоир Нуриддин Бобохўжаевнинг «Умид ниҳоли» шеърлар тўпламини босиб чиқарди. Тўплам нашриётга 60-йил-ларнинг бошида топширилган эди. Бир китобчанинг олам юзини кўриши учун 15 йил зарур бўлипти! Нуриддинни-ку ўн беш йилда бўлса ҳам китоби чиқди, аммо баъзи бир шоирлар борки, уларнинг китобидан ҳали-бери дарак йўқ. Масалан, мен поплик Эргаш Ёндошни 16—17 йилдан бери, термизлик Назрулла Сўфиевни 8—9 йилдан бери ўз овозига эга бўлган талантли шоирлар сифатида танийман. Уларнинг шеърлари вақтли матбуотда босилиб турибди. Бироқ шу пайтга қадар китоблари чиққани йўқ. Бундай фактларни яна келти-риш мумкин. Ўйлайманки, айрим китобларни нашр этишдаги бундай суръат талантли ёшларга заррача ҳам

фойда келтирмайди. Бундай сусткашликни баъзан талбчанлик билан изоҳламоқчи бўлишади. Менимча, бундай изоҳлаш ҳам ўринли эмас.

Баъзан яна шундай бўладики, айрим редакцияларда, нашриётларда айрим ўртоқлар ўзларича «адабиётда ёритиш ман этилган масалалар бор» деган фикрга ёпишиб олишади-да, шунга асосланиб, баъзи асарларни босмаслилка ҳаракат қилишади. Шу жиҳатдан талантли ёзувчи Эминжон Усмоновнинг 1975 йилда ёзиб тугатган «Меҳригиё» романи бошига тушган савдолар қизиқ. Романини «Шарқ юлдузи» журнали рад этди. Ниҳоят, унн «Ёш гвардия» нашриёти босиб чиқарди. Романини рад этган ўртоқлар нимага асосланганини билмайман, ҳар ҳолда унинг бадиий жиҳатига асосланишмаган бўлсалар керак, негаки, унинг бадиий жиҳатдан бақувватлиги таңқидчи Яквалхўжаевнинг тақризида тўғри таъкидланди. Гап шундаки, роман табиатни муҳофаза қилиш масаласига бағишиланган, она ерга аёвсиз ва шафқатсиз муносабатда бўлиб, уни кимёвий дорилар билан заҳарлаш масаласига қарши қаратилган. Романини босишидан бош тортган ўртоқларга бу масала адабиётда тасвирлаш ман этилган бўлиб туюлган бўлса, эҳтимол. Шу муносабат билан яна бир масалани ўртага қўяйлик. Минг таассуфки, ҳозир босилиб чиқаётган асарларимиз ўртасида талантсиз ёзилган, ўқиб бўлмайдиган, хом, ўрта-миёналари ҳам анча-мунча бор. Уларнинг баъзилари босилиб чиққандан кейин кескин таңқид ҳам қилиньяпти. Афтидан, баъзан талантсиз ёзилган бўлса ҳам, бегалва бўлса, бундай асарларни нашр этиш қулайроқ қўринади шекилли. Бу масалада бутун айбни фақат ноширларимиз зиммасига юкласак, адолатдан бўлмас эди. Талантсиз асарларнинг чиқишида авторнинг абжирлиги, ишбилармонлиги, усталик билан ташкил қилган қўнғироқлари ҳам роль ўйнайди. Шу билан бирга адабий жамоатчилик ҳам маълум даражада айбдор—биз кўпинча талантсиз асарлар мақталганини, рағбатланти-

рилганини, ҳатто мукофотлар олганини кўриб турамиз-у, ўзимизни билмаганга солиб ўтиб кетаверамиз. Талантсиз асарларга бундай муносабат, табиий равишда, талант билан ёзилган асарларни камситади, адабиётда ўрта-миёначиликка йўл очади.

Учинчи масала—ёш талантларни тарбиялашда танқиднинг роли масаласидир.

Мен адабий танқидни ёш талантларниң коллектив устози деб атардим. Аммо танқид устозлиқ даъво қиласар экан, албатта, ўзи ҳам бир қатор талабларга риоя қилиши керак. Авваламбор танқид ёшлар ижодини ғоят ўткир лиққат билан кузатиб бормоги керак, токи бирон чипакам талант эгаси унинг назаридан четда қолмасин. Бу ишни танқид, биринчи навбатда, ҳар бир янги чиққан талантли асарга тақриз ёзиш йўли билан амалга оширади. Афсуски, танқидчиларнинг бу борадаги иши ҳали мақтанаарли эмас. Биз ҳали янги чиққан асарларни тўлалингича қамраб олаётганимиз йўқ. Бу масаланинг бир томони. Унинг бошқа муҳим томони ҳам борки, бу танқидчининг талантли асарга муносабатидир. Бу анча мураккаб масала, танқидчидан гоят ўткир пазокатни талаб қиладиган масала. Бизнинг танқидчилигимизда бу масалада қарама-қарши қутбларга берилиб кетиш ҳоллари бор: баъзан ҳар қандай меъёрни эсдан чиқариб, асарни мақтаб кўкка кўтарамиз, баъзан акси бўлади. Қейинги пайтларда, «шооплар ширин ганинг гадоси», «ёзувчи мақтовга муҳтож» деган гаплар кўпайиб қолди. Бу гап, умуман ҳақиқат, лекин у танқидчининг ишида асосий принцип бўлолмайди. Танқидчи ҳамиша одил, ҳаққоний ва объектив бўлиши керак. Меъерсиз мақтов ҳам талант эгасини чалгитиши мумкин, ноўрин талабчанлик, аниқроғи, танқид тўқмоги ҳам керагидан ортиқ ичилган доридай ёзувчини гангитиб қўйиши мумкин. Мен бу ўринда танқидчиларни аллақандай ўртача мувозанатни топиб, сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмасликка ундаётганим йўқ. Фақат айтмоқчиманки, бемеъёр

таниқид ҳам, ортіңқча мәқтөв ҳам таланттың үсіншілә халақит беради. Бир француз қиролидан: «Сиз адабиёт ақылға шима нағ қелтирдінгиз?» деб сұрашғанда, у: «Мен үларға халақит берадиган ҳеч нараса қылғаним йүқ», деб жавоб берған экан. Қаны әнди, бизшінг танқидчиларимиз ҳам шундай шылдасаларки, вақты келганды онық юз биләп: «Мен талантларининг үсіншігі халақит берадиган ҳеч ши қылғаним йүқ», деге олишина.

\* \* \*

Талант—халқ мұлқи. Таланттың мүкаммал рәббәгә шиққышыдаң, камол топшындан бутын халқ баҳрамаңд бүләди. Шуншынг учун ҳам талантларға ғамхұрлық ҳар бир адабиёт жөнкүярнининг мүқаддас шин.

## ДАВР ДАЛЬВАТИ

Сүнгги уч йил ичида ўзбек ёзувчиларининг ўн бешта романы босилиб чиқди. Үларнинг орасында күн йыллардан бери роман жанрининг сир-асрорларини ўзлаштыриб, баракали ижод қылаётган Ҳамид Ғуломининг «Би-нафша атри» ва «Мангулик» романы, Әндижон Әндижоновтың «Чотқол йўлбарси», Одил Ёқубовнинг «Диёнат» каби романлары бор. Айни чоқда, шуниси алоҳида таъкидлашга лойиқи, Шукур Ҳолмурзаев, Үтқир Ҳошимов Эмин Усмонов каби ёзувчилар биринчи романларини китобхон ҳукмнига ҳавола қилиб, ижодий балогат палласига қадам қўйғанларини намойиш қилдилар.

Үи бешта роман! Салмоқли рақам. Шу даражада салмоқлики, уни кўриб, бир оз чўчигаң одамлар ҳам бўлди. Ҳатто: «Бизда роман кўпайиб кетяшти, бунга чек қўйиш керак», деган гаилар ҳам чиқиб қолди. Менинчча, ўн беш роман ҳали кам. Умуман, бу жанрнинг үсишини сунъий равища чеклашга чақиришлар беҳуда. Аксинча, қанча кўп роман яратилса, адабиётимиз учун

ҳам, китобхон учун ҳам шунча яхши. Майли, ўн бешта эмас, элликта-юзта роман пайдо бўлсеп. Бундан фақат ютамиз. Лекин шуниси ҳам аёники, сон кетидан қувиш асосий мақсадга айланмаслиги керак. Партияниг сўнгги йилларда ҳужжатларнинг ҳаммасида сифат учун кураш давримизнинг бош вазифаси эканини қайта-қайта таъкидламоқда. Адабиётимизнинг юксак сифати учун курашда абадий тақиқидчилик стакни роль ўйнамоги керак. Биз ёзувчилари мизининг романдек қийин ва мураккаб жаңарда қаламини синаб кўришга бўлгани иштиёқини табриклиганини ҳолда, ҳар бир янги романни объектив тарзда, чишакам партиянивий позициядан турлиб, талабчаник билан чуқур таҳтил қилиб бормоғимиз лозим. Афсуски, худди ана шу вазифаси бажаришда тақиқидчиликимизда муайян оқсанш бор.

Романларда ривожланишининг миқдорий белгилари мавжудлигига қарамай, бугунги китобхонининг юксак таълаблари даражасида турган, давримиз руҳини мукаммал ифодалаган, ўйлаб йиллар давомида бадиий таъсир кучини йўқотмай яшаб қоладиган асарларимиз кўн деб мақтана олмаймиз. Яиги пайдо бўлганида китобхонининг эътиборини тоqtган, жамоатчиликининг оғзинга тушиб, тақиқидчининг қуюқ мақтоворига сазовор бўлган баъзи асарлар ҳам уч-тўрт йил ўтмай эскириб, қатордан чиқиб қоляпти. Бунинг устига баъзан ўта заиф, бадиий асар даражасига кўтарилимаган «асарлар» ҳам роман деб босиб чиқариляпти. Мен бу ўринда Юсуф Шомансурининг «Қора марварид»ини кўзда тутяпман. Асарининг журнал варианти адабий жамоатчилик томонидан жиҳдий тақиқид қилингани эди. Ёзувчи асарин қайта ишлаган. Аммо шундан кейин ҳам «Қора марварид» китоб қилиб чиқарса арзийдиган сифатлар касб этмабди. Афтидан, ўник туғилган болани ҳар қанча йўргаклаб, кўтариб юрган билан уига жон кириб қолмайди. Китобда тасвирланган воқеалар бизниниг кунларда кечса-да, у замонавий руҳдан бутуилай маҳрум. Автор

эски урф-одатларга, эски психологияга қарши курашни кўрсатмоқчи бўлган-у, лекин уни бутун кескинилиги ва мураккаблиги билан оча билмаган. Кўп воқеаларниң тасвирида автор ҳаёт мантиқига хилоф равишда иш тулади. Асардаги қаҳрамонлар ҳам соядек жонсиз ва инсоний жозибадан маҳрум. Шу сабабдан бўлса керак, китобни ўқиб чиқишининг ўзи Тўйтепага ишёда бориб келишдек мушкул. Афсуски, бўгунги кун руҳидан узоқ турувчи бундай асарлар фақат битта эмас.

Бугун биз XX асрнинг 80-йилларини кутиб олиш арафасида турибмиз. XX аср! Фоят улуғвор ва ғоят мураккаб аср. Социализм жаҳон системасига айланниб, ривожланган тараққиёт босқичига қадам қўйган аср! Илмий-техника революцияси инсоният олдига бир-биридан мушкул ва мураккаб муаммолар қўяётган аср! Инсоният тақдирини қил устига келтириб қўйган аср! Буларнинг барчаси инсоннинг характеристикини ҳам, психологиясини ҳам, олам ҳақидаги тасаввурларини ҳам кескин ўзгартириб юборгани бугун ҳаммага аён. Бу эса ўз нафбатида адабиёт олдига ҳам янги вазифалар қўяди, унинг вазифасига ҳам муайян ўзгартишлар киритади. Адабиёт бугун кечаги савиядада, кечаги позицияда қолиши мумкин эмас. Бугун «трактор яхши», «наранжини ташла», «колхоз афзал», «техникини эгалла» деган маънода асар ёзилса, кулгили бўлар эди. Ҳолбуки, бир замонларда бу гаплар даврнинг энг муҳим гаплари бўлган ва улар ҳақида ёзувчиларимиз завқ-шавқ билан қалам тебратишган.

Бу ўринда гап вақт ўтиши билан табиий равишда адабиётнинг тематик диапазони ўзгариши, унда янги гоялар ва образлар олами пайдо бўлиши ҳақидагина кетаётгани йўқ. Бугунги адабиётда оламни тушуниш ва талқин қилиш, одамни тушуниш ва талқин қилиш ўзгариб бормоқда, бу эса алабиётнинг тасвир усулида ҳам муайян ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Чингиз Айтматов таниқли немис танқидчиси Хейиц Плави-

ус билан қиlgан сұхбатта («Новый мир» журналы, 1977 йыл, 12-сон.) бу фикции Н. Островскийнинг «Пұлат қандай тобланды» романы мисолида изохлайди. Ч. Айтматов романга юксак баҳо бергани ҳолда, ундағы аңа-навий тасвир усулы бутунғи китобхонни қаноатлантил-маслиги ва бу табиий ҳол эканини айтади. Менимчa, адабиётдаги ички үсіншін и себот құлувчи бундай мисолларин ҳамма миllий адабиёттардан ҳам көлтириш мүмкін. Мен Ч. Айтматовнинг сұхбатиниң ўқиб, ўзбек адабиёті ҳақида ўйлаб кетдім ва бициниң адабиётимиз-да ҳам уннинг фикрлариниң тасдиқловчы мисоллар борлығында амнн бўлдим. Масалан, «Қутлуг қон»ни олайлик. Бу роман адабиётимизнинг класик асарларидан бири. Бир замонлар у адабиётимиз ривожида бутуи бир бос-қиңч бўлган. «Қутлуг қон» бутун ҳам ўзининг бегубор тиниқлиги билан, ҳалқ ҳаётиниң мукаммал тасвиirlагани билан, миllий характерларнинг қабариқлигии билан, Ойбекининг жўшқини, эҳтиросли партиявиий позицияси билан бизни ром этади. Лекин шундай бўлса-да, «Қутлуг қон» бугун—70-йилларнинг охирларидан яратилганида автор уши бошқачароқ ёзгаи бўларди, деб ўйлайман. Бу бошқачалик Мирзакаримбойлар дунёсининг ҳам, Йўлчи-лар дунёсининг ҳам тасвирида раигларни янада раиг-баранг қилиш эвазига, одамлар психологиясини янада мураккаброқ кўрсатиш эвазига түғилиши мүмкин эди.

Ҳар ҳолда буғунги адабиёт одамларининг тақдирини ҳар қандай схемаларга сигмайдиган нарса эканини, ҳар бир одам ўзига хос бир дунё эканини, бу дунёда ибратли сифатлар кўп эканини тушунишда ва кўрсатнида жуда изтарилақ кетди. Буни Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасида ҳам, В. Шукшиннинг ажойиб ҳикояларидан ҳам, Распутиннинг «Яшаб, эслаб юр» қиссасида ҳам, А. Ивановнинг «Мангу даъват» романнанда ҳам жуда аниқ кўриш мүмкін. Шу сўнгги романни эсланг—унда ака-ука Федор ва Иван Савельевларининг тақдирини кўрсатнишда ёзувчи янги йўлдан боради, тўғрироги, ҳаёт

ҳақиқати ҳар қаша муреккаб ва шафқатеиз бўлса-да, изчиллик билан унга амал қиласди. Федор қўлида қурол билан совет ҳокимияти учун курашган одам, Иван эса оқ бандитлар сафида совет ҳокимиятига қарши курашган. Аммо уларнинг иккovi ҳам замонлар ўтиб, ҳаёт қозонида қайнаб, қайта тугилди. Шунда кўрамизки, Федор на хотини, на болалари, на Аифисани, на совет ҳокимиятини севмайдиган ашаддий худбии, Иван эса фожи адашишлар, изланишлар оқибатида номус ва виждонини топган одам. Мен бу ўринда А. Иванов асарини атрофлича таҳлил қилмоқчи эмасман, балки шу биргина факт мисолида инсон ҳаётини тушуниш ва талқин қилишдаги теранлаши тенденциясини таъкидламоқчиман. Бир замонлар инсоннинг қайси ижтимоий тоғфадан эканлиги ёки ўмонлигини белгилаш учун кифоя қиласди. Шунингдек, одам заводда иланини ошириб бажарса ёки колхоз қўйларини яхши боқса, бу уни ижобий тарзда тасвирлаш учун етарли асос бўларди. Бугун эса бундай принцип инсон характерини яратиш учун мутлақо кифоя эмаслиги аён бўлиб қолди. Кўп миллатли совет адабиётининг сўнгги йилларда яратилган энг яхши асарлари шундан далолат бермоқдаки, бугунги адабиёт инсон тасвирида схематизм ва юзакиликни, бир ёқламалик ва саёзликни инкор этиб, ижтимоий мавқеи ва касб-коридан, ёши ва жинсидан қатъи назар инсон дунёсига тобора чуқурроқ кириб бормоқда ва бу дунёни барча муреккаблиги билан ҳаётни ҳамда ҳаққоний тасвирламоқда. Шу маънода адабиёт инсоншунослик сифатида борган сарп ўз моҳиятига яқинлашмоқда. Биз айрим ўзбек романларида ҳам шу самарали тенденция мавжудлигини кўрамиз. Масалан, Одил Ёқубов «Диёпат» романидаги яратган Отақўзи образи бу фикрининг ёрнини далили бўла олади. Ёзувчи Отақўзи характерини чизишда универсал психологизм принципинига амал қиласди. Бунинг маъноси шуки, ёзувчи ўз қаҳрамонига аввалдан тайёрлаб қўйилган қолип би-

лар ёндошимайди, уни қобишлиятли, лекин маиманликка берилиб, орқада қолиб кетган арбоб сифатида кўрса-тиши мақсад қилиб олмайди, аксинча, романнинг боши-дан охиригача уни ҳаётнинг майда ва йирик синовларни-га дуч келиб, ҳар гал чигал ва мураккаб вазиятларда ўзини қандай тутнини бадний тадқиқ қилади. «Диё-нат»даги бошқа образлар ҳақида ҳам шундай дейин мумкин. Бироқ ағесуки, бошқа баъзи бир романларда қаҳрамони характерини яратшида ёзувчилар эски ани-налар қолинидан чиқиб кетолмаётганини кўрамиз. Мана, Уткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романини отайлик. Бу роман китобхонлар томонидан ҳам, танқидчилар томонидан ҳам илиқ кутиб олиниди. Ҳақи-қатан ҳам роман бир қатор фазилатларга эга. Ўнда тасвир ғоят самимий. Уткирининг йиллар давомида шакл-ланган услубига хос латифлик бу романда ҳам яққол сезилиб турди. Романда эҳтирос ҳам кучли—ёзувчи ҳаётдаги нурли томонларни шавқ билан, сояларни чу-қур нафрат билан тасвирлайди. Бу сифатлар романни чиннакамига таътитли асар сифатида баҳолашга имкон беради. Лекин шундай бўлса-да, романни ўқиб чиққап-дан сўнг, кўнглишгда алланечук қопиқмаслик туйғусини ҳис қиласан, киши. Мен бу тўғрида кўп ўйладим ва бу-ниг сабаби қаҳрамонлар характерини очишда мукам-маллик етишмасигида бўлса керак, деган қарорга кел-дим. Масалан, романда Саифи Соқиевиб билан унинг ўғли Сироқиддин характерини чизишда қора бўёқлар кераги-дан ортиқ ишлатилган кўринади. Натижада, қай бир ўриш-ларда улар иноситий моҳиятини йўқотиб, муайян гояниниг иллюстрациясига айланниб қолган. Ёзувчи бу образлар билан «ўғирлик қилган савдо ходимн ёмон» ёки «отаси-ниг давлатидан фойдаланиб текинхўрлик қилиш яхши эмас», деяётгандай бўлади. Майдумки, бундай гоялар ҳар қанча муҳим ва фойдали бўлмасин, бадний асар-ниг мазмунин бўлолмайди. Чехов айтганидай, «от ўғир-лаш ёмон» деган ҳақиқатни исботлаш учун асар ёзиш

шарт эмас—бу гап асарсиз ҳам маълум. Менимча, ёзувчи салбий ҳодисани қоралашдан кўра чуқурроқ идрок этиш йўлидан борса, асарининг салмоғи ортар эди. Бу эса ўз павбатида Шерзоднинг характеристини ҳам чуқурлатишга имкон берарди. Ҳозир биз Шерзодни бир қанча эпизодларда кўрамиз—ёзувчи уни ҳақиқатгўй, виждонли, адолат учун курашга тайёр бир йигит сифатида кўрсатган. Лекин бу ўринда ҳам идрок этишдан мақташ устун бўлгани учун образ зарур кўлам ва терапицка эга бўлмай қолган.

Бундай нуқсон талантли ёзувчи Эминжон Усмоновнинг «Меҳриғнё» романинда ҳам учрайди. Матбуотда эълон қилинган тақризларда роман ҳақида анчагина илиқ гаплар айтилди. Мен уларга асосан қўшиламан. Айниқса, ёш ёзувчининг нисон ва табнат муаммосини дадил кўтариб чиққани, пахта етиштиришда кимёвий дорилар ўрнига ҳашоратларга қарши биологик кураш усулини ёқтаб, она тупротимизнинг соғломлигни учун күйиниб ташвиш чекиши таҳсинга сазовор. Лекин романда, авторнинг ўз таъбнри билан айтганда, сози бузилған, авжига етмаган жойлар ҳам анчагина. Мен бу ўринда роман ҳақида мукаммал ганирмоқчи эмасман, балки унинг бош қаҳрамони тўғрисида баъзи мулоҳазаларни айтмоқчиман.

«Меҳриғиё» романининг бош қаҳрамони—колхоз агрономи Нодир. У болалигиданоқ ҳамқишлоқларига меҳр қўйган. Айниқса, улғайиб, эсини танигач, унинг қалбидага шахтакор меҳнатига нисбатан ёлқинли муҳаббат зўрайган. Нодир бу муҳаббат ҳақида лоғ урмайди, балки уни амалий ишда кўрсатишга уринади. У деҳқонни кўпроқ қадрлашга, эъзозлашга итилиб, унинг меҳнатини епгиллатиш, шароитини яхшилаш йўлларини ўйлади. У химикатларсиз ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкинлигига астойдил нишонади. У биологик кураш усули пахтанинг сифатини яхшилашини, ерини тоблаб, тупроқ структурасини бақувват қилишини, буларнинг

оқибатида муҳитининг ҳавонинг софланишини исботлаш учун тер тўқади. Шу олижаноб мақсад йўлида у билимини ҳам, иқтидорини ҳам, ғайратини ҳам, фарогатини ҳам аямайди. Буларниң барчаси қаҳрамонни китобхонга яқин қиласи, албатта. Аммо шуниси ҳам борки, автор Нодирни ўз ишига ўта берилган, дунёниң бошқа ишларини, ҳузур-ҳаловатини ҳаёлига ҳам келтирмайдиган одам эканини кўрсатади-ю, бунга Нодирни дарвишнамо бир қиёфага солиш билан эришмоқчи бўлади. У севгилиси Чаман билан висол оиласида нахта билан ҳашаротдан бошқа нарсани гашлашмайди. Ёки раис уни қаматиб қўйганди ҳам, фақат нахтани, ҳашаротни ўйлайди. Ҳатто қамоқда ўтириб, ҳашаротга қарши курашишиниң яиги усулини топади. Буидай тасвирида арzon баҳо штампларниң таъсири сезилади. Албатта, бундай воқеалар ҳаётда учрайди ва уларни бемалол асарга киритиш мумкин. Бироқ санъатиниң ўз қонуниятлари бор: воқеа асарга киритилар экан, буни, биринчидан, асардаги асосий гоявий ният тақозоси билан қилиш керак, иккинчидан эса, ишонарли тарзда далиллаб кўрсатиш лозим. Ҳар ҳолда, агрономдек одамниң раисиниң бир оғиз гапи билан ишоҳақ қамалиши шу қадар жиддий ва фавқулодда ҳодисаки, у роман сюжетида кескин бурилиш ясаси, қаҳрамонлар тақдиринга кучли таъсири ўтказиши керак эди. Ҳозирги аҳволда бу эпизод асарга зўрма-зўраки киритилгани яққол сезилиб туритти. Ана шундай уйдирма эпизодлар билан айрим ўринларда схематизминиң мавжудлиги Нодирниң давримиз руҳини ифодалайдиган қаҳрамон даражасига кўтарилишига, тўлақонли ёрқин характер сифатида китобхони қалбида чуқур из қолдиришига халақит бериб турибди.

Бугунги прозада содир бўлаётган ички ривожланишиниң аёп ишончларидан яна бири адабиётда фалсафийликиниң чуқурлашиб бораётганинигидир. Бундан икки йилча аввал «Вопросы литературы» журнали саҳифаларида бугунги прозамизиниң характерли хусуси

сиятлари ҳақида катта мунозара бўлиб ўтди. Унда роман жағрининг тараққиёт масалалари диққат марказида турди. Мунозара иштирокчиларнинг кўпчилиги конкрет асарларни таҳлил қилиб, бугунги романнинг ривожидаги энг муҳим тенденция воқеликни тасвирлашда синтезга интилиш эканини таъкидлайди. Синтез—воқеликниң кўламли, бақувват тасвирини ҳаёт ҳақидағи чуқур фикрлар билан, унинг муҳим томонларини умумлаштирувчи фалсафийлик билан чамбарчас қўшиб юборишидир.

Бу мунозарада: «Роман нима? Унинг негизида нима ётиши керак? Ҳар қандай ҳажми катта асар роман бўла-верадими?» деган масалалар атрофида ҳам фикр алмашилди ва шундай тўхтамга келишики, бугунги роман заминида воқеликни чуқур идрок қилиш орқасида туғилган романга хос тафаккур («романное мышление») ётиши керак. Мен бу фикрни янада конкретлаштириб, бугунги романда концептуаллик етакчи ўринга чиқиши керак дер эдим. Бу концептуаллик (ёзувчининг яхлнти концепцияси) воқеликни чуқур ва кенг кўламда қамраб олишга, воқелик ҳақида ижтимоий ва эстетик қимматга эга бўлган умумлашмалар чиқаришга имкон беради. Ҳар ҳолда, ёзувчи атрофини қўршаб олган ҳаётни, ўзи кузатган мухитни бутун икир-чикири билан бир бошдан тасвирлаб берганн билан ҳали замонавий асар тугилавермайди, балки муаллиф воқеликни замонавий фикр билан нурлантариши, унинг замиридаги моҳиятнин очиб, китобхоннинг виждонини жунбушга келтирувчи, уни ҳаётининг улуғ ва мангу масалалари ҳақида ўйлашга ўндовчи фалсафийликка интилиши керак. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу фалсафийлик умумий мулоҳазалар тарзида ифодаланимасдан, жонли одамларнинг ҳаётий тақдиридан, курашидан, фаолиятидан ўз-ўзидан табиий равищда келиб чиқмоги даркор. Шундагина асар чуқур салмоққа эга бўлади.

Бугунги ўзбек романларининг энг яхшиларида шу

тенденция мавжуд, лекин таассуф билан таъкидланиш кепракки, етарли эмас. Айрим романлар заминида ҳамон жўн фикрлар, юзаки умумлашмалар мавжуд, баъзиларида ёзувчи атайни ўз ниятини торроқ кўламда олади, баъзан эса ёзувчи умумлашмалар ўринига эмирик тасвиргага берилиб кетади. Баъзи конкрет мисоллар келтирайтилик.

1976 йилда эълон қилингган йирик прозаик асарлар орасида Латиф Маҳмудовининг «Қонга яширингган одам» деб аталган саргузашт романни ҳам бор. Латиф Маҳмудов адабиётга кеча кирнб келгаш тажрибасиз ёзувчи эмас. У йигирма йилчадан бери қалам тебратиб, ўнаб китоблар эълон қилиб, қобилиятли болалар ёзувчиси сифатида танилиб қолган. Шунинг учун унинг ўз қучини саргузашт романидай қийин жанрда синаб кўрмоқчи бўлгани кишини қувонтиради.

Бироқ унинг бу соҳадаги бирничи тажрибаси ҳар жиҳатдан мукаммал чиққаш деб айтиши қийин. Тўгри, «Қонга яширингган одам» романининг фазилатлари оз эмас—унинг тили равон, рангларга бой, табиий, шунингдек, авторнинг маҳорати болалар характеристини тасвирлашда яққол намоён бўлган. Бироқ автор саргузашт романининг негизида ҳал қилиниши қийин бўлган бирор чигал жумбоқ ётишини ва асарнинг сюжети шу жумбоқни ҳал қилиш асосига қурилишини яхши билган ҳолда, бошқа бир муҳим нарсага эътибор бермаган. Саргузашт асар ҳам, албатта, бадиий асар. Шундоқ экан, унинг замирида ётувчи жумбоқ воқеа ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортадиган салмоқли характеристга эга бўлиши кепрак, у орқали бирон муҳим ижтимоий гап айтилмоғи дарқор, иккисидан эса, саргузашт асарда ҳам сюжет ривожи ва характеристлар эволюцияси қатъий мантиқа асосланмоғи шарт. «Қонга яширингган одам» романни худди мана шу жиҳатдан оқсайди.

Ёзувчининг ихтиёри билан роман воқеаси ғоят ноҳаққоний, уйдирма тус олган—эмиски, колхоз қурили-

ши йилларида, демак, 30- йилларининг бошида колхоз активларидан баъзиларини ўлдирган Муродилла деган қулоқ жазоланишдан қочиб, бизнинг кунларимизгача хотин киши қиёфасига кириб, ўзнии овсарликка солиб юрган. Унинг сирларидан чойхоначигини воқиға әмиш. У чойхоначини ишга солиб, колхоз теракларини қутиш, боғдаги мевалардаи ўғирлаб сотиш билан бугун ҳам зааркунандалигинн давом эттирган әмиш. Унинг фоши бўлиши ҳам анчагина тасодифий характерга эга. Мен китобни ўқиб чиққац, ана шундай арзимас, бачканава уйдирма воқеалар билан танишиб, ўзимни бирор лаҳиллатиб кетгандай ҳолатда сездим—ахир, салкам эллнк йил давомида дунё неча марталяр ўз ўқи атрофига айланиб чиққан бўлса-ю, қандай бўрошу тўфонларни бошидан кечирган бўлса-ю, қулоқ ҳамон бир ковакда аёл қиёфасида яшаб келган бўлса?! Борингки, шундай воқеа бўлганига, ҳаётйлигига кўна қолайлик, майли. Хўш, нима бўнти? Бугун учун, бугунги одамлар, ёшлар учун шу гаининг қандай салмоғи бор? Унда ҳаёт ҳақида қандай умумлашган фикр, кишининг кўзини очадиган теран хулоса бор? Афсуски, Л. Маҳмудовининг биринчи романидан бу саволларга жавоб тоимадим. Назаримда ёзувчининг фантазияси унга панд бериб қўйилти, акс ҳолда, бугунги ҳаётда саргузашт асарга замин бўладиган жумбоқли воқеаларни, чинакамига қизиқиши уйғотишга қобил бўлган ҳодисаларни кўплаб топиш мумкин-ку!

Пиримқул Қодировининг «Олмос камар» романи ҳам айрим томонлари билан менн қаноатлантирамади. Пиримқул Қодиров «Уч илдиз», «Қора кўзлар» каби романлари, қатор қисса ва ҳикоялари билан ҳаётнинг энг мураккаб томонларини қаламга олишдан чўчимайдиган, ҳаёт ҳақида теран ўйлайдиган ёзувчи эканини намойиш этган ва ҳақли равишда пешқадам прозаиклардан бири сифатида танилган эдн. Бироқ унинг «Олмос камар»ни ҳаётни теран ва кўламли акс эттириш жиҳатидан аввалги романларига тенгглаша олмайди. Албатта, ёзувчи-

Шинг ҳар бир яиги асари аввалги асарларига қарагандай бир баҳя юқори туриши шарт эмаслигини, ижодда парвозлар билан бир қаторда қўналғада ўтказиладиган дамлар ҳам бўлишини яхши тушунаман. Лекин шундай бўлса-да, «Олмос камар»дай замонавий материал асосида яратилган асарнинг чинакамига салмоқли бўлишини истардим. Ҳозир эса ёзувчи маънавий проблемаларни қўйинидан кўра, ишлаб чиқарни масалаларига кўпроқ берниб кетган: автор уларни мухитини қўриқлани проблемасига боғламоқчи бўлган, лекин менингча, бу ганлар асарда старлии даражада бадиий ҳал қилинмаган. Ишлаб чиқариш муаммоларининг ўзини тақорлай берган билан иш битмаслигини яхши тушунган Пиримқул қаҳрамонларининг оилавий муносабатларини ҳам бутун тафсилоти билан текширишга киришиб кетади. Лекин бу ҳам қаҳрамонларга тақоролтамас рағиб ато қилолмаган, уларга бизнинг эътиборимизни тортадиган жозиба бермаган.

Юқорида қўйилган масала юзасидан Саид Аҳмаднинг «Қирқ беш кун»ни муносабати билан ҳам баъзи мулоҳазаларни ўртага ташлаш керак. Айтиш керакки, менинг романни ҳузур қилиб ўқиб чиқдим. Саид Аҳмаднинг халқ ҳаётини билдишинга, тилемизнинг сеҳру жодусини эгаллаб олганини таин бердим. Томирларда қони асов галаён билан кўпирниб-тошган бебошвоқ чапани Азизнинг қайта туглиши романда ишонарли ва мукаммал кўрсатилган. Айни чоқда, ёзувчи Катта Фарғона канапли қурилишидаги умумий кўтариини кайфпятни ҳам, жозибадор коллектив меҳнат манзараларини ҳам яхши тасвирлаган. Щу сифатлари билан «Қирқ беш кун» романни адабиётимиздаги бақувват асарлар қаторидан ўрни олади. Бироқ, айни чоқда, бу романда ҳам фойдаланилмай қолған имкониятлар мавжуд. Маълумки, роман Катта Фарғона қурилиши билан боғлиқ воқеалар эмас, Азизнинг саргузаштлари турса-да, ҳар ҳолда, ёзувчи Катта Фарғона каналини ҳам четлаб ўтмоқни шият қилган эмас.

Шу муносабат билан айрим саволлар туғилади: романда Қатта Фарғона канали қурилиши ўзининг жамики тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва қолаверса, ҳатто маънавий моҳияти билан очиб берилганми? Романда ўша буюк ҳодисанинг кўлами, мураккаблиги, ҳалқ психологиясига таъсири, ҳалқ тарихида янги бурилиш ясагани мунособи акс этганими? Менинч, бу саволга ҳеч иккиламай, баралла «ҳа» деб жавоб бериш қийин. Яқинда мен Усмон Юсупов ҳақидаги ҳужжатли биографик қиссани ўқиб чиқдим. Унинг каттагина қисми ҚФҚ қурилишига багишиланган. Унн ўқиб, яна бир карра амин бўлдимки, Сайд Аҳмад ўз романнда бадиий иштани бир оз торроқ олган, ўз тошини сенгилроқ қўйган. Акс ҳолда, канал қурилишининг бутун кўламини, канал учун олиб борилган курашини ҳам кўрсатган бўларди. Биламан, бу жуда оғир вазифа, кўн йиллик меҳнатини талаб қилувчи иш. Аммо начора? Буюк мақсадларгина санъаткорини буюк чўққиларга этади.

\*

Биз мулоҳазаларимизда бугунги прозамиз ривожи билан боглиқ бўлган айрим муаммоларининг ўртага ташладик. Бу муаммолар ҳақида эркин фикрлашиш асарларимизнинг ғоявий-бадиий сифатини оширишга ёрдам беради. Бу эса жуда муҳим.

Коммунистик қурилишнинг турли жабҳаларида фидокорлик билан меҳнат қилаётган, олтин қўллари билан бугун келажакнинг мустаҳкам заминини барто этётган совет ҳалқига мунособ асарлар яратайлик—буюк давримизнинг даъвати шундай.

1977

## УФҚЛАР ОШИГИ

— Кўряпсанми, болам?— Икромжои уфққа, күн ботаётган олисга қўлини чўзди. Ўша тарафда уфқ қинқизил, тенароги секин-секин олтинрангдан аста мовийлашиб келарди.— Кўряпсанми товланишини, одам боласини имлаб чақиришини кўряпсанми? Юр, юр, ўша ёққа борамиз. Вақтлироқ бориб, тонг отишини кутнаб оламиз. Тонг отиши қанақалигини, кун ботиши қанақалигини сен билмайсан. Билмайсан, болам. Сен ҳали ёнисан. Сени ўзим ҳув ўша уфққа олиб бораман. Уфқини кўрасан. Қўлиниг билан ушлаб кўрасан. Уфқини Найманга олиб келамиз. Йўқ, йўқ. Найманни уфққа олиб борамиз...

Атласдек товланувчи мовий уфқларга, олтиндек шуълаланувчи беноеи кенгликларга, опноқ тонг нафасидек нокиза келажакка ошиқлик билан ёзилгани ана шу ёниқ мисералар Саид Аҳмад қаламига мансуб.

Саид Аҳмад элликка кирибди. Ўни яқиндан билган одам бунга ишономламайди. Айниқса, йигитлариниңдек хипча қоматига, қувноқлиқдан хамиша яшиаб турадиган чеҳрасига, жўшқинлигига, гайратига, меҳнат қилиб, ёзниб чарчамаслигига караб, ишонгиси келмайди.

Яқиндагина ёзувчилар союзи деб аталган улуг дарроҳга қимтишиб, тортишиб борардик-да, адабиёт тўғрагининг мажлисида бир чеккада дамимизни чиқармай ўтириб, Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ўйгун, Миртемир каби улкан ёзувчилариниг гапларини жон қулоғимиз билан тинглардик. Биз унда тўғарак аъзоси эдик, Саид Аҳмад эса бир эмас, иккита китоб чиқариб, танилиб қолгани ёш ёзувчи эди. Йигилишлариниг биринда Саид Аҳмадининг ҳикоялари ва шеесаси мұҳокама қилинди. Катта ёзувчилар Саид Аҳмад асарларини ишдан-игнасигача таҳлил килиб, ютуқларини кўрсатишди, камчиликларини айттиб, роса «чангиги қоқишиди». Кейин Биринчи Маий кўчасидан Револю-

ция хиёбонига, уидан Карл-Маркс кўчаси бўйлаб Пионерлар саройигача бирга кетдик. Йўл-йўлакай муҳокама давом этди, катта ёзувчилар олдида тортиниб айтотмаган гапларимизни энли шоша-шоша, бир-биримизга гал бермай, ўртага ташладик. Тақид кўпайиб кетса, Саид Аҳмад ўша пайтда ҳам бисотида тўлиб-тошиб ётган бирор қизиқ гап билан чап бериб, мавзуни бошқа томонга буриб юборарди. Одам сийраклашиб қолгани сокин қўчалар ҳазил-мутайибага, қаҳқаҳага тўларди...

Буларниң ҳаммаси ҳудди куни кечагина бўлиб ўтгандек туюлади ..

Одамининг умри оқар сув деганилари рост, шув этиб, ўтади-кетади. Лекин шув этиб ўтиб кетадиган сув ўз йўлида бирор чапқоқ кимсанинг ташналигини қоидириши, бирор бўғбоннинг боянини сугориб, обод қилиши, сартонда қовжираган пахтага жон ато қилиши мумкин. Одам ҳам сувдек, ўтиб кетадиган умрини шундай жилолаптира олса, у машъал бўлиб, одамларниң дилини ёритиши, уларниң қалбидаги ҳаёт ишқини нурлантириши мумкин. Саид Аҳмад мактабини битириб, оигли ҳаёт йўлига қадам қўйганидан бери илҳоми билац, қаламни билан одамларга хизмат қилиб келмоқда. Гўдак юришини аста-секин ўрганиганидек, Саид Аҳмад ҳам қалам тутишини бирданнга ўрганганий ўйқ. У адабиёт оламига кириши билан Абдулла Қаҳҳор,Faфур Гулом, Ойбек каби устозларниң баридан мажкам ушлади, уларниң тажрибасига таяниди, ҳатто «Тортиқ»ка ўхшаган бириичи китоби тақид қилингандага ҳам, уларниң аччиқ гапларига чидади. У ҳам кўигина ўзбек ёзувчилари каби рус адабиётининг битмас-туганмас ҳазинасидан баҳраманд бўлди. Энг муҳими эса—Саид Аҳмад аввал обдон ҳаёт қозонида қайнади, муҳбири бўлиб, бутун республикани кезиб чиқди, йирик қурилишларда, колхоз-совхозларниң кўпчилигига бўлди. Республикада унинг оёги етмаган жой, у ёнбошламаган дўйглик йўқ деса муболага бўлмас. Ниҳоят, мана шу бой тажриба унинг илҳоми-

га қанот берди, бирин-кетин янгидаш-янги китоблари пайдо бўлди. «Фаргона ҳикоялари» «Мұҳаббат», «Қадр-лон далалар», «Ҳукм», «Чўл шамоллари», «Ойдин кечалар», «Хазни», «Таъзим», «Уфқ»... Булар китобхонга яхши таниш—шу асарлар туфайли у ўзбек ўқувчисининг энг севимли ёзувчиларида бирни бўлди қолди.

Саид Аҳмад асарларида биз колхоз далаларидағи меҳнат суронини ҳам, ўзлаштирилаётган чўллардаги шамолнинг ҳайқиригини ҳам, қурилышлардаги техника-нинг гулдуросини ҳам, бутун тарихга айланиб қолган кечаги кунларининг нафасини ҳам аниқ сезиб оламиз. Унинг қаҳрамонлари кинини ўзига мафтуҳ қиласди. Улар—бугунги социалистик қишлоқининг оддий одамлари. Ёзувчи уларниң қиёфасини, характерини, психологиясини, меҳнатини, курашини, муҳаббатини, шодлиги ва изтиробларини—ҳаётини бениҳоя зўр севги билан, самимият билан тасвирлайди. Меҳнати билан мўъжизалар яратадиган, шовқин-суроненз қаҳрамонларлар кўрсатадиган бу одамлар ёзувчи учун дунёдаги энг гўзал одамлардир. Саид Аҳмад уларга аллақандай илложий сифатларни тақмайди, йўқ ердаги фазллатларни ёништиромайди, уларни идеаллаштиромайди, айни чоқда уларниң маънавий гўзаллигини ҳам яширмайди, аксинча, бор овози билан ҳайқириб айтади. «Турналар», «Мастон биби», «Хазни», «Ойдин кечалар», «Чўл бургути», «Тоғ афсонаси» каби ҳикоялардаги, «Уфқ» романидаги қаҳрамонларниң жозиба кучи ҳам ана шунда. Саид Аҳмаднинг бу ва бошқа кўигина асарлари чуқур гуманистик руҳга эга. Уларда ёзувчи инсонининг гўзаллигини ифодалаш билан чекланимай, одамларни янада гўзалроқ бўлишга, бир-бирини янада кўпроқ қадрлашга ундаиди. Бироқ Саид Аҳмад гуманизми мавҳум гуманизм эмас, унинг одамларга муҳаббати ҳамма нарсага авғи умумий эълон қиласиган кўр-кўрона муҳаббат эмас. Саид Аҳмад инсоннинг қадрини тушнирадиган иллатларни жинидан баттар ёмон кўради, шунинг учун

ҳам ў түрлүү-түмән тирик мүрдаларий, ифёвогарларий, фирибгарларни, муттаҳамларни, порахўрларни, жоҳил ва нодонларни сатира остига олади. Шу тариқа унинг асарларида самимий лиризм билан қувноқ комиэм қўшилиб кетади, бир-бираин тўлдиради ва ҳаётни мукам-малроқ акс эттиришга ёрдам беради.

Сайд Аҳмад асарларининг муваффақиятни таъминлаган омиллардан яна бирни тасвирини багоят жонлилиги дидир. Ёзувчи шима тўғрисида ёзмасин—табиат манзарасини тасвиirlайдими ёки одамларининг ҳолатини кўрсатадими, бари бир, шундай ранглар, шундай деталлар топадики, улар тасвирга ҳаётнийлик баҳши этади, уни жонлантириб юборади. Унинг тасвирини ўқиганда, маизара худди рассомининг суратидек кўз ўйнингизда аниқ гавдаланади. Мана, «Муҳаббат» ҳикоясининг бошлиниши:

«Кечки овқатга ёқилган ўтишиг шим ранг тутуцлари шикомлар орасига ёйилмоқда. Кўлмак сувлар устида чивинлар галаси уймалашмоқда. Азамат теракларга чирмашган аймоқи узумлар, иахса деворлар орқасида ёқутдек ялтираган олчалар, пўрсилдоқ оқ ўриклар...

Даладан қайтган моллар шовқин-сурон билан катта сертупроқ кўчани чангитиб келмоқда. Яйдоқ отни етаклаб олган баланд бўйли хушмўйлов йигит анҳор томонга ўтиб кетди...»


Бу парчадаги ранглар, деталлар рассом кўзи билан кузатилган. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади—Сайд Аҳмад ёзувчигина эмас, дурустгина рассом ҳам. Унинг рассомлик таланти, шубҳасиз, ёзувчилик санъатига жуда ёрдам беради.

Сайд Аҳмад асарлари тўғрисида гапирганда уларни тили тўғрисида жим қолиш мумкин эмас. Бугунги ўзбек ёзувчилари ичидаги у халқ тилини, айниқса жонли тилни энг пухта эгаллаган, унинг бойликларидан усталик билан фойдаланадиганлардан бири. Сайд Аҳмад тилда ҳам ҳаётий бўлишига, таблийлик ва самимийликка

шитилади. Сайд Аҳмад қаҳрамонларининг гапига қараб, уларни жонли реал одамлар сифатида қабул қиласиз, ҳатто уларнинг ўйи, ички түйғулари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил этасиз. Мана, бир мисол: «Қўшиқ» ҳикоясида йўл билмаган қиз чойхоначидан йўл сўрайди, у узундан узоқ тушунтиради. Шунда чойхўр чол унга дейди: «Запэзма экансан-да. Битта болани қўшиб бер, бошлиб бора-ди-қўяди». Бу гапининг оҳангига диққат қилинг: унда энсаси қотган одамнинг зардаси эшитилиб турибди. Айни ҷоқда бу жумла такрорланмас миллий оҳангга эга.

Сайд Аҳмад асарларини ўқигаи китобхон, уларнинг тилидан ҳам бениҳоя чуқур эстетик завқ олади, ҳам тилимизниң қудратига, раигдорлигига, бойлигига яна бир марта қойил бўлади.

Сайд Аҳмаднинг ҳикоялари, қиссалари, романи, аллақачон ўқувчиларнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олган, улар сочган уруғлар китобхон қалбидан япроқ ёзиб, олижаноблик, эзгулик, гўзаллик туйгусини ўстирмоқда. Унинг ҳикояларидан бирида шундай жумлалар бор: «Ипсон қўксидан тошиб чиққан, унинг қалбидан энг эзгу ҳислари, туйгулари тоблаган самимий ташаккурдан қимматлироқ мукофот борми одам боласига!» Сайд Аҳмад яна шундай ташаккурга муносиб ёзувчи. Шунинг учун ҳам унинг 50 йиллик тўйинда асарларини ўқиб ёзувчи билан бирга уфқаларга ошиқ бўлиб қолган, қалбидан ҳаёт ишқи, гўзаллик ишқи жўш урган китобхон қўлини кўксига қўйиб, Сайд Аҳмадга энг яхши тилакларини йўллайди.



## ШЕЪР БАҲСИДА

### ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

1976 йил ўзбек шеърияти учун ҳам баракали ва қутлагуғ йил бўлди. Ўйлайманки, 1976 йилдаги ўзбек поэзияси ҳақида кимдир, қачондир мақола ёзмасин, у гапни бир улуг воқеадан боштайди—йил бошида Ватанимиз пойтакти Москвада ўзбек поэзияси кунлари ўтди. Буни «улуг воқеа» деб атасимга сабаб шуки, поэзия кунлари партнијамизнинг тарихий XXV съезди арафасида бўлди. Ўзбек шоирлари ишчилар лавраларида, студентлар аудиторияларида, пойтакт атрофидаги колхоз ва совхозларининг маданият клубларида ижодий ҳисобот бердилар, шеъриятимиз ютуқларини намойиш этиб, москвалик талабчан алабнёт мухлисларининг олқиши ва таҳсиинига сазовор бўлишиди. Ўзбек шоирларининг айни съезд арафасида Москвага тақлиф қилинганида катта

маъни бор. Бу—Faфур Гулом ва Ойбекдай буюк сўз санъаткорларининг Ҳамид Олимжон ва Шайхзодадек улкан истеъдол соҳибларининг поэтик традицияларини шараф билан давом эттираётган бугунги ўзбек шоирларига умумхалқ эҳтиромининг рамзиdir.

1976 йилдаги ўзбек шеърияти ҳақида гапирганда, яна бир қутлуг воқеанинг тилга олмай илож йўқ: Октябрь революциясининг 59 йиллиги ишшонтапаётган шодиёна кунларда Москвадан яна бир шодиёна хушхабар келди—севикли шоиримиз Зулфияга СССР Давлат мукофоти берилди. Жаҳонга доғи кетган ўзбек шоирасининг Ватанимиздаги энг олий мукофотлардан бирининг лауреати бўлгани республикамиздаги ҳар бир поэзия ихлосмандининг қалбida ифтихор туйгуларини жўш урдирди.

1976 йилда ўзбек поэзиясида содир бўлгани муҳим поқсаларни санағандан, бир қатор поэтик асарларининг босилиб чиққанини таъкидлаш керак. Ўтган йили Ўзбекистон ҳалқ шоирини Миртемирни иккита китоби босилди. Буларининг бири Москвада босилди. «Совет поэзияси кутубхонаси» сериясида китоб чиқариш ҳар қандай шоир учун ҳам ғоят шарафли ишдир. Шоирнинг яна бир китоби Тошкентда Faфур Гулом номидаги нашриёт томонидан «Излаганим» номи билан чоп этилди. Бу тўпламга Миртемирининг сўнгги йилларда яратган янги шеърлари киритилган бўлиб, уларни ўқинганда кишида шоирининг қайта яшарисб бораётганига шубҳа қолмайди. Мен буни тўпламдаги муҳаббат ҳақида ёзиғтан шеърларга қараб айтиётганим йўқ. Балки ҳар қайси шеърдаги фикрининг тиниҳигига, ҳислар жўниҳигига, эҳтиросларининг ўткирлигига қараб айтияман. «Излаганим» тўпламидаги шеърлар ҳақиқий истеъдол ҳамиша навқиран эканини яна бир карра исбот қилади.

1976 йилда Москвада «Советский писатель» нашриётida Шукрултонинг «Опора» («Суянчиқ») деган каттагина китоби эълон қилинди. Бонқирдистон ҳалқ

Шонри Мустай Карим «Литературная газета»да босили-  
ган тақризида бу китобни кўп миллатли совет поэзияси-  
да катта воқеа деб атаб, юқори баҳолади.

1976 йилда ўзбек тилида босилиб чиққан ўнлаб  
поэтик китоблар орасиңда яна бирини алоҳида таъкид-  
лашни истардим—бу Эркин Воҳидовнинг «Мұҳаббат»  
номли китобидир. Тўгри, бу китобга кирган шеърлар  
ҳаммамизга яхни таниш. Шонр «Мұҳаббат»га нуу пайт-  
гача яратган энг яхши шеърларини кирилган. Аммо шу-  
ини диққатга сазоворки, ҳаммамизга таниш бўлган  
поэтик асарлари бир муқова остига жам бўлиб, ўзгача  
салобат касб ~~эт~~типти. Аниқроғи «Мұҳаббат» китоби  
Эркиннинг шоир спфатидаги фазилатларини чуқурроқ  
аиглаб олишга, унинг бугунги шеъриятимизда тутгани  
ўрнини тўлароқ тасаввур қилишга имкон беради.

Ниҳоят, 1976 йилда буюк Фирдавсийнинг «Шоҳнома»  
спидан биринчи жилд Шоислом Шомуҳамедов таржии-  
масида ўзбек тилида босилиб чиқди. «Шоҳнома» аввал-  
роқ эълон қилинган Дантеининг «Илоҳий комедия»си ва  
Гётенинг «Фауст»ига қўшилиб, бугунги ўзбек шеърия-  
тиининг юксак камолотидан далолат беради. Чунки жа-  
ҳон адабиётининг бу шоҳ асарларини ўзбек шеърида  
муваффақиятли жаранглата олиш учун бениҳоя ўткир  
истеъдод ва foят юксак бадиий-маданий савия керакли-  
ги маҳсус исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Мен поэзиямизининг бир йиллик ҳаётидан олинига  
баъзи бир фактларнингни санадим, бироқ шу фактлар-  
нинг ўзиёқ ўзбек шоирлари йил давомида ҳалқимиз би-  
лан ҳамиафас, яқдил бўлиб, замон суръатидан ортда  
қолмасликка интилиб одим отганини яққол кўрсатиб ту-  
рибди.

Йил давомида шеъриятимизининг ичкни ҳаёти ҳам  
гоят мазмундор ва мароқли бўлди—шоирларимизнинг  
кўничилиги янги асарлар яратиб, китобхонларни хушиуд  
этишга интилишди. Агар менга: «1976 йилда яратилган  
поэтик асарлар ичидаги энг яхшисини белгилаб бер», деб

мурожаат қилишса, қийин ақволга тушиб қолишим турган гап, чунки бундай асарлар анча. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқайлик. «Шарқ юлдузи» журналининг 9-сонида Зулфия «Сени куйлайман, ҳаёт» туркумидан ўн учта янги шеър эълон қилди. Уларнинг ҳаммаси ҳам шоира истеъдодининг фоят баркамоллигидан гувоҳлик беради. Бу шеърларда бой ҳаётий тажрибага эга бўлган эҳтиросли, ёшиқ қалбининг ҳарорати яққол сезилиб туради. Уларда иозик бир терацлик билан ҳаётининг сир-асорори ҳақидаги, неъматлари ва кемтиклари тўгрисидаги ўйлар ифодаланган. Шонра меҳнати, ижоди билан, катта изтироблар ва муттасил изланишлар эвазига ўзи кашф этган ҳикматларини китобхонга тақдим этади. Энг муҳими эса, бу шеърларда иисонни иисон қиладиган сифатлар тасдиқланади. Шонра лоқайдликни, худбииликни қоралайди, «иисон қалбидан жавоҳир излаб» олга талпинувчи, гўзалликка интилувчи, ором билмай яшовчи қалбни улуглайти, чақмоқдай чақнаб яшашни мадҳ этади. Мана, «Дўстларим» шеъри. Ўнда дўстлик туйғуси, одамлар қалбида бир-бирига жўш урган меҳрибонлик туйғуси ифодаланган. Шонра дўстлар даврасини, уларнинг қайноқ баҳсларини қўмсайди, чунки бу оташлардан дил ўт олади. Диленинг оловлалимиши эса иисон ҳаётининг зарур шартларида биридир.

Чақиаш билмай сояда юзи  
Яшагандан – чақмоқлик афзал.  
Сокишиликни севмайман ўзи.  
Ўлсам ўлай, дўстлар жам маҳал.

Ўтгани йили яратилган шеърлар ичидаги Асқад Мухторнинг «Мен дунёга келиб дунё орттирдим» ва «О, юлдузлар, туғи ошиларим» туркуми, шунингдек, декабрь ойинида «Тошкент оқшоми»да ва «Совет Ўзбекистони»да босилган шеърлари алоҳига ажралиб туради. Буларнинг ҳаммаси ҳам чинакам лирикасини намунаси – уларда шонир терац фикрларининг иисоний туйғулар билан чам-

барчас бирикиб кетишига эриша олган. Шунинг учун ҳам бирор шеърии айрича олиб, бу фалон темада ёзилган, фалондай мазмунга эга деб айтиб бериш жуда қийин. Асқад Мухтор шеърларининг ҳаммаси ҳам инсон ҳақидаги, унинг мушкул ва мураккаб ҳаётини ҳақидаги, инсонни инсон қиладиган фазилатлар тўғрисидаги ўйлардан иборатdir. Бу ўйлар шонринг ҳаётини тажрибасига йўғрилган бўлиб, қалбнинг энг теран жойларидан чиққани учун гоят ҳаётини ва самимийдир. Умуман, айтиш керакки. Асқад Мухторнинг бу шеърлари буғунги лирикамизнинг гуманистик мазмунини бойитувчи, унинг инсонийлигини кучайтирувчи, шеъримиздаги реализм уфқларини кенгайтирувчи шеърлардир. Шонр шеърларида бутун жаҳон тақдирини ўйлаётган, муттасил инсон ҳаётининг маъносини изловчи ва бу изланишда муҳим ҳақиқатларни кашф этувчи, руҳан бой замондошимиз қиёфаси мавжуд. Унинг муҳаббати кенг ва теран, нафрати ҳам муҳаббати каби ёлқинли ва оташин. У инсон ҳаётининг бутун мураккаблиги, сир-асорори билан гўзал бўлишини орзу қилади. У табиатнинг гўзаллигига, инсон бахтининг мукаммал бўлишига интилади. Мана, «Бизнинг боғда» деган ибора билан бошланувчи бир неча шеър. Уларнинг биринчиснда ўтлар орасида яшил чигиртканинг чириллаши шоир ҳисларини қўзғайди. Кейинги шеърда тун маҳали эшитилган укки ноласи шоир қалбини увиштиради. Кейин биринчи қор шонрни ўйга толдиради. Ниҳоят, боғда ҳар тонгда янгровчи муҳаббат куйи шоирга илҳом беради. Лекин шоир шу ҳаётини фактлар ёки деталларни тилга олиш билан чекланмайди, албаттa. Уларнинг ҳар қайсиси ҳаёт ҳақида ўйлашга уидовчи баҳона, холос. Масалаи, чигиртка чириллашидан бошланган ўйлар жаҳоний гармония ҳақидаги хуло-сага олиб келади:

Шу чириллаши борки, назаримда,  
Тун ўй сурар, табнат тугал.  
У бўлмаса сўқир кечаларни

Руҳимиз ҳувиллаб қоларди ҳар гал.  
Қашшоқроқ бўларди тун маизараси,  
Бундай сеҳрий таъсир этмасди,  
Ҳам умумжаҳоний гармонияда  
Бир азалий оҳанг этмасди...

Ёхуд укки ноласидан шоир ҳаётиниг мураккаблиги ҳақидаги ўйларга кўчади:

Ҳаёт шу экан-да: ёғду ва зулмат,  
Қишу ёз, ўигу туш, тирик ва ўлик...  
Шусиз бўлмас экан тугаллик сира,  
Ҳатто қуш пагмаси: гўзал **ва** хунук.

Бундай шеърларни ўқиганда китобхон қалбида ҳам муайян акс-садо пайдо бўлади — у ҳаётиниг тугал гўзалигини янада ардоқлаш, қадрлаш туйгуси билан ёна бошлайди. Хуллас, Асқад Мухторнинг янги шеърлари маҳсус баҳсни талаб қилувчи шеърлар бўлнб, бугунги ўзбек шеъриятининг имконият доираларини, савиясини бир босқич юқорига кўтарди.

Санъатда сон эмас, сифат ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деган ҳақиқат бор. Буннинг тўғрилигини Абдулла Ориповнинг 1976 йилдаги ижодида яна бир кўриш мумкин. Абдулла Орипов ўтган йили унча кўп шеър ёзганий йўқ. Шундоқ бўлса-да, унинг «Маломат тоши», «Тафаккур монологи» каби шеърлари эълон қилинди, «Момо офтоб» шеъри яратилдики, бу уч шеърни ҳеч иккиланмай ҳозирги лирикамизнинг нодир асарлари қаторига киритиш мумкин. Уларда биз шоирнинг поэтик тафаккур қуввати янада ортганини кўрамиз. Шоир инсон вижданининг улуғлигини ўртаниб куйлади, шоир инсоннинг қадрини туширадиган турли-туман пасткашликлар, тубапликлар, разолатларга қарши ёниқ нафратилий ифодалайди. Бу шеърлар шоир поэзиясининг ижтимоий руҳи, гуманистик йўналиши чуқурлашиб бораётганини кўрсатади.

1976 йил поэзиясининг ютуқлари ҳақида ганирганди Омон Матжоннинг номини ҳам алоҳида мамлукният би-

лан тилга олгим келади. «Шарқ юлдузи» журналининг 7-сонида унинг «Сирларим», «Faafur Fулом хотираси», «Энг узун кечада» деган бақувват шеърлари босилди. Буларнинг бирида шоир поэтик тафаккурининг теранлигини намойиш этса («Энг узун кечада»), бошқасида ҳаёт фактларини образли ифода қилиш қуввати зўрлигини кўрсатгаи. (Масалан «Faafur Fулом хотираси» шеърида қуёшини куйлаб, нурга хизмат қилиб яшаган шоирнинг бугун йўқлигини «ер остида қолган зулматга қарши жангга кетиш» деб ажойиб поэтик метафора яратади.) Омоннинг «Гулистан» журналида босилган «Самандар», «Мен шеър ёзсан...», «Сальвадор Альенденни йўқлаб», «Табиатнинг «Қизил китоби»га шеърлари ҳам диққатга сазовор. Шоир айниқса, «Табнатнинг «Қизил китоби»га шеърида теран бир ички дард билан инсониятнинг тақдирни ҳақида қайгурди. Унинг наздида «Қизил китоб» йўқолиб кетаётган ҳайвонот турларини сақлаб қолиш учунгина хизмат қилмайди. Бу китоб инсон тақдиринга ҳам шама:

Бастакор бирорвга кўй бағишиласа.  
Ўз қалби, ўз дардин этганидек роз,  
Инсоннинг табнат учун китоби  
Ўзин тақдиринга шамадир, холос.

1976 йил поэзиясининг хуссиятлари ҳақида ганирганда, ёш шоирлар ҳам ғоят қунт билан баракали ижод қилганинни таъкидлаш лозим. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг ёш ижодкорлар ҳақидағи тарихий қарори уларнинг илҳомига илҳом қўшди. Утган йили Faafur Fулом номидаги нашриёт ҳам, «Ёш гвардия» нашриёти ҳам ёшлар ижодига айрича ғамхўрлик билан эътибор бердилар. Бунинг оқибатида «Ёшлик баёзи» ва «Ёшлик» альманахи майдонига келди. «Шарқ юлдузи», «Гулистан» журналлари эса ёшлар ижодига маҳсус ўрин берди. Ёш шоирлар ичиди, айниқса, бойсунлик Ўсмон Азимов, са-

марқандлик Хоснят Бобомуродова ва Хуршид Даврон, ўшлик Шавкат Раҳмон, хоразмлик Муҳаммад Солиҳ, қўқонлик Мақсуда Эгамбердиева, Ёдгор Обидов, Шукур Курбонов, тошовузлик Қутлибека Раҳимбоеваларнинг асарлари ажралиб туради—уларда изланиш кучли, ўзига хосликка шитилиш бор, энг муҳими эса, бу ёшлар шеърида ҳали ўзигача ҳеч ким айтмаган гапларни топиб айтишга интилишияни. Ёшлар поэзиясининг муаммолари алоҳида мавзу, шунинг учун бу ўрица шу айтилган умумий мулоҳаза билац чекланган маъқул.

Утган йили поэма жанрида қам бир қатор йирик асарлар майдонга келди. Фақат «Шарқ юлдузи» журналининг ўзида Барот Бойқобнловнинг «Сибирь сурори», Турсун Иброҳимовнинг «Ҳаётбахш умр», Тўлқиннинг «Ўттиз қўнғироқ», Х. Қуронбоевнинг «Тоғда айтнган ёр-ёр» (парча) достонлари босилди. Мен бу достонлар ичидан, айниқса, Туроб Тўланинг «Суюк Момо» достонини ва Ҳамид Ғуломнинг «Амазонка қўшифи»ни алоҳида таъкидлашни истардим.

Туроб Тўла Бахмалда совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган кураш лавҳаларини чизади. Унинг қаҳрамонларни реал одамлар. Шонр достонни яратар экан, аввалги тайёр схемалардан, сюжет қурилишидаги такрорийликдан қочади. У ўз достонини «Янги эпос» деб атайди ва ҳақиқатан ҳам шиддатли курашларнинг эпик манзарасини чизишга муваффақ бўлади. Яна шуниси эътиборга лойиқки, шоир классик шеъриятимизнинг формасидан кўп ўринда унумли фойдаланган.

Ҳамид Ғуломнинг достони эса менга унинг «Қитъалар уйғоқ» циклидаги балладаларини эслатди. Ўқ, балладалар билац яниг достон ўртасида сюжет қурилиши жиҳатидан яқшилик йўқ. «Амазонка қўшифи» буюк чили шоири Пабло Нерудага багишланган. Яқшилик—гражданлик туйғусининг ўткирлигига, шонрининг тинчлик ишини эҳтирос билан ёқлашида, меҳнаткаш халқ бошига кулфат ёғдираётган қора кучларни, ҳар хил

раингдаги реакционерларни оташни нафрат билди ғони қилишида.

Кўринадики, ўзбек поэзияси 1976 йилда анча салмоқли ва мазмундор йўлни босиб ўтди. Бир йиллик поэзия мизда замондошимизнинг маъниавий дунёсини тасвирлашда яниги уфқулар очилди. Аминмизки, 1976 йил давомида яратилган шеърларнинг муайян қисми адабиётимизнинг олтии фондига кириб қолади. Табиий савол туғилини мумкин: наҳотки ҳозирги поэзиямиз фақат муваффақиятлардан иборат бўлса? Наҳотки, бугунги шеъриятда китобхонни ранжитаётган, поэзиямиз парвозига тўғаноқ бўлаётган салбий ҳодисалар, майда ва йирик қусурлар йўқ бўлса? Бундай саволга «албатта, қусурлар мавжуд» деб жавоб бериш керак. Бугун ҳам ҳақиқий поэзия ўрнига қофиябозликдан нари ўтмайдиган шеърлар кўп учрайди. Ёхуд анча-мунча шеърларда шоир ифодатамоқчи бўлган фикрлар саёз ёки жузъий, ҳислар майда ва арзимас бўлади. Ҳозирги шеъриятда ошкора шиорбозлик, яланғоч риторика йўқ, лекин улар ишқобланган, яниги либосга буркангаи ҳолда яшамоқда. Таассуфли томони шундаки, баъзи талантли ва тажрибали шоирларимиз ҳам ўз шеърини баркамол даражага етказиш устида етарли машаққат чекмайди, шекилли. Бу йил «Шарқ юлдузи» журналида Ҳалима Худойбердиеванинг бир қанча шеърлари эълон қилинди. Ҳалиманинг ғоят талантли экани, шеърлари китобхон қалбига етпб бориши ва чуқур таъсир қилиши ҳаммага маълум. Унинг бу йилги шеърлари ҳам шу фазилатдан мустасно эмас. Бироқ Ҳалиманинг шеърларида бир қусур бор, негадир шеърга сайқал бермайди, унинг оҳангги устида, ҳар мисранинг мусиқийлиги устида ишламайди. Натижада, яхши-яхши шеърларда бирдан вазн бузилганини кўриб, оҳанг дағаллашганини ҳис қилиб, афсусланасан, киши. Менга эътироуз билдириб, «Ҳалима атайин шундай қиласи», дейишларни мумкин. Лекин мен ҳеч қайси ўринда вазн ва оҳангдаги сохталикини

бөлтаппиган заруратни ҳис қилемадим. Яна бир мисод. Яқинда «Ўзбекистон маданияти» газетасида Шуҳратнинг бир неча янги шеърлари эълон қилинди. «Түғилганиман, ёмон йўлига», «Гар чанқасанг гул баргида сув тутиб», деб бошланган шеърларини ҳисобга олмаса, бошқалари Шуҳратдек тажрибали шоирининг имконияти даражасидан анча паст ёзилгандай туюлди. Мана, «Ваъдага келардинг» шеърини олайлик. Лирик қаҳрамон билан учрашувга келаётган ёр майсаларни босиб, гулларни узиб, баъзиларни эзиб келади. Буни кўрган лирик қаҳрамон «гул қадрига етмаган одам, севги қадрига стармиди», деб кетиб қолади. «Кўндоқдаги исем» шеърида лирик қаҳрамон ҳарбий хизматни ўтаётib, ёрпининг номини автомат қўндоғига ўйиб ёзади-ю, кейин севгилисини доим ёнида тургаидай ҳис этади. Бу шеърларда маълум туйгу, муайян ҳис бор, лекин назаримда, улар шеърни чинакам поэзия даражасига кўтариш учун зарур бўлган магизлик вазифасини ўтолмайди, чунки бу шеърларининг замирида чинакамига шоир қалбини ўртаган катта дард, шоир айтмаса туролмайдиган салмоқли гап ёки китобхонини ларзага соладиган теран ва гўзал туйғу йўқ. Хуллас, кўриадики, бугунги шеъриятимизда анча-мунча қусурлар бор, албатта. Бироқ, мен атайни поэзиямизнинг ютуқлари ҳақида тўхтадим. Бунииг сабаби шуки, унинг қусурлари ҳақида «Шарқ юлдизи» журналида доира стол атрофидаги баҳсада анча мукаммал гаплашиб олган эдик—уларин бу ерда тақрорлаб ўтирамадим. Қолаверса, кеңг китобхонлар оммасини, биринчи навбатда шеъриятимиз ютуқларидан огоҳ қилдим. Ютуқлар эса улкан—улар билан мағурланса арзиди. Бу ютуқлар шоирларимизга бир вақтлар Маяковский айтганидек, «мехнатим уланмоқда ресиублика меҳнатига», деб гурурланиш учун асос беради.

## ШЕЪРИЯТ ЭСТАФЕТАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

1977 йил! Ватанимиз тарихига олтии ҳарфлар билан ёзиладиган йиллардан бири. Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйи бутун жаҳонда нишонланган йил. Коммунизм қурилиши даврининг манифести деб эълон қилинган янги Конституция қабул қилинган йил. Партиямизниг XXV съезди қарорларидаи илҳомланган совет халқи ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йил режаларини муваффақият билан амалга оширган йил! Ўзбек пахтакорининг хирмони номирилар ва ҳимолайтарниг ҳавасини келтириб, мислсиз юксакликка кўтарилиган йил! Йил—ойлардан, ойлар—ҳафталардан, ҳафталар—куилардан, куилар эса соатлардан ташкил топади. 1977 йилда бутуни совет халқи ойма-ой, ҳафтама-ҳафта, кумса-куш яратувчи ижодкор меҳнат билан банд бўлди ва саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигига ҳам, фан ва техникада ҳам, маданий қурилиш соҳасида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритди. Хуллас, 1977 йилда ривожланган социализм диёри коммунизм деб аталмиш буюк манзул сари яна бир зафарли қадам қўйди.

1977 йил совет адабиёти ривожида ҳам қутлуғ йил бўлди. Кўни миллатни адабиётимизниг ҳамма намояндалари қаерда яшашидан, қайси жаирда ижод қилишидан қатъи назар, чуқур эътиқод ва зўр илҳом билан совет халқига муносиб асарлар яратиш йўлида астойдил меҳнат қилдилар. Ўзбек шоирлари ҳам бу шарафли ва масъулнинг ишда актив иштирок этдилар—улар аввалги йиллардаги шеърият эстафетасини давом эттиридилар.

Утган йили ўзбек шоирларининг ҳамма авлод вакиллари ҳам актив ижод қилиб, совет поэзиясининг умумий хорига ўз оҳанглари билан жўр бўлдилар.

1977 йилда Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибийниг «Янги газаллар»и босилиб чиқди. Китобдаги газаллар отаҳон шоиримиз қалбидаги эҳтиросли ҳислар жўш ураётганилигидан далолат беради. Шоир халқ билан бирга

яшайди, унинг меҳнатидаи, турмушидаи илҳом олади. Ҳабибий газалларида кўп йиллик ҳаётдан чиқарилган тераи хулосалар, ўткир донолик қариш билмайдиган поэтик эҳтирос билан қўшилиб кетган.

Ўзбекистон халқ шонри Ўйғун вақтли матбуотда эълон қилгани бир қатор шеърлари билан поэзия мухлисларини хушнуд этди. Унинг шеърларида юксак коммунистик эътиқод, совет кишинига мұхаббат түйгуларни ифодалапган. Ўйғушинг янги шеърлари ўзининг сиёсий ўткирлигиги ва публицистик жўшқинлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон халқ шонри марҳум Миртемирининг ҳаётлигига ўзи дасталаган «Тогдай таянчим» деган китоби чиқди. Уларга Ленини, коммунизм ва партия ҳақида турли йилларда ёзилган шеърлар кирган. Миртемир китобига ёзган қисқа сўзбошисида шундай дейди: «Ленини ҳақида аиъзанавий қасидалар ногонасидаи ўзбек поэзияси ҳам ўтиб олди. Ҳар қалай қуруқ мақтovлар, қайтариқлар ўрнини борган сарн ҳаётни шеърлар, балладалар олмоқда». Ленини темасидай қутлуғ ва масъулияти темани ишлашда, ҳаётни тикнинг чуқурлашишида, бинобарни, чинакам реализмнинг шаклланишида Миртемирининг ҳам ҳиссаси ғоят катта бўлгани «Тогдай таянчим» тўйламидаги шеърлардан аён кўриниб турибди. Ўтган йили «Гулистан» журналида Миртемирининг «Захматкаш ҳалқим: қуллук» деган туркуми эълон қилинди. Чинакам халқчиллик руҳи билан суғорилган, она халқ қаршисида фарзандлик түйгусини катта маҳорат билан ифодалаган бу шеърларни ўқингандай яна бир карра узоз шонрининг диловар қўшииги авж пардасида узилашига чуқур таасусуфланасан, киши.

Ўтган йилги шеърият эстафетасини муваффақиятли давом эттиришда Шуҳрат, Восит Саъдулла, Пўлат Мўмин, Жуманиёз Жабборов, Толиб Йўлдош каби тажрибали шоирларининг ҳам, адабиётга 60-йилларда кириб келиб, кўигина поэтик тўйламлари билан китобхонлар-

Шуманов, Нормурод Нарзуллаев, Омон Мухтор, Барот Бойқобилов, Айвар Ҳожи, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Гулчехра Нуруллаева каби шоирларининг ҳам ҳиссаси катта. Уларниң ҳаммаси ҳам ўтган йили янги китобларини беруд янги лирик туркумларини эълон қилишиди. Афусуски, бу кичик обзорда уларниң ҳаммасини батафсилроқ таҳлил қилини имконияти йўқ. Шунинг учун айрим шоирларининг айрим шеърлари ҳақидагина мулоҳаза айтиш билан чекланамиз.

Ўтган йили Шуҳрат «Бу юртда кишилар олий табиат» деган туркумини эълон қилди. Бу лирик шеърларда шоирниң ҳаёт ҳақидаги теран ўйлари мужассамлашган. У Ватан ҳақида, она юртниң буюклиги тўғрисида қўйлади. Лекин буни бошқалардан фарқ қиласиди гап тарзда, ўзига хос шаклда қиласиди. Масалац, «Онам, она тилим, она юртим» шеърида Шуҳрат шеърнинида гражданлик руҳи чуқурлашиб бораётганини кўриш мумкин. Шоир яланғоч дидактикадан, қуруқ насиҳатгўйликдан қочиб, она юрт муҳаббатини ишчам лирик формада ифодалаб берган:

Онам борки, дунё кўрки кўзимда,  
Тилим борки, шону шараф сўзимда.  
Ватан борки, ўзим ўтиб кетсан ҳам  
Ташаккурим янграб қолар изимда.

Шоирниң «Дейдилар», «Ажинилар» каби шеърлари ҳам китобхонда яхши таассурот қолдиради.

Мен поэзиямизниң яна икки заҳматкаш ва камтар намояндаси ҳақида алоҳида тўхташни истар эдим. Булар—Толиб Йўлдош ва Ёдгор бахши. Уларниң иккени ҳам шеърият соҳасида кўп йиллардан бери қалам тебратиб келади. Толиб Йўлдош анчадан бери тўртликлар жанрида изланади. Дастлабки пайтларда унинг тўртликларида жўн фикрлар, яланғоч насиҳатлар тез-тез учраб турарди. Лекин йиллар ўтган сари шоир бу қийин жанрни пухта эгаллаб олди. Ҳозир унинг тўртликлари образ-

ліллиги біллан, фикрлариниң қуюқлигі біллан ажрасында тұради. Үтган йили әзіл он қыллинган янги тұртликлар ҳам бу фикрнинг исботи бўла олади. Уларда шоир инсонни яхшиликка, олижанобликка ундовчи фикрларни лўнда, ихчам ва ҳаёттй ифодалайди:

Одамниң жүни кўп еерғап бўлади,  
Яхшиен—камгапу еерғак бўлади,  
Үзиннга қиёс қыл сен ҳар иккнени,  
Уларниң қай бирни сендак бўлади.

Едгор бахшинининг шеърлари ҳам гоят самимий тарзда одамларга мәхр-муҳаббат билан сугорицган. Шеърларндан бирида ёзғаңынде, шоир «нақ булбули хушхон сайраб», «оламда бор одамларга омоцлик тилайди». Бу эзгу тилак уининг шеърларида содда, лекин юксак бадий формада ифодаланади. Уининг үтган йили босилган «Деҳқон», «Ори билан», «Аълодир», «Езаман», «Келмас» каби шеърларнда замонавий фикр-түйгулар халқ поэзиясига хос ихчамлик билан ифодаланған. Умуман, Едгор бахшинининг янги шеърлари халқ поэзиясининг традициялари буғуиги шеърнитимизда ҳам жуда яхши са-марса беришини яна бир карра тасдиқлайди. Қўйидаги парчага диққат қилинг:

Битта курмак араласса, бир қозон оши бузилар,  
Чирик арқоқ аралашса, ипак арқон узилар,  
Сафга ялқов аралашса, тез битар иши бузилар,  
Юкин отлар текис тортеа, бир-бирига зўр келмас.

Бу парчада ҳар бир мисра—халқ тажрибасында чиқа-рилган ҳикмат, чуқур умумлашма. Улар жуда сиқиқ ифодаланған. Парчаниң ритмикасы ўйноқи, қофиялари бут. Улар ҳаммаси бирлашиб, шеърга чиқакам халқ-чилик руҳини беради ва аҳиллик ҳақиқидаги гояни яхши очади. Едгор бахшинининг бошқа шеърларида ҳам ана шундай нағисликки, халқ қалбининг самимий ифодасини кўриш мумкин.

Үтган йили Нормурод Нарзуллаев ҳам «Мовий маржон» деган лирик туркумини әзіл он қылди. Бу туркумда

ҳам шоирнинг ўзига хос томонларн, лиризмга мойиллиги, ҳаётий деталлар орқали теран фикрлар айтишга мойиллиги сезилиб туради. Масалан, «Сокинликни севмайди денгиз» шеърида тўлқин ҳақида кўйлади. Сира тиним билмайдиган денгиз, унинг жўшқин тўлқини шоирни одам ҳақида, унинг ҳаётдаги ўрни тўгрисида ўйлашга унлайди. Шоир ҳаётий манзарадан чуқур поэтик холоса чиқаради:

Денгизда сен тўлқини бўл, тўлқин,  
Тўлқинлариниг ушла ёлидан,  
Дўстим, кўшик бўлмагин лекин  
Енгил ҳаёт тилаб толедан.

Лекин бундай пухта образлилик шоирнинг ҳамма шеърида ҳам учрайвермайди. Баъзан у шеърга асос қилиб олган поэтик образни мантиқан инҳоясига етказмайди, баъзан эса улардан жуда жўн холосалар чиқаради. Нормуроднинг шу туркумда «Занг урмоқда соат» деган шеъри бор. Шеър умуман олганда, ёмон эмас, шоир занг ураётган соат образи орқали ҳамиша бедор ҳаёт манзарасини, курашайтган, меҳнат қилаётган одамлар манзарасини яхши ифодалаган. Лекин шеър кутилмаганда қўйидаги жўп мисралар билан тугайди:

Соатдай бўлиигиз ҳушёр, одамлар,  
Уруш балосидан бўлмасин дарак.

Бу холоса шеърга зўрма-зўраки ёпиширилган, у шеърнинг замиридаги поэтик образдан мантиқан келиб чиқмайди. Умуман, соатга ҳушёрлик ёт нарса. Шунпнг учун ҳам бундай умумлашма шеърнинг умумий қувватига путур етказади.

Ўтган йили ўзбек шеърниннинг ютуқлари ҳақида ганиргаца, албатта Эркин Воҳидовнинг яиги шеърлари ҳақида алоҳида тўхташ лозим. Бу шеърлар «Шарқ юлдизи» ва «Гулистон» журналларида босилди. Уларни ўқиб чиққан китобхонда Эркин Воҳидов поэзияси яиги босқичга кўтарилаётгани ҳақида ёрқин таассурот қола-

ди. Үлар Эркиннинг иносони тушуниши қуқурлашганидан, ҳаёт ҳақида янада кенгроқ кўламда ўйлаётганидан далолат беради. Ниҳоят, бу шеърларда Эркин поэзиясининг ўзига хос жанrlари, услубий ранглари янада тиниқлашгани, кўп ўришларда юмор шеърининг магиз-магизига сингиб, катта ҳақиқатларни очишда муҳим воситага айлангани аёи кўриниб турибди. Бу шеърларда иносон ҳақидаги ўйлар ҳам, ҳаётни тажрибалардан чиқарилган теран ҳикматлар ҳам бор. Уларда баъзан шундай эпик образлар ҳам учрайдикл, бу образлар ҳаётнинг муҳим томонларини очишга хизмат қилади. Мана, уч байтдан бирор:

Кўрқуининг кўзи катта, юраги кичик бўлур,  
Кўрқув зўр келган юртга арслонлар кучук бўлур.

Шоир халқ иборасини олиб қайта ишлаган, уни ўзиининг фантазияси билан бойитган, оқибатда унча-мунича катта шеърдан қолинимайтиган, мазмунининг салмоғи билан қалбга ўнашиб қоладиган тугал поэтик мисра туғилган.

Эркиннинг «Тирик сайдерлар» шеъри бошқачароқ— бу иносон ҳақидаги фалсафий ўйлар. Шоир бугун сайдерларга қўйи чўзгаи, кўқини, осмонини тиитув қилаётган иносон ҳақида, унишг қудрати ва занфлиги, яхшилиги ва ёмоилиги ҳақида ўйлар экан, иносоннинг ўзи унига тил симли бир дунё бўлиб кўринади:

У яшайди тилепимлар аро.  
Хар қашниёт янги маррадир.  
Ўнишг ўзи сирли бир дунё,  
Дунё эса фақат заррадир.

Қувноқ юмор билан сугорилган, шу юмор туфайти ишъер заминидаги тагдор залварли матью янада қуюқлашган «Матмусанинг дутори» ҳам яхши таассурот қолдиради. Бу шеърда халқ латифаларидан бирор қайта ишлангани, бироқ у шоир фантазиясининг кучи билан батамом янгича оҳанг касб этган:

Алқисса шу: машшоқлар  
Қидиришин ташласин.  
Керак парласин топган  
Матмусалар яласин.

«Оқсоқол» шеъри ҳам ҳар томонлама диққатга сазовор. Үнда шоир уруш даврида кечгани болалик хотира-лариниң қайта тиклаб, шундай бир воқеани поэтик тарзда тасвиirlайдики, бунинг натижасида бешафқат, зуғумли, одамларниң ўзига тобе қилинши истаган мушук кўзли Оқсоқол кўз ўнгимизда жопли қиёфа касб этади. Уруш даврининг алангали, оғир фурсатларида давру даврони сурган, кулфат ва почорлик заминида туғилган бу сиймо бугун ўзи почор, ёлғиз, эл-юртиниг назаридан қолгани, шумшук. Оқсоқол кўлами ва тераплиги жиҳатидан ўзбек поэзиясида сўнгги йилларда яратилган образлар ичилда энг бақувватларидан биридир.

Эркиннинг «Биз ишлаймиз», «Боинг уринг», «Шеъриятиниң қизил карвони», «Ёш шонрларга» каби шеърлари ҳам кучли шонрониа эҳтирос билан ёзилгани. Буларниң барчасида камолотга етган шонрининг қалби, Ватаинга, ҳалққа, ишонга меҳр-муҳаббат билан тўлиқ шонрининг образи мужассамлашгани, Эркин Воҳидовининг янги шеърлариниң ҳеч иккимизмай бугунги ўзбек шеъриятимизнинг энг яхини, энг юксак наимуналари қаторига қўйини мумкни.

Утган йили шеърият эстафетасини давом эттиришда ёшлар ҳам атоқли шонрлардан ортда қолгани йўқ. Бу ёшлар орасида бир-иккитадан китоб чиқарниб, поэзия мухлисларига танилиб қолгани Абдулла Шер, Муҳаммадали Қўшимоқов, Муҳаммад Солиҳ, Машраб Бобоев, Усмон Азимов, Азимжон Суюн каби ёшлар ҳам, ҳали китоблари чиқмагани бўлса-да, сўнгги йилларда республика матбуотида тез-тез кўриниб турган Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Ёлғор Обидов, Муҳтарама Улувова, Дилбар Ҳамзахўжаева, Мақсада Эгамбердиева каби қобилнитли қалам эгалари ҳам, эндигина респуб-

лика матбуотида шеърлари босилаётган Йўлдош Эшбеков, Икром Отамуродов, Фароғат Камолова каби бошловчи шоирлар ҳам бор. Албатта бу рўйхат тўла эмас.

Энг қувонарлиси шуки, бу ёшлар поэзияга вақтинча келиб, шунчаки кучини синаб кўраётган ишқибозлар эмас, балки поэзияга жиҳдий муносабат билан қараётган, шеъриятни ҳис қилиб қалам тебратаетган ижодкорлардир. Шунинг учун ҳам улар улкап санъаткорларни мизнинг изидан бориб, уларнинг традицияларини давом эттириб, шеъриятимизни бақувват асарлар билан янада бойитиш ҳақида жиҳдий қайғурмоқдалар. Бу шонрларниң асарларида ҳозирги ёшларниң қалби, пок туйгулари, ҳаёт ҳақидаги ўйлари ифодаланган. Улар оригинал поэтик образлар ёрдамида буғуиги одамининг мураккаб маъшавий дунёсини, орзу-умидларни куйламоқдалар.

Мана, катта адабиёт даргоҳида шл қадамлар қўяётган Фароғат Камоловани олайлик. У ҳали дорилфунун талабаси, ҳали унинг ҳаётий тажрибаси кам. Лекин шундай бўлса-да, у шеъриятда ўз дунёсини очишга, ўз инахсиятни намоёни қилишга итилади. Унинг дунёсида майда, бачкана нарсалар йўқ; у мажруҳ туйғуларини титкилаб, ҳаммага кўз-кўз қилишини истамайди. Аксинча, унинг шеърларида мураккаб дунё қаршисида ажаб ва ҳайрат билан боқаётган, айни чоқда, шу дунёда ўз ўринини топишга итилаётган мурғак қалбнинг ифодаси бор. Фароғат кичик шеърларидан бирини «Гўдак» деб атабди. Унда энди оёққа турган гўдакнинг эшикни тортқилаб, ҳовлига—ташқарига итилиши шоиранинг диққатини тортган. Айни чоқда, шоира шу гўдакка чиройли поэтик таъриф бериб, ўз туйғуларини ифодалайди:

Гўдак ким: у менинг тинисиз ўйларим,  
Шеър бўлиб қуйилар дилу жонимга.  
У тинмай тортқилар дунё эшигин,  
Дунё эшик очар ҳаяжонимга.

Ўйлаймашки, бундай машқи баланд шонрадан келажакда анча нарса кутиш мумкин. Бугунги ёшлар шеъриятига янги образлар дунёсини, янги оҳанглар, янги ранглар дунёсини олиб киришяпти. Уларнинг шеърлари кўп ҳолларда энг талабчан китобхон дидига ҳам мос келади. Шундай шонрлардан бири Шавкат Раҳмондир. У кўпгина шеърларида инсоннинг инсоний яшashi ҳақида қайгуради ва ҳар гал шу инсоний яшашнинг маъносини очади, унинг янги-янги қирраларини пикишоф этади. У қалбининг жўшқини эҳтироси билан лоқайдликин ишкор этади.

Мана унинг шундай шеърларидан бири:

Яшамоғим зарур,  
Хар дақиқани  
Ғазаб билан, севги билан тўлдириб.  
Дунёдаги бэрча қора нарсани  
Ёруғ лаҳзаларда ўлдириб.  
Токим,  
Бош кўтариб қарай қуёшга,  
Токим, кўзларимда ёнсии ҳақиқат,  
Токим, тош мисоли тегмасин бошга  
Мен яшай олмаган  
Хар бир дақиқа.

Юрак қаъридан чиққан табиий ва самимий ҳислар! Бунда ялангоч фикр, қўруқ ҳайқириқ, қизил либосли риторика йўқ. Бунда чинакам шеъриятнинг мағзи бўладиган шоир қалби бор. Ва бу қалбда бугунги совет кишисининг ҳаётга мупосабати ва эзгуликка пинтилиши яхши ифодаланган.

Бундай мисолларни бошқа ёш шонрлар пжодидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Умумай, уларнинг ҳаммасида ҳам ўзбек шеъриятининг янги довоиларга кўтарилаётган лигини—ўзи сирли бир дунё бўлган ҳозирги инсоннинг қалби тобора чуқурроқ очилаётганини яққол кўриш мумкин. Бу эса поэзиямизнинг эртанги кунига катта ишонч билан қарашга асос бўлади.

Үтгай йишли шоирларимиз поэма жаирида ҳам самарали изланишлар билан банд бўлдилар. Фақат «Шарқ юлдузи» журналининг ўзида сакқизта поэма эълон қилинди. Улар жаңр хусусиятларига кўра ҳам, ғоявий тематик йўналишлари билан ҳам, ёзилши услуби жиҳатидан ҳам хилма-хил. Бу китобхонни қувонтирмаи қўймайдп. Бу поэмалар орасида улкай сўз санъаткори Ойбекининг биринчи марта эълон қилишган «Бобир» поэмаси ажралиб туради. У тугалланмаган, лекин шундай бўлса-да, унда Бобирниг эндижиятларга тўла фоже характеристи бениҳоя нозик дид ва теранлик билан очилганини кўриб, шеърларининг жараангдорлиги, тасвиридағи бўёқларниг қуюқлигини ҳис қилиб, устоз шоирнинг етук маҳоратидан бир дунё эстетик завқ оламиз.

Шоир Жамол Қамолининг «Варахша» достони ҳам тарихий темада ёзилган. Анчагина поэмалар яратиб, бу соҳада катта тажриба орттирган Жамол Қамол бу гал Бухоронинг қадимий тарихидан олиниган лавҳаларини ёритувчи, она юртниг ўтмишига хайриҳоҳлик руҳи билан сугорпилган эҳтиросли поэтик асар яратади.

Охунжон Ҳакимовниг «Шарқ ўғлонлари» ва Шукруллонинг «Дил гавҳари» достонлари уруш темасин билан боғлиқ. Охунжон Ҳакимов Сталинград бўеагаларида фашистларга қарши жанг қилиб, ҳалок бўлган ўзбекистонлик ўн бир жангчининг қаҳрамонлигини тасвирилади. Шукрулло эса уруши темасини бошқача ҳал қилиган. Унинг қаҳрамони фронтда кўздан ажралиб келган. Шоирни қаҳрамони тақдиридаги кейинги ўзгаришлар, маънавий-ахлоқий проблемалар, чинакам инсоний олижапобликининг моҳияти кизиқтиради.

Енғин Мирзоиниг «Шаҳло» поэмаси ёшларининг ҳаётда ўз йўлини топиб олиш учун, ўз баҳтини яратиш учун курашини тасвирилашга бағишланган. Поэма қаҳрамони Шаҳлонининг муҳаббат бобидаги аданиши, ундан ганиб қолмай, ҳаётда катта мақсадга иштилиши, баҳтини

врачлиқдан тошиши китобхонда муайян қизиқиши үйғотади.

Үтгак йили яратилган достонлар ичида бевосита буғунги күнга, мәҳнат кишиларининг мислесиз қаҳрамонлигини тасвирлашга багишланғанлари ҳам бор. Булар Жуманишёз Жабборовининг ишиңқ маҳорат билан ёзилган «Толимаржон достони» ва Барот Бойқобиловининг «Шарора» достонидир. Жуманишёз Жабборов ўз поэмасини традицион шеърни шактда ёзған бўлса, Барот Бойқобилов классик шеъриятдаги маснавий формасидан буғунги мазмунини ифодалашда самарали фойдаланган. Ҳар икки достонда ҳам давримиз руҳи, замондошларимизнинг маънавий юксаклиги яхши очилган. Ҳар икки шоир ҳам буғунги кун нафасини ифодалашда жўшқин эҳтирос билан қалам тебратган.

Үтган йилги достонлар ичида Ҳусниддин Шариповининг «Бирлашган ўзар» асари ҳам ўзига хос ўрин тутади. Ҳусниддин Шарипов кўп йиллардан бери достон жанрида муваффақият билан қалам тебратади. Унинг ҳар хил темада ёзилган достонларида бир муштарак хислат бор—шоир нима тўғрисида ёзмасин, ҳар гал бирор янгиллик кашф этишга ва шу йўл билан достон жанрининг имкониятларни гоят кениг эканини намойиш қилишга итилади. Шоир «Бирлашган ўзар» достонида ҳам бу принципдан чекинган эмас. Ҳусниддин Шарипов бу гал эртак-масал формасига мурожаат қилинти, тўғрироғи, баъзан қадимий ривоятлардан фойдаланиб, баъзан эса ўз фантазиясига эрк бериб, оригинал поэтик асар яратити. Бунинг устига шоир ўзининг услубидағи юморга, ҳазил-мутойибага ҳам достонда кениг ўрин берган, шатижада енгил ўқиладиган, қувноқ ва айни чоқда чуқур замонавий руҳ билан сугорилган, буғунги кун учун зарур бир ғояни бадиий либосда яхши ифодалаган асар майдонга келган.

Шоир ҳайвонлар салтанатини тасвирлайди. Бу салтанатда шер ҳоким, бўри —бакову, тулки—ясовул,

қарға—қақимчи, чумчуқ—чақимчи. Шер қарилигиданми, танбаллигидами салтанат ишларига қарамай қўйган. Бундай шароитда чумчуқнинг куни туғади—у ҳайвоинларни бир-бираига чақиб, гийбат бозорини қизитади. Фийбат бор жоідан эса аҳиллик қочади. Аҳвол шу даражага етадики, ҳамма ҳайвоинлар гина-кудурат ва ниғоққа берилади, муроса бузилади, ҳатто «келинчак кирган уйга күёвлар кирмай қўяди». Аҳволни тузатишга жўзи стмаган шер таҳтдан воз кечади, унинг ўриига Туяқуш подшо бўлади. Бироқ Туяқуш ҳам салтанат ишларига уқувсиз бўлади. У илонни вазир қилиб олади, илон эса амалидан фойдаланиб, ўргимчакни осмонга, тимсоҳни сувга, эчкиэмарни ерга нозир қилиб тайинлайди. Бу уқувсиз нозирлар ҳокимликни қўлга олгач, ўз билганинчалика иш тутиб, аҳволни чида бўлмайдиган даражага етказишади:

Ўргимчак тек ётмасдан,  
Тўр тўқишига бошлади  
Ва уч-тўрт кун ўтмасдан  
Қўкин тўсиб ташлади.

Тимсоҳ эса сувдаги балиқларга қирон келтиради. Эчкиэмар сидаги махлуқларни қийратади. Илон эса подшога «мамлакат тинч, ҳамма шод» деб ахборот бериб туради. Бундай азобларга чидолмаган махлуқлар шикоятларни тингламайдиган, адолатдан бехабар, салтанат аҳволи билан иши йўқ Туяқушни ҳам, унинг вазиру нозирларини ҳам улоқтириб ташлашади.

Шоир шу эртак-масалдан чуқур хуласа чиқаради:

Иисон йигса ақлинни  
Жиловлар ўз жаҳлини.  
Донолик ва асллик —  
Аҳилликдир, аҳиллик.

Хуллас, Ҳусниддин Шарипов турли ҳалқларнинг биродарона яшashi кераклигини, аҳиллик ва иттифоқлик инсоннинг ҳаётининг негизи бўлиши зарурлигини шарқона ривоят шаклига солиб, ҳаётий юморга йўғириб ифодалаган.

«Бирлашган ўзар» достони поэма жанрида фойдаланилмаган имкониятлар ҳали кўп эканини, мунтазам изланиш оқибатида китобхонга завқ бера оладиган турли туман асарлар яратиш мумкинлигини исбот қиласди.

Биз мазкур обзорда ўзбек шеъриятининг бир йиллик ҳаётига умумий назар ташлашга урицдиқ. Афсус билан таъкидлаш керакки, бу обзорда шеъриятимиздаги ҳамма янгиликларни тўла қамраб олиш имконияти бўлмади. Лекин шундай бўлса-да, юқоридаги мулоҳазалар баъзи хуносалар чиқаришга имкон беради. Буларниң бирн шуки, ўзбек шоирлари бугун катта илҳом билан ижод қўлмоқдалар. Бунинг оқибатида шеъриятимиз тобора ранг-баранг бўлиб бормоқда. Ўтган йилги ўзбек шеърияти воқеликни бадиий ифодалашда поэзияниң имкониятларини чексиз эканини яна бир карра исбот қиласди. Энг муҳими эса—шеъриятимизда ифодаланаётган замондошимизниң маънавий дунёси ғоят бой ва кўп қиралидир.

## ЧУҚҚИЛАРГА ЧОРЛАР ШЕЪРИЯТ

Очиғини айтганда, кейинги иккни-уч йил ичидаги ҳар хил сабаблар билан ёшлар ижодини кўнгилдагидек мунтазам кузатиб боролмаган эдим. Ўтган йилниң охирида Эркин Воҳидов уйга телефон қилиб, ёзувчилар союзидаги ёшлар шеърияти ҳақида сухбат ўтказиб беришимни илтинос қилди. Шу баҳона бўлди-ю, «Шарқ юлдузи», «Гулистан» журналларининг бир-икки йиллик сонларини варақлаб, ёшларниң шеърларини синчиклаб ўқиб чиқдим. «Авторининг биринчи китоби» тарзидаги эълон қилинган баъзи тўпламлар билан танишдим. Бу орада «Ёшлик» альманахи<sup>1</sup> ва «Ёшлик баёзи»<sup>2</sup> чиқиб қолди—

<sup>1</sup> Ёшлик. Шеърлар, ҳикоялар, алабий ўйлар. «Ёши гвардия» паштоти, Тошкент, 1976.

<sup>2</sup> Ёшлик баёзи. Шеърлар. Faafur Fулом помидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976.

улар ҳам бугунги ёшлар поэзияси ҳақидаги тасаввуримни тўлдиришда жуда қўл келди. Лекин суҳбатга тайёр-гарлик охирлаган сари алланечук таассуф ва ўқинч кўнглимининг бир четини хижил қилаверди. Ўйлаб қарасам, мени ёшлар поэзиясини бир неча муддат эътиборимдан қочириб, ўзимни ўзим катта неъматдан, ажиб бир маънавий бойлиқдан маҳрум қилган эканман. Сўнгги ойлар мобайнида мени ўзим учун «ҳозирги ёшлар поэзияси» деб аталган янги бир дунёни кашф этдим.

Аввалимбор, мени ҳам ҳайрол қолдирган, ҳам беҳад қувонтирган нарса шу бўлдикни, бугун шеърият эшигини дадил қоқаётган ва ҳатто унинг остонасидан ҳатлаб ўтиб, етук шонрлар даврасидан ўзига муносиб ўрини излаётган ёшларининг сафи гоят зич. «Ёшлик баёзи»да қирқ саккиз ёш шоекрининг шеърлари босилган. «Шарқ юлдузи» журналиниң биргина ноябрь сонида ўтизга яқин ёш шоир ижодидан намуналар берилган. Буларниң ёнига «Гулистан», «Саодат», «Меҳнат ва турмуш» журнallарида, «Ўзбекистон маданияти», «Тошкент оқшоми» газеталарида шеърлари эълон қилинаётган ёшларни қўшинг—кишини энтиктирадиган маизара ҳосил бўллади. Аладиётимиз тарихида ҳали ҳеч қачон ёшлар шеърият даргоҳига бу қадар зич саф билан, бу қадар ҳамжиҳат кириб келмаган эдилар. Бу фактда Коммунистик партнямиз Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Комиартини Марказий Комитетининг ёш ижодкорлар ҳақидаги тарихий қарорларининг самараси яққол кўриниб турибди. Бу қарорлар жимирлаб оқиб ётган булоқниң кўзини очиб юборди.

Ҳозирги навқирон шеърият билан яқинидан танишган одам «ёш шоир» деган тушунча замирида жиддий ўзгариш содир бўлаётганига ишонч ҳосил қилади. Бир замонлар «ёш шоир» деганда, шеърият йўлларида эндиғигина тетаниоя қадам қўяётган, бирор қўлидан тутмаса, суя-

маса йиқилиб кетадиган одам кўз ўнгимиэга келарди. «Ёш шоир» кўпинча шеърий техникадан ҳам дурустроқ хабардор бўлмасди, шеърни ҳам мashaқат билан ёзарди. Унга шеъриятнинг алифосини ҳижжаллаб тушунтириш керак бўларди. У «шоир бўлиш учун турма истеъдод керак» деган оддий ҳақиқатни юракдан ҳис этиб, англаб етгуича, йиллар ўтарди. Оқибатда, қирқини уриб, эликка яқинлашганда ҳам у «ёш шоир» деган тамғадан қутулмас эди. Адабиётга «ёш шоир» тарзида кириб «ёш шоир»лигича ундан чиқиб кетганлар ҳам кўп бўлган. Буларнинг барчаси қўшилиб, «ёш шоир» деган тушунчанинг қимматини анча тушириб юборган эди. Унда алланечук салбий ургу, эгасини камситадиган оҳанг ҳосил бўлган эди. «Ёш шоир» тушунчасининг замрида «ҳали гўр, пишиб етмаган, думбул» деганга яқинроқ маъни ётарди.

Бугунги, яъни етманиничи йилларнинг иккинчи ярмидаги ёшлар поэзияси, назаримда, бу тушунчани салбий маънодан халос этиб, унга асл маъносини қайтарганга ўхшайди. Бугун илк шеърларни китобхон ҳўжмита ҳавола этаётган ёшларнизишиг деярли ҳаммаси ўқимишли, билимдои, адабиёт илмини пухта эгаллаган ёшлар. Улар умумий панд-насиҳатларга муҳтож эмас. Энг муҳими, ёшларнинг деярли ҳаммаси муайян поэтик истеъдодга эга, уларнинг шеърлари эса қайноқ илҳом, эҳтирослар, изтиробли изланишларнинг самараси ўлароқ дардли қалб ҳароратига йўғрилган ҳолда туғилган шеърлардир. Ана шундай шеърларнинг муаллифлари қаторида, биринчи иавбатда, гурланлик Муҳаммад Солиҳ ва бойсунлик Усмон Азимов, самарқандлик Хуршид Даврон ва шерободлик Шафоат Раҳматуллаев, ўзлик Шавкат Раҳмон ва қўқонлик Ҳабибулла Саидганиев, навоийлик Сулаймон Раҳмон ва жамбуллик Шукур Қурбонов, термизлик Муҳаммаджон Раҳмонов ва тошкентлик Ҷадор Обидовларни санашии истардим. Булар қаторида хатирчилик Хосинят Бобомуродова, қўқонлик Мақсада Эгамбер-

диева, тошовузлик Қутлибека Раҳимбосева, тўрткўллик Гулчеҳра Раҳимова каби қизларнинг номларини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Албатта, рўйхат бу номларнинг ўзи билан битмайди. Бироқ ҳамма талантли ёшларни санайдиган бўлсак, бу жуда кўп ўринни эгаллар эди. Гап рўйхатда эмас.

Бугун адабиётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшлар шеъриятининг кўпгина фазилатлари бор. Мен улардан иккитасини таъкидламоқчиман. Бугунги ёшлар поэзиясининг ўз тематикаси, ўз ҳаётий материалы бор. Энг муҳими эса, бу поэзия адабиётимизга яиги лирик қаҳрамон образини олиб келмоқда. Бу яиги лирик қаҳрамон характерида биз 70-йиллардаги ўзбек ёшларининг маънавий дунёсини, орзу-истакларини, ўй ва фикрларини, ҳис-туйғуларини кўрамиз. Бу лирик қаҳрамонининг умумлашган белгилари ҳақида гапирсак, унинг меҳнат ва ижод иштиёқи билан ёнишини, улкап маънавий-ахлоқий муаммолар устида бош қотиришини, вижданий иокликини, ҳалолликини, ижтимоий фаолликни маъқул кўришини, қиңигрликдан, лоқайдликдан нафратлашишини аниқ кўрамиз.

Ёшлар поэзиясининг яна бир муҳим фазилати шундаки, уларнинг кўпчилиги биринчи қадамлариданоқ ҳаётни ўз кўзи билан кўришга, ҳаёт ҳодисаларини ўз овози билан куйлашга иштилмоқда. Албатта, шонрининг тақрорлашмас инициидаул қиёфаси, ўзинга хос ёзиши манераси, бошқаларни кидан ажралиб турадиган услуби бирданига вужудга келмайди, балки йиллар давомида шаклланади. Бироқ шундай бўлса-да, илк қадамларданоқ поэтик овозининг мустақиллигига иштилиши мақтovга сазовор ҳодиса. Чунки ижодда аввалги авлод айтган гапларни тақрорлаш ёхуд бир марта босиб ўтилган йўллардан юриш ҳеч қачон дурустроқ самара бермайди—агар ҳамма қулфни битта калит билан очиб бўлганида, дунёда, умуман, эшик ва қулф деган нарсага эҳтиёж қолмас эди. Санъатда, поэзияда ҳам оригиналликка ин-

тилиш, муттасил ўсиб, ўзгариб, янгиланиб турадиган ҳаётни ўзига муносиб янгича оҳангда куйлаш муҳим — фақат шу йўл билангина ижодда катта марраларни, юксак чўққиларни эгаллаш мумкин. Шу жиҳатдан ҳозирги ёш шоирларнинг инсон руҳий олами янги қатламларни бадиий ифодалаш соҳасидаги изланишлари гоят самарали бўлмоқда. Баъзи мисолларга мурожаат қиласайлик. Шеъриятда Ватан мавзун жуда кенг ишланган. Ватанинг улуғлиги, азиэлиги, Ватан севгиси, бу севгиининг муқалдаслиги, инсон ҳаётининг мазмунини ташкил қилишни ҳақида минглаб ажойиб шеърлар яратилгани.

Бинобарни, ҳозир бу мавзуда шеър ёзиш жуда қийин бир иш—осон ёзиш йўлини тутиб, она юрт гўзалликларини мадҳ этиш билан чекланилса, бундай шеър назмбозликларни пари ўтмай қолиши мумкин, чинакам поэзия намунасини эса оригинал образ, оригинал ҳис-туйғусиз яратиш маҳол. Назаримда, Муҳаммад Солиҳ шу қийин йўлини ташлаб олгану вазифани жуда яхши адо этган. У ватангадолик фожиасини ҳам, Ватан тупроғи, Ватан дудининг қадрини ҳам фавқуллодда бир куч билан очади. Муҳимн шундаки, у биронта ҳам дабдабали сўз, баландпарвоз ибора қўлламайди, аксинча, жуда ҳаётий бир деталини асос қилиб олади-ю, у орқали инсон тақдирини кўрсатади. Шеърни тўла келтираман:

Кафтида пул эмас,  
Бир сиқим тупроқ —  
Орттирган бойлиги  
Муҳожирликла...  
Шўрлик, бу тупроқнинг  
Зарраспгача  
Кеча санаб чиқди —  
Етмади..  
Етмайди бу тупроқ —  
Ўз ташасини  
Ўнга кўмиб,

Ехуд Гулчэхра Раҳимова шеърларида ёшлиқ ғурури, инсоний қадр-қўйммати учун ифтихор туйғуси—шиора қаламга олган ҳамма ҳаёт ҳодисаларини пидан нурлантириб турадигац туйғудир. Бу туйгуни шонра жуда баланд пардаларда куйладиди:

Туйгуларим танти — сервиқор,  
Орзуларим ўзимга манзур.  
Менга пешвоз чиқмоқда баҳор.  
Баҳор билан ҳамдардман ҳозир.

Бундай мисраларни кўплаб келтириш мумкин. Улар ёш шоирларининг кўпчилигининг эртангп кунига катта ишонч ва умид билан қарашга асос беради.

Юқорида айтилган ижобий мулоҳазалардан, бугунги ёшлар шеъриятида ҳеч қандай муаммо йўқ экан-да, деган холоса келиб чиқмайди, албатта. Бундай проблемалар анча-мунчагина. Умуман, бугунги ёшлар шеърияти поэзия ҳақида, унинг истиқболи тўғрисида, инсон ҳаётидаги роли масаласида жиддий мулоҳаза юритишга ундейди. Мен ёшлар шеъриятини ўрганиш жараёнинда туғилган баъзи мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман.

Биринчи масала—ҳақиқий поэзия ва наэмбозлик масаласидир. Бу масала ҳозир фақат ўзбек шеъриятида эмас, бутун совет поэзиясида жиддий муҳокама қилинадиган масалалардан биридир. Маълумки, ҳозир шеър жуда кўп яратилмоқда, кўп эълон қилламиоқда, кўп ўқилмоқда. Ҳўш, ана шу сон-саноқсан шеърларининг ҳаммаси ҳам чинакам поэзияни намунаси деб аташга арзийдими? Менимча бу саволга ижобий жавоб бериш қийин.

Яна бир гуруҳ шеърларда наэмбозлик анъанавий формада кўринади, яъни шеърларда автор оддий ва жўн гапларни қофиялашдан нари ўтмайди. Бундай шеър-

ларда оҳанг жойида, таевир военталари яхини, тил равон, лекин энг муҳим нарса—китобхон қалбини тўл-қинчлантирадиган ҳаётий гап, такрорланмас ҳис-туйру йўқ. Мана, Турсун Алиниң «Бағрингга қайтяпман, қишлоғим» шеъридан олингани бандлар:

Бағрингга қайтяпман, қишлоғим,  
бу куи,  
Соғиниб мусаффо ёшлиқ  
йилларин.  
Мактабдан қайтардик кўтариб  
шовқин,  
Чаигитиб туироқни дала  
йўлларин.  
Бағрингга қайтяпман, қишлоғим,  
бу куи,  
Анорзор бояларниң кезарман  
тўйиб,  
Ўзинг кичинкиша, аммо мен учун  
Туюларсан мисли бир дунё бўлиб.

Бу парчада ҳамма нарса жойида, силлиқ, равон, лекин чуқурроқ поэтик мазмун йўқ—туғишган қишлоғини соғиниши, унинг бағрини қўмсанаш мотиви бошқа кўпгина шоирлар томонидан аллақачон баландроқ авжларда кўйланган. Агар шоир буни яна бир марта қаламга олишга аҳд қилгани экан, янги ва чуқур мазмунли поэтик образ топини керак эди.

Худди шунга ўхшаш ҳолин Талъат Солиевнинг «Чаён ниш урганда» шеърида ҳам кўриш мумкин. Унда шоир «Чаён ниш урса, илон чиқса, чораси топилади, лекин одам одамга заҳрини сочса, бунинг давоси йўқ», дегани ганини қоғиияга солган.

Хуллас, бугунги ёшлилар шеъриятида наэмбозлик жиддий қусурлардан бири сифатида мавжуд. У ҳар қанча янги қиёфага киришга урни масин, моҳияти эскича қолган—наэмбозлик йўлида ёзилгани шеърлар, чинакам ҳаётийликдан ва оригинал поэтик фикрдан маҳрум, китобий шеърлардир.

Ёшлар поэзияси билан танишганда кишини ўйланттирадиган масалалардан яна бири поэзиянинг ижтимоий моҳияти, шеърда гражданлик пафоси, лирик қаҳрамоннинг ижтимоий фаоллиги масаласидир.

Бугунги ёшлар поэзиясида ифодаланган олам, менинг назаримда, бир оз кемтикроқ кўринди. Ҳар ҳолда уларнинг шеърларидан бугунги жаҳон аҳволини ёхуд мамлакатимизнинг бугунги ҳаётини тўлалигича тасаввур қилиши анча қийип. Бу ўринда менга эътиroz билдириб: «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот бериш поэзиянинг вазифасига кирмайди», дейишлари мумкин. Бу—тўгри. Бироқ ҳеч ким ана шундай талаб қўяётгани ҳам йўқ. Бу ўринда гап бошқа масалада—ижтимоий ҳаёт поэзиянинг мазмунини ташкил қилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, шоир қалби жаҳоннинг ҳамма ҳодисаларига, ҳамма йирик тарихий воқеаларга акс-садо бериши лозим. Поэзия тарихига назар ташланг—ижтимоий руҳдан узоқ бўлган бирорта буюк шоир йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Буюк шоиримизFaфур Ғулом поэзиясини эсланг— уни совет халқининг социалистик қурилиш жараёнидағи қаҳрамонона фаолиятининг поэтик йилномаси десак адашмаймиз.

Ёшлар ўзбек поэзиясининг тарихий тадрижидаги шаклланган бундай ажойиб аиъаналарни яшада бойитиши ва ривожлантришлари керак. Бу ўринда мен ҳамма ёш шоирларни ёнпасига календарь шеърлар ёзишга чақираётганим йўқ, балки уларни ҳамиша халқ ҳаёти билан яшаб халққа ҳамқадам, ҳамнафас бўлишига унданоқчиман. Фақат халқ билан бирга қадам ташлагани истеълод эгасигни ўсиб, улгайши мумкин.

Шеърнотимизнинг ёшлар давом эттириши лозим бўлган ажойиб аиъаналаридан яна бири ижодда гражданлик пафосининг ҳамишиа юксак бўлнишидир. Бу ўринда гапни гражданлик пафосини аниқлашдан борашлаш керакка ўхшайди. Негаки, сўнгги пайтларда баъзи мақо-

лаларда гражданик руҳини бир томонлама талқин қилиш ҳоллари содир бўлди. Бу талқинга кўра, гражданлик пафоси фақат муайян мавзуларда ёзилган шеърлардагина бўлиши мумкин, пейзаж лирикаси ёхуд интим лирика эса гражданлик пафосини ифодалашга қодир эмас. Албатта, бундай талқинга қўшилиб бўлмайди. Поэзиямиз тарихидан шундай фактларни келтириш мумкинки, унда энг интим шеърларда ҳам гражданлик пафоси бениҳоя кучли ифодаланганини кўрамиз. Масалан, К. Симоновнинг машҳур «Мени кутгил» шеъри, аслини олганда жашгчининг мамлакат ичкарисидаги севгнли ёрига мактуби, холос. Лекин шу мактубда ўша йилларда миллионлаб одамлар қалбидаги туйғу фавқулодда куч билан ифодаланган эди. Бундай мисолларниFaфур Гулом, Миртемир, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ижодида ҳам кўплаб келтириш мумкин. Демак, шеърдаги гражданлик пафоси тематика билан эмас, шоирнинг ғоявий позицияси билан, у ифодалайдиган фикрининг терапиаги ва умумлаштирувчи кучи билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қарасак, кўпгина ёш шоирлар ижодида гражданик пафоси бугуни ҳаётга мос тарзда ифодаланаётганини кўрамиз. Масалан, Усмон Азимовнинг «Хат» шеърини олайлик. Бу шеър лоқайдликка қарши йўналтирилган, унда шоир ўз эрқини ҳаёт оқимига тошириб, майда-чуйдалар билан ўралашиб қолган, қизиқиш доираси икир-чикирлардан ташқари чиқмайдиган одамларни қоралайди. Шеърда ҳар хил чақириқлар, шиорлар йўқ, яъни шоирнинг ғоявий позицияси, қарашлари, гражданлик руҳи яланғоч ифодаланмайди, балки шеърдаги поэтик образга сингдириб юборилади:

Пўқ, ҳали оламга бепарволик  
эмас,  
Гуллар керак,  
Гуллар керак,  
Жуда кўп гуллар

Ва гулларин темирдаи, ҳаёлдаи,  
қўшпқдан  
Яратадиган безовта юраклар  
керак...

Мана шу фикрда, дунёни гуллар билан безаш иштиёқи билан тепувчи безовта юракларни улугланида шоирнинг ижтиёмий фаоллиги ҳам, гражданилик руҳи ҳам яхши ифодаланган. Ҳудди шундай мисолини Шавкат Раҳмонов ижодида ҳам кўп учратиш мумкин. Бу шоириниң менга жуда маъқул томони шунда бўлдики, у кўп шеърларида шиншадек тиниқ, беғубор ва пок туйғуларни чишикам лиризм билан ифодалай олади. Айни чоқда унинг шеърларида ҳам лоқайлиқ, пассивлик қораланади. У ўзига хос шаклда қаҳрамонни доим ҳаракатда бўлишга уйдайди:

Биз ҳамои кетяпмиз,  
Ҳамои кетяпмиз.  
Кўз тикиб олисга, толиқиб, тўниб,  
Биз қанча манзилдаи бефарқ  
    ўтяпмиз  
Буюк йўл измига бўйсуниш!  
Кетяпмиз сен билан,  
Безонта юрак!  
Бу йўлнинг сира ҳам йўқдир  
ҳудуди.  
Биз тўхтай олмаемиз,  
Зотай тўхтамак —  
Биз учун ҳақиқий баҳтесизлик эди.

Кўриниб турибдики, бугунги ёшлиар поэзиясида ижтиёмий мотивлар ҳам, гражданилик пафоси ҳам ўзига хос шаклларда ифодаланмоқда. Бироқ шундай шеърлар билан бир қаторда кўнгина шоирларнинг ижодида алланечук ижтиёмий бетарафликини ҳам пайқамаслик мумкин эмас. Кўнгина шоирлар умумбашарий мавзуларни қаламга оладилар-у, бироқ уларни кўнишча конкрет ижтиёмий замондан ажратиб олган ҳолда талқни қиласидилар. Бу қусур, айниқса, муҳаббат ҳақидаги шеърларда аниқ кўринади.

Юқорида, бугунги ёшлар шеъриятини янги бир олам деб атадим. Шубҳасиз, унинг барча бойлигини, барча рангларини, барча хислат ва фазилатларини, шунингдек, ҳамма қусурларини бир кичик мақолада тилга олиш қиёйин. Мен шу янги дунё билан илк бор учрашувдаги биринчи таассуротларим туфайли туғилган айрим муроҳазаларнига ўртага ташладим. Ўйлайманки, бугунги ёшлар поэзияси жиҳдий тадқиқотларга арзинйдиган поэзия. Унинг кўпгина проблемалари борки, бу проблемалар синиқлаб ўрганишни ва далилли муроҳазалар айтишини тақозо қиласди.

Бугунги ёшлар шеърияти катта йўлниг бошланишида турибди. Шеърият ёшларни чўққиларга чорламоқда. Бу чўққини эгаллаш учун меҳнат қилиш, доимо изланиш, шитилиш керак. Иштилганга эса толе ёр.

1977

## ШЕЪРИЯТ ПАРВОЗИ ЮҚСАҚРОҚ БЎЛСИН

Бугунги шеъриятимиз ҳақида гап кетганда, баъзан афсус-надоматлар тўла таъналарни эшишиб қоласан киши. Эмишки, бугун ўзбек шеърияти бир вақтлар эришган юксак мэрраларини бой бериб қўйяпти. Бошқа жанрлар ундан ўтиб кетяпти. Эмишки, бугун ҳамманинг қалбига етиб борадиган, ҳамманинг оғзида достон бўлаётган шеърлар яратилмаяпти. Бундай таъсаларни айтилган ўртоқлар: «Қани бугунги «Турксиб йўлларида», «Сен етим эмасссан», «Ўрик гуллаганда», «Наъматақ», «Раиса»лар», деб савол беришади. Уларнинг назарида бугун илҳомсиз, совуқ ва лоқайд қалб билан ёзишган шеърлар кўпайиб кетган. Эълон қилинаётган шеърларнинг кўпгинаси ёзмай қўя қолса ҳам бўлаверадиган шеърлар.

115

Хўш, бу таъналарга қандай жавоб бериш керак? Уларда ҳақиқат борми? Бундай таъналар самимий эканини, шеъриятимиз парвозини янада юксакроқ кўриш истагида туғилганини тан олган ҳолда айтиш керакки, уларга тўла қўшилиш қийин. Тўғри, бугун ҳам матбуотда хом-хатала шеърлар, нала-партиш ёзилган асарлар, кишининг гашинга тегадиган ишловсиз, жилосиз назмлар кўп учрайди. Бугун ҳам ҳақиқий поэзия ўрнида назмбозлик билан шуғулланувчи, оддий ва сийқа ҳақиқатларпи қофиялашдан нарига ўтмайдиган шоирлар бор. Лекин уларга қараб, бугунги шеъриятимизнинг ривожидан путур кетган, деб хулоса чиқара оламизми? Йўқ, албатта. Адабиётимиз тарихига назар ташласак, бирон давр йўқки, ўртамиёна шеърлар оқими тўхтаган бўлсиз, заниф, хом, таъсирсиз асарлар яратилмаган бўлсиз. Лекин ҳеч қачон поэзиянинг қадр-қиммати, юксалиш даражаси бундай шеърлар билан ўлчанганд әмас. Ҳозир ҳам шундай. Йил давомида пайдо бўлган бир неча тўплам, бир неча туркум шеър ёки ҳатто биргина достоп ёхуд биргина шеърнинг ўзи ҳам шеъриятни юксак чўққиларга олиб чиқишига қобил.

Шундай мулоҳазаларга таяшиб, мен шеъриятимизнинг бугунги аҳволига умидсизлик билан қарамайман, аксинча, бугунги мавжуд камчиликлар ва қусурлардан қатъи назар, шеъриятимиз комил ишонч билан юксалиб бораётганига, янги-янги поэтик кашфиётлар содир бўлаётганига, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олгудай асарлар яратилаётганига аминман.

Бу фикрининг исботи учун биргина 1976 йилда пайдо бўлган баъзи поэтик асарларни тилга олиш кифоя. Менинг назаримда Миртемришинг «Излаганим» тўплами, Зулфиянинг «Сени куйлайман, ҳаёт» турқуми, Асқад Мухторшинг «Мен дунёга келиб дунё ортиридим», «О, юлдузлар, тунги ошноларим» каби туркумлари адабий-маданий ҳаётимизда воқеа бўладиган асарлардир. Айниқса, Асқад Мухтор шеърлари шонр қалами янада

ўткирланиганидаи, унинг қалбида бугунги ҳаёт ва бугунги инсон ҳақида жуда чуқур умумлаштирувчи қудратга эга бўлган ҳислар ва фикрлар жўш ураётганидан далолат беради.

1976 йилда Эркин Воҳидовнинг «Муҳаббат» тўплами босмадан чиқди. Гарчи тўпламга шоирнинг аввал ёзган шеърлари киртилган бўлса-да, улар бир муқова остида жам бўлиниб, янгича тароват касб этган. Бу китоб ҳам том маънодаги поэзия намунаси сифатида адабиётимизда яшаб қолувчи асардир. Булар қаторига Омон Матжон, Ҳалима Ҳудойбердиева каби шоирларнинг шеърларини, Туроб Тўланинг ўзига хос шаклда ёзилган «Суюк Момо» достонини, Ҳамид Гуломнинг ўткир публицистик руҳ билан суғорилган «Амазонка қўшиғи» поэмасини киритиш керак. Абдулла Орипов ҳам бир қатор яхши шеърлар эълон қилди. Айниқса, унинг «Маломат тоши» шеъри гоят тералилги билан кишини мафтун этади. «Маломат тоши» поэзиямизнинг салмогини ортирадига, парвозини таъминлайдига шеърлар тоифасига мансуб.

Манзара тўлиқ бўлсин учун ўтган йилн ёш шоирлар ҳам баракали ижод этганини айтиш керак. Биргина «Шарқ юлдузи»нинг ўзида ўттизга яқин ёш шоирнинг ижодидан намуналар эълон қилиниди. «Гулистои» журнали ҳам, «Ўзбекистон маданиятини» газетаси ҳам ёш шоирлар ижодидан намуналар бериб борди. Албатта, ҳали бу ёшлар яратган шеърлар ичida поэзиямизда воқеа бўладиган асарлар деярли йўқ даражада. Лекин эълон қилинган шеърлардан аёлки, шеъриятимизга бир гурӯҳ чинакам истеъдод эгалари кириб келмоқда. Уларнинг бугунги қалам тебратишпга қараб, эрталиги кунига катта умид болаш мумкин.

Шу санашиниг ўзиданоқ кўриниб турибдик, бугунги шеъриятимизнинг аҳволи нола қиласидиган даражада эмас. Аксинча, шеъриятимиз муайян юксалиш йўлидан бормоқда ва бу йўлда жиддий ютуқларга эга. Аммо ин-

сонга ҳамиша мавжуд нарсалардан қониқмаслик туйғуси хос. У досимо янада яхшироқ, янада гўзалроқ нарсага интилади. Шунга кўра биз ҳам поэзиямизнинг парвози янада юксакроқ бўлишини истаймиз. Қани энди эълон қилишгаётган шеърларнинг ҳар бирни юкеак поэзия намунаси бўлса-ю, минглаб китобхонларнинг қалбидан абадий ўрини олеа. Шу нетак бизни ҳам поэзиямизнинг бугуиги аҳволи билан боғлиқ баъзи муаммоларни ўртага ташлашга, баъзи умумий қусурлар ҳақида мулодаза айтишга ундаиди. Бироқ мен фақат бир-инки масала устидагина тўхтайман. Бу масалалар кўпроқ ёшлар поэзиясига тааллуқли.

Биринчи масала—бугунги шеъриятда гражданлик нафоси масаласидир. Мен бугунги шеъриятимиз билан танишгаща, баъзи шонрларнинг ижодини мустасно қилганида, гражданлик руҳи анча сусайиб қолганини ҳис қилдим. Шеърларимизда давримизнинг муҳим ва йирик проблемалари кўнгилдагидек акс этяпти, деб бўлмайди. Масалан, уруш ва тинчлик мавзуи, интернационализм мавзуи, ватан ва меҳнат мавзуи, келажак мавзуи камдан-кам қаламга олинадиган бўлиб қолди. Назаримда, баъзи шонрлар бундай мавзуларга қўл уришдан чўчийдиган кўриниади. Негаки, бу мавзулар риторикага, декларативликка етаклайдигандек кўриниади.

Дарҳақиқат бу мавзулар гоят мураккаб катта масъулияти талаб қиладиган мавзулар. Бу мавзуларда шеър ёзганда маълум ҳақпқатларни қоғияга солиб назм-бозлиқ йўлига тойиб кетиш жуда осон.

Бироқ биз бугунги шеъриятда гражданлик руҳини кучайтириш зарурияти ҳақида ганирганимизда, шонрларни шу осон, лекин самарасиз йўлдан боршишга ундаётганимиз йўқ. Шеъриятининг гражданлиги масаласи фақат мавзу масаласи эмас, балки айни чогда шонр позициясенинг фаоллиги, бугунги ҳаётининг етакчи масалаларига дадил аралашиш масаласи ҳамдир. Шонр истаган мавзула ёзиб, унда юкеак гражданлик руҳини

сингдириб юбориши мумкин. Масалан, саҳрода темир йўл қурилишини олайлик. Оддий бир ҳаётий ҳақиқат. Шоир бу ҳақда ёзиб, темир йўлни саҳронинг ҳайдар кокили деб таърифлаб, қурувчилар шаънига бир жуфт мақтовни дўндириб ташлаш билан ҳам чегараланиши мумкин эди. Шунда ҳам шеър туғилаверар, лекин бундай шеър юлдуз кўрмай жои берадиган ўртамнёна асар бўларди. Аксинча шоир шу оддий воқеа муносабати билан даврининг улуг гапларини, улкан ҳақиқатини ҳайқириб айтади, бошқача айтсак, шеърга жуда чуқур гражданлик руҳини сингдиради ва натижада «Туркснб йўлларида» каби ўлмас асар майдоига келади. Ёхуд шоир фронт орқасида қолиган ёрига мактуб ёзади: бу гап жуда тор интим лирика рамкасидан чиқмаслиги мумкин эди, бироқ шоир шеърга гражданлик руҳини сингдиради ва «Менин кутгил» асари найдо бўлади. Ҳажми кичкина бир шеър уруш йилларида миллионлаб одамнинг қалбига жўш урган туйгуларнинг акс-садосидай жаранглайди.

Мен бугунги шеърияти мизда гражданлик руҳини кучайтириш зарурияти ҳақида гапирганимда, биринчи навбатда ала шуни кўзда тутяйман. Шеърда замони руҳининг чуқур ифодаланишини, ҳар бир шеър минглаб одамлар қалбидаги ўй ва туйгуларга ҳамоҳанг бўлишини, ҳар бир мавзу ватанимиз бўйлаб янграйдиган жарангга эга бўлишини айтаяманд. Ҳозир эса афсус билан қайд қилиш керакки, кўпгина шоирлар анча тор, анча майда масалалар атрофида ўралашиб қолишган. Кўп шеърларда меҳнат ҳақида гай кетганида «балли, пахтакор» деган гапдан нари ўтилмайди. Тўғри, бу гаплар кўпинича чиройли қилиб, шоирона либосга буркаб берилади. Лекин, либос қанча чиройли бўлмасин, мазмун гарид бўлса, буидай шеър юксак парвоз этолмайди.

Ҳозирги шеърларимиздаги қусурлардан яна бирин риторика ва декларативликдир. Тўғри, бугун эллигинчи йиллар шеъриятида кўни учрайдиган риторика ва декларативлик йўқ. Риторика ҳам замонга мослашиб, кўри-

нишини ўзгартириб олган. Бироқ, у, ҳар қанча рангини ўзгартирмасин, уни таниб олиш у қадар қийин эмас. Фикрий саёзлик, ҳисларнинг совуқлиги, оддий ҳақиқатларни такрорлаш уни дарров фош қилиб қўяди. Мана бир мисол: шоир Сайёр «Сўх сатрлари» деган туркумга киравчи «Йигитлар» шеърида ёзади:

Суҳбатига ташпа бўламаи,  
Пигитларни топиб оламаи.  
Бир умрлик ошиа бўламаи,  
Содик дўсти бўлиб қоламаи.  
Дўстлар доим олинг, олдирманг,  
Ер кўрмасин сира елканигиз.  
Менин ҳеч бехабар қолдирманг,  
Агарда сиз Тошкент келсангиз.

Дуогўйликдан нарига ўтмайдиган бундай мисралар шоирнинг айтадиган тайиини гапи бўлмаган шайтда туғилади. Табиийки, улардан заррача эстетик таъсир олиши амримаҳол. Риториканинг бошқача кўринишлари ҳам бор. Бунда биринчи қарашда шеър анча дуруст кўринади. Унда образлилик ҳам бордай гуялади, аммо шеърни ўқиб чиқиб, дурустроқ ўйлаб кўрилса, мағзи пуч экани, яъни дурустроқ салмоқли фикр йўқ эканлиги маълум бўлади. Мана, Р. Толниловнинг «Кузги ўйлар» шеъри. Шеър кузги тўкипчилик тасвиридан бошланади. Ҳаммаёқда мўл-кўлчилик, деҳқон ўз меҳнатидан мамниун. Шоир эса: «Менинг меҳнатим деҳқон меҳнатичалик бўлдими?» деган ўйга берилади, ҳали асл шеъри битилмаганини айтади. Сўиг хулоса берилади.

Нечун чапоқ мисол тошмас бу юрак,  
О, ҳаёт есан менин пишиш, тоблаб кўр.  
Токи бўлиб қолмай кузги дуварак,  
Токи қолиб кетмай довуҷчадек фўр.

Умуман, шеър ёмон эмасдек туюлади, бироқ аслини олганда унинг замиридаги фикр анча тор, дурустроқ ижтимоий оҳангга эга эмас. Бунинг оқибатида шеър ўртамиёна асарга айланиб қолади. Мен бу ўринда Рауф-

нинг ҳамма шеърларини қораламоқчи әмасман. Рауф Толипов—истеъдодли шоир. Лекин у истеъдодини майда нарсаларга, ўртача фикрларни ифодалашга сарф қилиб қўймаяптими, деган савол туғилади. Негаки, унинг номи чиқиб қолганинга анча бўлди, аммо ҳали ўз истеъдодига муносиб бақувват шеърларни, ҳамманинг диққатини ўзига жалб қиласидиган пухта поэтик асарларни яратганича йўқ, бунинг сабабларидан бири бу ерда айтилган яшгича кўришишдаги риторика әмасми? Буига ўхшаш мисоллар шундан далолат берадики, риторика ва декларативлик ҳали бутунлай йўқолиб кетганича йўқ, бинобарин, уига қарши кураш давом этиши керак.

Бугунги поэзиянинг йирик проблемаларидан яна бири шеърда шоир шахсининг ифодаланиши билан боғлиқ. Мәълумки, лириканинг ўзига хос хусусияти унда воқеа ва ҳодисаларнинг шоир шахси орқали ифодаланишида кўринади. Бинобарин, шоир шахси қанчалик бой бўлса, маънавий олами кенг бўлса, у олами қанчалик ўзига хос кўз билан кўролса, унинг туйғулари, ўй ва фикрларни қанчалик ўзига хос бўлса, шунча яхши. Бу сифатлар шеърпинг ҳам ўзига хос бўлишини таъминлади.

Бир вақтлар Маяковский: «Бизга яхши ва ҳар хил шоирлар керак», дегани эди. Назаримда, сўнгги йиллар шеъриятига, айниқса, ёшлар шеъриятига диққат қиласак, яхши шоирларимиз кўп-у, лекин ҳар хил шоирларимиз кам эканига ишонч ҳосил қиласиз. Гап шундаки, шеърларда бир хиллик кўпайиб кетяити. Бу бир хиллилик тематикада ҳам, образлар системасида ҳам, жанрда ҳам, ҳатто шеърларнинг композицион тузилишида ҳам кўринади.

Мен бу ерда тақлидчиликни кўзда тутаётганим йўқ. Тақлидчилик ёмон эканини исбот қилиб ўтириш шарт эмас. Мен шеър яратишда бир хил қолип пайдо бўлиб қолаётганини айтипман. Масалан, шеър ҳақидаги шеърларнинг кўпчилиги шундай қолип асосида яратилган.

Бундай қолипга асосан, бирор предмет (жилға, қуёш, гул, дарё, бўрои, тоғ ва ҳоказо) олишади, унинг тасвири берилади, кейин: «Эй, шеърият, сен ҳам шундай бўл», деб хулоса чиқарилади. Албатта, бу тарздаги шеърларниң баъзилари яхшироқ, баъзилари нўноқроқ. Лекин ҳаммаси бирлашса кишини унча хурсанд қизмайдиган маизара ҳосил бўлади. Бунақа қолни ёхуд схемаларни яна келтириш мумкин. Улар шундан далолат берадики, истеъдодли шоирлар баъзан излапиш ўринига, машақ-қатли меҳнат билан ўз йўлини қидириб топиш ўрнинга осонгина тайёр йўлини қидиради.

Бу қусурни түғдирадиган асосий сабаб шоир шахсига бой эмаслигидир. Шахсият бойлиги эса гойибдан келмайди. Буни ҳар ким ўзида тарбиялаши лозим. Бунинг энг тўғри йўли тинмай ўқиб ўрганиш ва ҳаёт қозо-нида обдон қайнашдир. Бугунги поэзияниң ривожи билан боғлиқ бўлган масалалардан яна бирни тақиқ ва поэзия масаласидир.

Биз кейинни йилларда тақиқидчилигимиз жуда ривожланиб кетгани ҳақида фаҳр билан гапирамиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин баъзи конкрет масалаларни олганимизда ҳали тақиқидчилигимизниң адабиёт олдидаги қарзи жуда катта экани аён бўлади. Бу, айниқса, поэзия ва тақиқид масаласида яққол кўринади.

Адабий тақиқидниң асосий вазифаларидан бири адабиётимиз ютуқларини тарғиб қилишдир. Ҳўш, тақиқидчилик поэзияга нисбатан зиммасидаги шу вазифани ўтаяптими? Деярли йўқ! Афсуски, ҳанузга қадар Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода каби шоирларниң шеъриятга қўшган ҳиссаларни аниқ ва мукаммал очиб берилганича йўқ.

Ёхуд, ҳар йили поэтик воқеа бўладиган асарлар түфилади. Улар ҳақида ҳам тақиқидчилик юксак савияда гапирамайди. Ерлақаса, бир-инки тақриз билан чегаралади. Мисоллар келтирайлини: Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ёки Ҳалима Худойбердиевалар (рўй-

хатни яна давом эттириш мумкин) анчадан бери ижод қилишади, лекин ҳали уларнинг поэзиядаги ўрнини очиб берган, улгайиш йўлларини таҳлил қўйлган, тажрибалирни умумлаштирган мақолалар яратилганичча йўқ. Албатта, тақризлар ёки қичик мақолалар бу вазифани тўла адо эта олмайди. Кейинги йилларда поэзия ҳақида дурустгина проблематик мақолалар ҳам эълон қилингани йўқ. Бўларниг барчаси шеъриятимиз ривожига халақлар беради, албатта. Шу маънода «Шарқ юлдузи» ташаббуси билан ўтказилаётган даврани табриклаш керак. Ўйлайманки, бу даврада айтиладиган фикрлар, ўртага қўйиладиган муаммолар шеъриятимизнинг парвози юксакроқ бўлишида ижобий роль ўйнайди.

1977

## ҲОЗИРГИ ШЕЪРИЯТ ВА НАШРИЕТ

Бугун ўзбек шеъриятининг авжий—баланд, парвози—юксак. Ўйгуц, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор каби устоз шоирлар қаторида, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби забардаст қалам соҳиблари билан изманиз, уларнинг традицияларини давом эттириб ва бойитиб, улар билан шеърий мусебақага киришиб, янги ёш авлоднинг ўйлаб истеъдолли вакиллари мувваффақият билан ижод этмоқда. Ёзувчилар союзидаги йиллик адабий йиғимларда ҳам, вақтли матбуотдаги мақола ва тақризларда ҳам йил сайни шеъриятимиз хазинаси янги-янги бақувват поэтик асарлар билан бойиб бораётгани қайд қилинади. Бугунги ўзбек шеъриятининг бойликларини тезроқ рўёбга чиқариб, китобхоналарга етказишда, шеъриятимиз парвозини янада юксакроқ қилинила, уидаги қусурлар йўлига гов қўйинб, гоявий-бадиий савиленин камолотга етказишда нашриётларнинг роли катта. Маъ-

123

лумки, поэтик тўпламларни Faфур Гулом номидаги санъат ва бадиий адабиёт нашриёти ҳамда «Ёш гвардия» нашриёти нашр этади. Қувонарлиси шуки, ҳозир нашриётларимизнинг поэтик асарларга муносабатида жиддий ижобий бурилиш бор. Бир вақтлар поэтик асарлар норентабель деб ҳисобланар, бинобарин, уларни нашр қилиш ишига ёқимсиз, нохуш мажбурият тарзида қараларди. Ҳозир аҳвол кескин ўзгарган. Масалан, Faфур Гулом номидаги нашриётда бир неча йиллардан бери маҳсус поэзия бўлими иш кўрнб келянти. Бу бўлим поэтик асарларни саралаб нашр қилишда, чиройли безаклар билан китобхонларни хушнуд этишда анча ишлар қилди. Бу ўринда бўлим томонидан уюштирилган қатор серияли нашрларни эслаш мумкин. Масалан, «Ўзбек совет поэзияси кутубхонаси», «Достонлар», «Лирика» каби сериялар ҳар томонлама таҳснига сазовор.

Нашриёт КПСС Марказий Комитети ва Ўз КП Марказий Комитетининг ёш ижодкорлар ҳақидаги қарорларини бажаришга конкрет ҳисса қўшиб, «Авторнинг илк китоби» сериясини ташкил қилди. Бу серия ташкил қилинганидан бери ўтган қисқа муддат ичиди Нарзулла Сўфиев, Самандар Воҳидов, Тилак Жўра, Исмоил Тўлак, Муҳаммад Солиҳ, Азим Суюн, Абдухалил Қорабоев, Ўсмон Азимов каби ёшларпинг китобларини эълон қилди. Чиройли безалган, ихчам форматга эга бўлган бу китоблар поэзия иххосмандлари ўртасида дарҳол катта эътибор қозонди. Улар 5—10 минг нусхада босилганига қарамай, китоб дўйопларида туриб қолгани йўқ. Бундай мисоллар Faфур Гулом номидаги нашриётда поэтик тўпламларни босиб чиқариш, поэзия ютуқларини кеңг пропаганда қилиш ишига плапли тарзда жиддий қаралаётганидан далолат беради.

«Ёш гвардия» нашриёти ҳам поэтик асарларни нашр этишда қатор муваффақиятларга эришган. Бу нашриётда ҳам бугупгли поэзиямизнинг атоқли вакилларининг китоблари мунтазам чиқиб туради. Нашриёт, айниқса,

уларнинг ёшларга аталган асарларини тарғиб қилишда дуруст ташаббус кўрсатмоқда. Айни чоқда, «Ёш гвардия» нашриёти ҳам ёш шоирларнинг ижодига ғамхўрлик билан қарамоқда. Ўзбек шеърияти ютуқларини тарғиб қилишда нашриёт эришган ютуқлар ҳақида гап кетганди, биринчи навбатда, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг асарларини жамлаган тўпламни тилга олиш керак. Бу тўплам бугунги навқирон шеъриятимизнинг асосий хусусиятларн ҳақида анча мукаммал тасаввур беради. Бундан ташқари, нашриёт «Болалар поэзияси кутубхонаси» серияснда Миразиз Аъзам билан Сафар Барноевнинг китобларини босмадан чиқарди. Шунингдек, «Авторининг биринчи китоби» се-риясида ҳам ўндан ортиқ ёш ижодкорнинг шеърларида памуналар эълон қилинди.

Бу фактларнинг барчаси сўнгги йилларда нашриётларимиз поэтик асарларини нашр қилиш ишига, шеъриятимиз ютуқларини кенг тарғиб қилиш ишига жиддий қараётганини кўрсатади.

Нашриёт фақат тарғиботчи эмас, адабий жараённи ўюштирувчи ва йўшалтирувчи муҳим куч ҳамдир. Бошқача айтганди, бугунги шеъриятининг сифатини таъминлашда, унинг замон талабига жавоб берадиган савињада бўлишига эришишда нашриётининг роли бенињоя катта. Нашриёт поэтик асарларни эълон қилишда ленинча партиявийлик принципларига амал қилиши, юксак гоявийлик ва мукаммал бадиийлик талабларидан келиб чиқиб иш юритиши керак. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошсак ҳам, нашриётларимиз фаолиятини умуман ижобий баҳолаш керак. Сўнгги иккчи-уч йил ичida эълон қилинган поэтик асарлар бугунги поэзиямизнинг умумий аҳволи ҳақида тугал тасаввур берибгина қўяқолмай, гоявий-бадиий савињасининг юксалиши билан ажралиб туради. Бу тўпламларни ўқиган китобхон энг яхши шеърлар мисолида бугунги ўзбек шеъриятида ленинча партпявийлик принципи мустаҳкам эканига, шо-

ирларимиз халқицлиқ ва ғоявийлик принципларига содиқ эканига амин бўлади. Тўғри, босиб чиқарилган китобларнинг ва ҳатто айрим китоблардаги шеърларнинг ҳаммаси ҳам баравар эмас—улар бадиий жиҳатдан ҳар хил савињда. Уларнинг айримларида чинакам поэзия намунаси деб атасига тил бормайдиган шеърлар ҳам бор. Лекин ҳеч қайси тўпламда ғоявий чаткаш ёхуд зарарли, ошкора халтура тарзида ёзилган тутуриқсиз шеър йўқ. Бинобарин, уларга қараб, поэзиямизнинг бугунги аҳволидан қониқиши ҳосил қилиш мумкин.

Э. Воҳидовнинг «Мұҳаббат», А. Ориповнинг «Юртим шамоли» тўпламларини бугунги шеъриятимизнинг катта ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Тўғри, бу тўпламларга киргани шеърлар батамом янги асарлар эмас. Лекин шуидай бўлса-да, бу шоирларнинг энг яхши асарлари бир китоб тарзида жам бўлиб, уларнинг индивидуал қиёфалари ҳақида, ўзбек шеъриятига қўшган ҳиссалари ҳақида тўлароқ тасаввур беради. «Мұҳаббат» ва «Юртим шамоли» китоблари поэзиямизда сўнгги 15—20 йил ичида содир бўлган жиҳдий кўтарилишининг моҳиятини аиглашга имкон беради. Бу китоблар бугунги янги поэзиямизнинг ёрқин намуналари, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов эса шу янги поэзиянинг карвон бошилариидир.

Сўнгти йиллардаги поэтик маҳсулот орасида алоҳида ажralиб турадиган яна икки тўпламини тилга олиш керак. Булар Ҳалима Худойбердиневанинг «Суяч тогларим» ва Омон Матжонининг «Ёнаётган дарахт» китобидир. «Суяч тогларим» Ҳалиманинг шу пайтгача эълон қилган китоблари ичида энг етуғи. Унда шоирининг поэзияни тушуниши янада мукаммалашганини, маҳорат сирларини янада тўлароқ эгаллаб бораётгашини кўриш мумкин. Ҳалима китобидаги шеърларда замондошимизнинг бой маънавий дунёси, етук ахлоқий қиёфаси ёрқин ҳаёттий деталларда, теран ўйлар ва жўшқин ҳислар орқали очиб берилган. Тўғри, тўпламдаги айрим шеърлар шеъ-

рий техника жиҳатидан бир оз оқсайди—шонира ҳаммавақт ҳам шеърни ритмик жиҳатдан силлиқ чиқаришга эътибор беравермайди. Омон Матжоннинг «Ёнаётган дарахт» китобига «Беруний» драматик поэмасидан ташқарип янги шеърларни кирган. Уларниңг бир қисми «Гулистон» журналида эълон қилиниб, ҳақли равишда журналишинг йиллик мукофотига сазовор ҳам бўлган эди. Бу китоб ҳам Омон Матжоннинг бугун актив ижод қилаётган, ўз ижоди билан поэзиямизнинг ижобий тенденцияларини белгилашга ҳисса қўшайтган етук шонрлар қаторига қўйишга имкон беради. Унинг шеърларида гуманистик нафос кучли—Омон ҳозирги нисонининг тақдизири ҳақида XX аср мураккабликларини назарда тутган ҳолда чуқур қайғуриш билан фикр юритади. Унинг шеърлари драматик ҳисларга, ёлқинли нидоларга бой. Айни чоқда, унинг шеърлари чуқур замонавий руҳ билан суғориаган. «Ёнаётган дарахт», «Сальвадор Альенден» йўқлаб», «Табиатининг «Қизил китоби»га» каби шеърлар фикримизнинг далили бўла олади. Бу асарларини бугунги поэзиямизда воқеа деб аташ мумкин.

1976—1977 йилда чиққан поэтик асарлар орасида А. Эшоновнинг «Нон исен» ва Миразиз Аъзамининг «Севаман» тўпламини ҳам алоҳида кўрсатиш лозим. Бу тўпламларнинг муштарак бир хусусияти бор—уларниң муаллифлари адабиётга эди кириб келаётган янги одамлар эмас. Анвар Эшонов ҳам, Миразиз Аъзам ҳам шу пайтга қадар беш олтидан китоб эълон қилган. Бироқ Анвар Эшоновнинг ҳамма китоблари ҳикоя ва очерклардан иборат бўлиб, у асосан, прозаник сифатида танилган эди. Миразиз Аъзам эса ҳамма китобларини болаларга атаган истеъодли болалар шонри сифатида танилган эди. Шу маъниода «Нон исен» ҳам, «Севаман» ҳам авторларининг лирика соҳасидаги илк китобларни деб қаралиши лозим. Шуниси қувонарлники, иккала китоб ҳам ўз овозига эга бўлган талантли шонрлар қаламига мансубдир.

Ливар сиёсий-публицистик лирика соҳасида муваффақиятли қалам тебратган. У кичик деталлардан катта умумлашмалар чиқаради. Мана, шоирнинг «Нон иси» шеъри. Шоир «Тарихнинг кун тартиби»да ўтмишда бош масала бўлиб келган ва ҳамон бош масала бўлиб қолаётган Нон масаласини олади. Шоирнинг фантазияси туфайли таркиби «ер, манглай тери, сара уруғ»дан иборат бўлмиш нон инсоннинг тириклиги рамзинга айланади. Шоир понининг—тирикликиниг мангулигини улуглайди:

Нон ҳақида битилган  
дард тўла ўтли байтлар  
Қуръон оятларидан  
илларироқ ёзилган.  
Қуёш фарзанди бўлиб  
замин тугилган пайтлар.  
Ер тандир окоплардан  
анча отдин қазилган.

Шоир наздида буюк революциянинг бир қирраси нону тузнинг тўкинлигида. Нон ҳақидаги ўйлар шоирни даврнинг энг мураккаб жумбоқларига олиб келади. У эҳтиросларига эрк берган ҳолда шу жумбоқларни, асри-миз дардларини ифодаловчи саволларни ўртага ташлайди:

Қанча одам боласин  
дунёмизда йўқ тинчи?  
Тоннагаб ёқсан ўқдан  
нече гектар Ер яйдоқ?  
Инсон учун зарарли  
зарра йўқми ёмғирда?  
Биринчи бўсадайин  
мусаффоми оппоқ қор?  
Порох иси қўймасми  
шабнам ўринига қирда?  
Қачон азиз инсонга  
кенг дунёмиз бўлмас тор?

«Нон иси» шеъри куррада янграган ўқдан қалби жароҳатланувчи, дунёни Йишқобод бўлишини истовчи, бутун оламни порох дуди эмас, фақатгина нон иси қопла-

шини истаган совет кишисининг ёлқинли ҳайқиригидай таассурот қолдиради.

Анварнинг «Мен хаёлаи кўраман хирмонларниг ортида», «Дунё тақдиридаи айрилмас одам», «Шарқлик ўи бир қаҳрамон тепалиги олдида...» «Дунёни қолдириди Ленини иносиб...» каби шеърлари ҳам ана шундай жўшқин ва эҳтиросли публицистик руҳ билан сугорилган. Буларнинг барчасида дунё ҳақида, замон ҳақида, тарих ва истиқбол қаршисида инсоннинг масъулияти тўғрисида изтиробли теран ўйларга фарқ қалбининг садоси яққол эшишилиб туради.

Миразиз Аъзамининг шеърлари ҳам кучли мунозаравий руҳ билан сугорилган. У кўнишиб қолиниган ҳақиқатларга қарши чиқади ва уларни янги совет кишиси позициясидан туриб, лоқайдликни инкор қилувчи замондошимиз позициясидан туриб инкор қилади. Унинг шеърлари том маънодаги инсоний фурурга тўла. У инсон қадрини юксак тутишни энг муқаддас ишлардан бири деб билади ва шеърларида шуғояни бор овозда баралла куйлайди. У шеърда «жимжима сўзларни, соз усулларни», бошқача айтганида, маъносиз гўзалликни ёқтирамайди, уига «гапининг нақди», пўскалласи керак. Мана, унинг «Эгилган бўйинлар» шеъри. Унда «эгилган бўйинни кесмайди қилич...» деган қадимий ақидага, Ясавийлар топинган ва тарғиб қилган ақидага қарши инсоний фурур улуғланади:

Эгилган бўйинни қилич кесмас, деб,  
Яшамоқ керакни бўйинни эгид.  
Дўстларим, дўстларим, қўшилмангиз ҳеч,  
Бўйинлар тик бўлсин кесса ҳам қилич.

Умумай, Миразизнинг «Севаман» тўйламини бугунги шеъриятимизда бир ҳодиса спифатида баҳолаш мумкин. Негаки, унда замондошларимизнинг дардли, изтиробли ўйлари, унинг инсоний гурури жуда ҳаётлий ва ўзига хос тарзда ифодаланган. Тўйлам инсон қалбининг мурак-

каб қирраларини очишда, XX аср одамишиниг зиддиятли туйғуларини кўрсатишда бугунги шеъриятимизни бойнади.

Кейинги йилларда ҳар икки нашриёт, юқорида айтганимиздек, бир қатор ёшлиариниг илк китобларини ҳам нашр этди. Бу китобларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Уларнииг биринчисига кирадиган тўпламлар ижобий фазилатлар билан бир қаторда муайян шуқсошларга ҳам эга. Масалан, Қамбар Үтасевнинг «Ватан тупроги» тўпламини олайлик. Умуман, Қамбар Үтасев аинчадан берни шеър ёзди. Унинг асарлари вақтли матбуот орқали китобхонларга таниш. «Ватан тупроги» тўпламига шоирнииг анча бақувват, ўзига хос услубда ёзилган шеърлари киргани. Лекин улар билан бир қаторда тўпламда жўн, ўртамиёна асарлар ҳам бор. Ҳулди шу фикрни Ш. Дадашиниг «Тенгқўрларим», Х. Қуранбоевнииг «Лола мавсуми», К. Қожиоровнииг «Мавжик», Ш. Туробовнииг «Тасаввур», Н. Сўфиевнииг «Сув йўли» каби тўпламлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бироқ иккенинг гуруҳга киритиш мумкин бўлгани бир қатор тўпламлар борки, улар китобхонда чинакамига ёрқин таас-сурот қолдиради. Уларни ўқигандай баҳра олади. Булар М. Со-лиҳининг «Бешинчи фасл», Тилак Жўрашиниг «Райҳон», Немоил Тўлакининг «Сени ўйлаб», Самандар Воҳидининг «Қафтимда гул», М. Раҳмоновнииг «Мувозапат», У. Ота-еванииг «Нашида», Эгам Ражабининг «Ошиқлар дунёси» каби китобларидир. Уларнииг ҳаммаси поэзиямизга ёр-қин талант эгалари кириб келаётганидан далолат бе-ради. Бу ёшларнииг шеърларида бир қатор янги хусуси-ятлар бор—улар шеъриятда баёндан кўра тасвирии ус-туи кўришади. Улар нима ҳақида ёзмасин, шуни аниқ рангларда, муайян шаклда китобхонга етказилига ури-нишади. Уларнииг шеърларида ҳатто энг мавҳум туйғу-лар ҳам муайянлик касб этали, аниқ шаклга киради. Бу ёшлар шеъриятининг яна бир фазилати шундаки, улар

риторика ва декларативликдан қочишади. Шунинг учун ҳам поэзиямизнинг традицион темаларини, доимий гояларини яигича тарзда ифодалаш йўлларини қидиришади. Натижада, инсон қалбини чуқур очиб берган замондошимиз маънавий оламининг серқирра, сержило бойлигини ифодалаган чиннакам поэзия майдонга келади. Ниҳоят, бу шоирларниң бадиий форма соҳасида ҳам тинмай изланаётганини, умидли тажрибалар қилаётганини айтиш керак. Жўмладан, М. Раҳмонов ва Муҳаммад Солиҳ образли фикрлашниң янги имкониятларини қидирмоқдалар. Тилак Жўра ва Исломл Тўлак сарбаст вазнида муваффақиятли қалам тебратмоқда. Н. Сўфиев ва Э. Ражаб халқ поэзиясида самарали фойдаланмоқдалар.

Ана шу фазилатлари билан бир қаторда, ҳар бир китобда ёрқин иштейдод шиноаси мавжуд эканига қарамай, бугунги ёшлар поэзиясиниң муайян камчиликлари ҳам бор. Булар шималарда кўринаади? Авваламбор шунда кўринаади, баъзи ёшлар атайни ўзини катта ҳаётниң тўлқинли, шиддатли оқимидан олиб қочаётгандай туюлади. Улар кўпроқ ўз ички қобигига ўралиб қолаётгандай, фақат ўз қалбиниң пинҳона гўшаларини ифодалашга маҳлиёдай кўринаади. Тўғри, бу қалб кўнича бой, ибратли ва жўшқин. Лекин ҳар ҳолда ёшлар поэзиясида шитимлик ҳисобига жанговарлик кучайса, гракж данлих нафоси яиада авж олса ёмон бўлмас эди. Бугунги ёшлар поэзиясида замонавий ҳаётимиз бутун раинглари, жилолари, тўлқинлари, мураккаблиги билан ифодатиниши истардик. Яна бир қусур шундаки, баъзи шоирлар фикр ва ҳисларни айлан тасвирлашга шитилиб, баъзан меъсрори ҳам бузишяпти. Натижада айрим шоирлариниң баъзи шеърларида ҳаддан зиёд мавҳум образлар найдо бўлмоқда—бу эса шеъриниң маъносини тушуниб олишини қийимлаштирум оқда. Мана, масалан, Муҳаммад Солиҳининг «Зиёфат»да деган шеъри:

Олим чўзди саломга қўлини,  
Ташимади, афсуски, уни.  
Шонрин ҳам шафқатенизларча  
Ташимади бу ерда барча.

Ҳамма боқар ҳаммага хафа —  
Ташимади ҳаммани ҳамма.  
Фақат кимдир чеккада хурсанд:  
— Ташимади уни хайрнат!

Муҳаммад Солиҳиниг поэтик талантига юксак баҳо берган ҳолда айтиш керакки, унинг юқоридаги шеърида айтилмоқчи бўлган фикр анча хира чиққап — ҳар ҳолда бу шеър китобхон учун бир жумбоқ — унинг маъносини чакниш учун анча бош қотириш кепак.

Юқорида айтилган мулоҳазалардан яна бир масала келиб чиқади — бу бугун нашр этилаётган поэтик китобларининг гоявий-бадиий савиёсими кўтаришда пашриётининг ва биринчи навбатда, редакторнинг роли масала-сидир. Табиийки, редактор шунчаки корректор ёхуд стилист эмас — у китобининг гоявий-бадиий юксаклиги учун жавобгар шахс. Иккичидаи, у техник назорат бўлимнинг контролёри ҳам эмас, балки авторнинг энг яқин дўсти, доимо маслаҳатгўйи бўлиши керак. Булар маълум гаплар, бироқ пашриёт практикасида баъзан бу оддий ҳақиқатлар ниобатга олинимайди шекилли. Бундай дейиш учун шима асос бор?

Аввалимбор, айрим поэтик тўпламларининг характеристишу фикрини айтишга унлайди. Улар ҳар ҳил йилларда ёзилган, ҳар ҳил темадаги, ҳар ҳил савиядаги шеърларининг шунчаки йигинидисидан иборат бўлиб колган. Ҳолбуки, ҳар қандай китоб, шу жумладан, поэтик тўплам ҳам муайян ичкӣ яхлитликка эга бўлиши, муайян гоявий йўпалинишга амал қилиши, ичкӣ композицион бутунликдан холи бўлмаслиги керак. Поэтик китоблар шунчаки тўплам эмас, китоб ва айни китоб тарзидан адабий ҳаётда из қолдириши керак. Орадан 40—50 йил ўтиб кетган бўлса ҳамки, биз бугун «Тирник қўшиқлар»,

«Динамо», «Олов сочлар», «Баҳор севинчлари» каби поэтик китобларни тилга оламиз. Поэтик тӯпламларнинг шундай китоблар даражасига етишини таъминлайдиган биринчи шахс—редактор бўлиши, унинг талабчанлиги бўлиши керак.

Иккинчидан, редактор ҳақиқий истеъдодли шоирнинг қиёфасини китобхонга тўлароқ етказишга алоҳида эътибор бериши керак. Бунинг учун китобдан автор учун энг характерли, энг бақувват асарларнинг ўрин олишига эришмоғи даркор. Ҳолбуки, ҳозир бაъзи китоблар ҳажман семириб кетган—уларда заиф шеърлар ҳам бор (масалан Қамбар Ўтаевнинг китоби), баъзиларида эса шоирнинг энг яхши шеърлари кирмай қолган (масалан, М. Раҳмоннинг «Мувозанат» китоби).

Шундай ҳоллар ҳам рўй бермоқдаки, таҳрирдан сўнг шеър шеърлигини йўқотиб, мавҳум жумбоққа айланиб қолмоқда. Бу фикрни биргина мисолда далиллашга ҳаракат қиласман. Яқинда Усмон Азимовнинг «Инсонни тушуниш» деган биринчий китоби чиқди. Тўпламдаги биринчи шеърнп ўқибоқ ҳайрон бўлдим. Бу шеър китобда:

«Шеър ёзаман — севги,  
Шеър ёзаман — нафрат»

деган мисралар билан бошланипти. Ҳайронлигимнинг сабаби шуки, шеър менга аввалдан таниш эди. У бошқача бошланарди:

Мени севинг,  
Мендан нафратланинг,  
Бошқасига рухсат бермайман.  
Мен сизни севаман  
Ва нафратланаман —  
Майда туйгуларни кўрмайман раво.

Таҳрир жарапнида шу парча тушириб қолдирилипти! Хўш, бу қисқартиш шеърни яхшилаганми? Йўқ, менимча. Албатта, Усмоннинг бу шеъри бировга ёқиши,

бировга ёқмаслиги мумкин. Гап бунда эмас. Гап шундаки, ўша туширилган парчада Усмон шахсиятининг, оламга муносабатининг ўзига хос томони ифодаланган эди. Шоир келишувчиликни тан олмайди, унга мужмал, доимо иккиланадиган, латтачайнар, одамдан кўра ўз мавқепни аниқ биладиган, кўнглидагини очиқ айтишдан чўчимайдиган душман афзал. Чунки унинг ўзи севгисини ҳам, нафратини ҳам яширмай, камайтмай, баралла айтади. Тўпламдаги «Подполковник Фатеев» шеъри ҳам ана шундай тушуниб бўлмайдиган қисқартишларга учраган. «Меҳнат ва турмуш» журналида (1975 йил 2-сон) эълон қилинганда, шеър шундай бошланарди:

Подполковник Фатеев,  
Сиз менга қурол ушлашни ўргатгансиз,  
Сиз менга отишни ўргатгансиз,  
Мен сизга ҳайрон қоламан.

Шундан сўнг унинг гулга меҳри, гулга боқиб яираши ҳақида гап кетарди. Бир одамда ана шу бир-бирини инкор қилувчи сифатлар мужассам экани шоирни лол қолдирган ва шоир шеърнинг сўнгига бу зиддиятнинг айбини XX асрга қўйиб, шеърни тұгатган. Шеърнинг асосий ғоясини ифодалаган сўнгги мисралар ҳам таҳрирда ўзгариб кетинти. Ҳозир китобда ёзилган:

Сиз —  
XX аср солдати,  
XX аср шоири  
Подполковник Фатеев!

Бир ўйлаб кўрайлик: хўш, «XX аср солдати» нима дегани ўзи? Бу иборада бирон маъно йўқ. Бундан ташқари, подполковник Фатеев нега энди XX асрнинг шоири бўларкан? Хўш, бу иборада қандай маъно бор? Ҳеч қандай. Шу тарзда сунъий қисқартишлар шеърни, умуман, тайинлироқ ҳаётий мазмундан маҳрум этган. Шеър шунчаки жўн мисралар йиғиндисига айланиб қолган. Ҳолбуки, шеърнинг журналдаги варианти шундай тугайди:

Сиз —  
ХХ аср солдатликка маҳкум этган,  
ХХ аср йўқотган шоир —  
Подполковник Фатеев!

Бундай яқун шеърга батамом бошқача тус беради— ёш шоир бу ўринда ХХ аср ғоят мураккаблаштириб юборган инсон тақдирни ҳақида, табиатан шоир, лекин вақт тақозоси билан қурол кўтариб юрган одам ҳақида гапиряпти. Шу мисолнинг ўзи аниқ кўрсатиб туриптики, эҳтиётсиз қисқартиришлар қош қўйман деб кўз чиқаришга олиб келиши мумкин. Шеърни бунақа тарзда «бинойи қушдек» қилиб чиқаргандан кўра, умуман, чиқармаган маъқул эди.

Мақоланинг сўнггида «шеърият ва нашриёт» масаласининг яна бир қиррасига тўхташни истардим. Маълумки, «шеърият» ва «гўзаллик» тушунчалари бир-бира га яқин. Бинобарин, шеъриятнинг гўзал намуналари ни ўз ичига олган китоблар ҳар томонлама гўзал бўлмоғи керак. Поэтик китоблар фақат мазмуни билангина эмас, ташқи кўриниши билан ҳам, безакларӣ, полиграфик мукаммалиги билан ҳам китобхонни хушнуд этмоғи керак.

Афсуски, айрим ҳолларда шеърий тўпламлар жуда кўримсиз, ғариб ҳолда нашр этилмоқда.

Масалан, «Ёшлик» альманахининг биринчи китоби техник жиҳатдан паст савияда нашр этилган. Бунинг устига китобга 40—50 ёшли анча-мунча авторларнинг асарлари ҳам киритилганки, бу альманахнинг мақсадларига мос эмас. (Бу қусур «Ёшлик баёзи»да ҳам мавжуд.) Баъзи шеърий китобларнинг формати ҳам, безаклари ҳам унча яхши танланмаган. Масалан, Жонибек Қувноқнинг «Юрак тўлқинлари» деган китобини олайлик. Унинг 17-саҳифасида зич қилиб икки шеър жойлаштирилган бўлса, 18, 19, 20, 21, 22-саҳифаларида юқоридан фақат бир шеър берилган. Бу саҳифаларнинг ярми очиқ қолган. Сўнг 23-бетда яна икки шеър берилган ва

24, 25, 26- бетларнинг ярми яна очиқ қолган. Ниҳоят 27- бетдан бошлаб тўртликлар берилган, бироқ улар шундай жойлаштирилганки, шаклан тўртлик эмас, яхлит бир достонга ўхшаб кетади. Шеърий китобни бу даражада бепарволик билан чиқариш, албатта, китобхонни ранжитади.

Худди шунингдек, А. Ориповнинг «Юртим шамоли» ҳам полиграфик жиҳатдан ёмон босилган. Унда орфографик хатолар кўп, баъзи сатрлар араласиб кетган. айрим нусхаларда эса китобнинг бир-икки босма листи икки қайтадан босилган. Бу ўринда босмахоналаримиз поэтик китобларни нашр этишда сифат масаласига ҳам мавақт ҳам етарли эътибор бермаётганини, нашриётларимиз ҳам баъзан китобнинг чиройли бўлиши учун унчалик жон куидирмаётганини, оқибатда дўконларга брак маҳсулотлар чиқарилаётганини таъкидлаш керак. Бу тўғрида матбуотда ҳам бир қатор танқидий мақолалар босилгани фикримизни тақдиқлайди.

Ўйлаймизки, поэтик асарларни нашр қилиш ишидаги бундай нуқсонларга чек қўйилади ва китобхонлар бугун дадил қадамлар билан ўсиб бораётган шеъриятимизнинг ички мазмунига, салмоғига мос келадиган чиройли поэтик китобларни олиб, мамнун бўладилар.

1978

## «ЛИРИКА» СЕРИЯСИ ҲАҚИДА

Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бир қатор серияли китоблар чиқармоқда. Булар орасида «Лирика» серияси ҳам борки, бу серияни жамоатчилик катта мамнуният билан кутиб олди. Негаки, бу серия 60 йил давомида бой ва мазмундор тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бугун гоявий-бадиий жиҳатдан анча

юксаклийка кўтарилигдан поэзиямиз ҳақидағи тасаввуримизни тўлдириши муқаррар. Ҳозир поэзиямизда актив ижод қилаётган, ўз асарлари билан шеъриятимиз хазинасини бойитаётган ўрта ёшдаги шоирлар кўп. Улар адабиётга 60-йилларда кириб келган. Ҳозирча уларнинг танланган асарлари ёхуд ижодини умумлаштирадиган, шоир ҳақида мукаммал тасаввур берадиган йирик китоблари босилганча йўқ. «Лирика» серияси шу бўғин вакиллари ҳақидағи тасаввуримизни системалаштиромоғи ва тўлдирмоғи лозим.

«Лирика» серияси 1970 йилдан чиқарилмоқда. Уша йили Азиз Абдураззоқ ва Ҳусниддин Шариповларнинг китоби эълон қилинди. Қейинчалик Ю. Шомансур, Г. Нуруллаева, О. Холдор, П. Мўмин каби шоирларнинг китоби босилди. Аммо шуни айтиш керакки, дастлабки пайтларда, аниқроғи, 1976 йилгача бу серия бир қадар тартибсиз ва номунтазам нашр қилинган эди. Назаримда, у пайтларда серияни нашр этиш принциплари ҳам, қайси авторларни нашр этиш масаласи ҳам, ҳар йили қанча китоб босилиши кераклиги ҳам унча аниқ эмас эди. Масалан, 1970 йилда иккита китоб босилган бўлса, 71, 72 ва 74-йилларда бу сериядан ҳеч нарса эълон қилинмади. Баъзан эса босилган китобларнинг сифати полиграфик жиҳатдан жуда паст даражада эди. Масалан, Ҳусниддин Шариповнинг китоби бу фикримизни исботлайди.

1976 йилдан бошлаб аҳвол ўзгарди—серия китобларини нашр этиш мунтазам характеристикасб этди. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, 1976 йилнинг ўзида Охунжон Ҳакимов, Н. Нарзуллаев, Г. Жўраева, Т. Йўлдошларнинг китоби босмадан чиқди. 1977 йилда эса З. Обидовнинг тўплами эълон қилинди. 1977 йилнинг қолган китоблари ҳали босмада. Гап серия китобларининг мунтазам чиқа бошлаганидагина эмас. Айни чоқда, китоблар янгича безакда чиқарила бошлаганини ҳам айтиш керак. Ҳозир ҳар қайси шоирнинг китобига унинг уму-

мий мазмунидан келиб чиқиб ном қўйилган (Н. Нарзуллаев—«Ниҳоллар», Г. Жўраева—«Менинг маржонларим», Т. Йўлдош—«Қўнгил деганлари», О. Ҳакимов—«Қўлларим кўксимда», З. Обидов—«Талпинур дил») ва рангдор муқованинг юзига шу номларга мос келувчи рамзий суратлар ишланган. Суратлар замонавий услубда чизилган бўлиб, китобхоннинг эътиборини тортадиган жозибага эга. Шунингдек, муқованинг орқа томонидан ҳам унумли фойдаланилган. Үнда авторнинг фотосурати билан бирга у ҳақда қисқача библиографик справка ёхуд муаллифнинг китобхонга мурожаати босилган. Буларнинг барчаси китобларнинг полиграфик жиҳатдан сифатини оширишга, китобга замонавий тус беришга, уни янада чиройлироқ қилишга ёрдам берган. Шунинг учун ҳам бу китоблар тиражи катта бўлишига (10000 нусха) қарамай, китоб дўконларида туриб қолмай, тез сотилиб кетмоқда.

Китобларнинг ташқи кўринишини жозибадор қилишда рассомлардан А. Понамарев, Г. Сайдуллаев, А. Карпунин, А. Циганок, П. Красноярцевларнинг, расмлар редактори И. Кириакиди, А. Бобров ва М. Рейхларнинг хизмати катта эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Лирика» сериясида 1976—77 йилда чиқарилган китоблар фақат ташқи кўриниши билангина эмас, мазмуни билан ҳам диққатга сазовор. Улар бир қатор гоявий бадиий фазилатларга эга. Юқорида айтилганидек, китоблари чиққан авторларнинг ҳар қайсиси камидан ўн беш—йигирма йиллик ижодий тажрибага эга, улар шу пайтгача ўнлаб шеърий тўпламлар эълон қилган шоирлар. Лекин ҳозирча уларнинг «Танланган асарлар»и пашр қилинган эмас (З. Обидов бундан мустасно—унинг 50 йиллиги муносабати билан яқинда бир томлиги босилган эди). Шундай шароитда ҳозир нашр қилинаётган «Лирика» китобидан бир нарса талаб қилинади—у шундай тартибланиши керакки, китобга кирган шеърлар автор ижодининг энг яхши намуналари бўлиш билан

бир қаторда, унинг ижодий йўли ҳақида ва поэтик усту-  
лубининг ўзига хос томонлари ҳақида китобхонга муай-  
ян тасаввур берсин. Агар биз «Лирика» сериясидаги  
китобларга шу нуқтаи назардан ёндашсак, уларни ижо-  
бий баҳолаш мумкинлигини кўрамиз. Бу китоблардан  
қалами ўткир, ўзининг тақрорланмас поэтик нигоҳига,  
шаклланган услубига эга шоирлар сиймоси гавдалана-  
ди. Майин лиризмга ва енгил юморга эга бўлган Охун-  
жон Ҳакимов шеърларида асов ўйлари яққол кўриниб  
турадиган Толиб Йўлдошдан, ўйчан ва теран Зоҳиджон  
Обидов ёшлик сурурини барадла куйловчи Нормурод  
Нарзуллаевдан ажralиб туради. Гулчехра Жўраеванинг  
шеърлари ҳам аёллар қалбига хос нағисликни ўзига  
сингдирган. Хуллас, китоблар ҳар қайси шоирнинг бу-  
гунги шеъриятимиздаги ўрни ҳақида, ижодининг хусу-  
сиятлари, фазилатлари ва айрим етишмовчиликлари  
ҳақида анча тугал ва тўлиқ тасаввур беради.

«Лирика» сериясидаги китобларнинг яна бир фази-  
лати шундаки, улар адабиётимизнинг кейинги авлод ва-  
киллари Ҳамза, Ойбек,Faфур Ғулом, Шайхзода, Мир-  
темир каби улкан шоирлар эришган юксак поэтик мар-  
раларни мустаҳкамлаётганидан, шеъриятдаги юксак  
ғоявийлик, партиявийлик, ҳалқчиллик принципларига  
изчил амал қилаётганларидан ва шу йўл билан шеърия-  
тимизнинг энг яхши традицияларини бойитаётганларидан  
далолат беради. Айни чоқда, бу китоблар бугунги  
ўзбек шеъриятининг ғоялар олами, тематик доираси,  
поэтик образлар системаси, ижодий услуби хилма-хил  
ва ранг-баранг экани ҳақида ҳам яхши тасаввур бе-  
ради.

«Лирика» сериясидаги китобларнинг тематикаси  
фоят хилма-хил. Ҳар қайси шоир ўзи севган, қўпроқ  
ёқтирган темаларга эга бўлиши билан бирга, уларнинг  
ҳаммаси учун муштарак темалар ҳам бор. Китоблари  
чиққан шоирларнинг ҳаммаси социалистик тузум ҳақи-  
да, коммунистик партия тўғрисида фурур билан куй-

лайди. Уларнинг ҳаммаси ҳам энг яхши мисраларини ватан шаънига, совет ҳалқининг қудратини мадҳи этишга баришлаган. Уларнинг ҳаммаси ҳам социалистик меҳнатнинг поэзиясини очишга, бугунги ҳаётнинг нашидасини тараннум этишга алоҳида эътибор беради. Айни чоқда, лириканинг негизини ташкил қилувчи муҳаббат, дўстлик, вафо ва садоқат масалалари ҳам шеърларнинг кўпчилигида асосий мотивни ташкил қиласиди. Шуниси муҳимки, бу темалар ҳар қайси шоирда унинг истеъодига мос тарзда, ўзига хос тарзда кўйланган. Масалан, Охунжон Ҳакимов «Ажаб фазилатнинг бор сенинг...» шеърида бугунги ўзбек ҳалқининг фазилатларига таҳсин ўқиш йўлидан борса, Нормурод Нарзуллаев чўққи-ларга олиб чиқувчи, каттакои йўлларга туташувчи Ленин йўлкасини тавсифлаш билан ленинизм ғояларининг қудратини кўрсатади. Толиб Йўлдош Тошкент ва Самарқанд ҳақидаги шеърларида социалистик ўлканинг бугунги жамолини тараннум этса, З. Обидов чет эл саёҳатидан олган таассуротларини кўрсатиш орқали совет Ватанининг гўзаллигини ифодалайди. Гулчеҳра Жўраса «Коммунизм қизпман» ёки «Тақдир» каби шеърларда бугунги ўзбек аёлининг баҳти тақдирини конкрет тасвирласа, Олимжон Холдор «Россия меҳри» шеърида ҳалқлар дўстлигини куйлади ёхуд «Мен—Андижонман» балладасида юксак публицистик руҳ билан ўз ўлкасини тараннум этади. Буларнинг барчаси тўпламларнинг яна бир хусусиятини вужудга келтирган. Улардаги шеърларнинг барчаси бирлашиб, бугунги совет одамининг бой ва кўп қиррали маънавий дунёси ҳақида муқаммал тасаввур беради. Тўпламларда замондошларимизнинг коллектив образи чизиб берилган дейиш мумкип. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси том маънодаги замонавий руҳ билан сугорилган деб хулоса чиқарасак бўлади.

«Лирика» сериясидаги китобларга кирган шеърларнинг жанр эътибори билан ҳам ранг-баранглиги эъти-

борга сазовор. Биз ҳаёт ҳақида чуқур умумлашмалар чиқаришга имкон берадиган фалсафий-ижтимоий лирика намуналарини ҳам, ўткир сиёсий рӯҳ билан сугорилган жўшқин публицистик лирика намуналарини ҳам кўрамиз. Шунингдек, китобларда муҳаббат лирикаси ҳам, табиат лирикаси ҳам мавжуд. Айрим шоирлар (О. Ҳакимов, Т. Йўлдош) сатира ва юмор бобида ҳам самарали ижод қилганлар. Китоблардан бугунги ўзбек лирикаси янги жанрлар билан бойиб бораётганини кўрсатувчи асарлар ҳам ўрин олган. Масалан, Толиб Йўлдош машҳур совет шоири Расул Ҳамзатов тажрибаларидан фойдаланиб, саккизликлар формасидá муваффақият билан қалам тебратган. Тўпламларда классик поэзия-мизнинг ғазал, мухаммас, рубой каби жанрларида ёзилган асарлар ҳам кўп. Тўғри, ғазал ва рубоийларнинг ҳаммаси ҳам бугунги талабга жавоб берадиган даражада эмас—уларнинг баъзиларида шоирлар традицион приёмлар ва образлар рамкасини ёриб чиқиб кета олмаган. Лекин шундай бўлса-да, шоирларимизнинг классик шеърият формаларнга мурожаат қилишини қўллаб-куватлаш керак. Бу ўринда Пўлат Мўминнинг тажрибасига алоҳида эътибор бериш лозим. У қитъа формасини бугунги кунга мослаштиришда, бу формада бугуннинг кўпгина ҳақиқатларини бадиий ифодалашда анча муваффақиятга эришган.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, «Лирика» сериясидаги китоблар, умуман олганда, бўгунги куннинг талабнга жавоб беради. Улар ҳеч шубҳасиз юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китоблар. Лекин бу айтилганлардан «Лирика» сериясидаги китоблар ҳар қандай камчиликлардан мутлақо холи экан-да», деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Уларнинг ҳаммасида ҳам бир умумий камчилик бор: бу камчилик шундаки, китобларда кўпгина яхши шеърлар қаторида ғоявий-бадиий жиҳатдан бўш, ўртамиёна, фақат шаклигина шеърга ўхшаган, аслида чинакам поэзиядан маҳрум шеърлар ҳам

учраб туради. Масалан, Охунжон Ҳакимовнинг китобини олайлик. Унда «Илонлар» деган шеър бор. Шоир илонларнинг ёмон махлук эканини, кишини заҳарлашини айтади-да, илонга ўхшаш одамлар ҳам бор, булардан огоҳ бўлиш керак, «чунки малҳам бўлмоқ учун қодир эмас табобат», деб ҳукм чиқарди. Шеърнинг бор-йўғи шу! Қўриниб туриптики, бу ҳаммага маълум бўлган жўн фикр. Шоирнинг шеърида у поэтик фикр, пафос даражасига кўтаришмаган, шунинг учун ҳам шеър оддий ҳақиқатнинг қофняланган вариантидан нари ўтмаган. Охунжон Ҳакимов китобида «Қадаҳ», «Гоҳ эслайма» каби шеърлар борки, улар ҳам чинакам поэзия намуналари эмас. Улар чуқур умумлаштирувчи фикрдан, қайноқ эҳтиросдан маҳрум. Бундай камчиликлар Нормурод Нарзуллаевнинг китобида ҳам бор. Масалан, шоир «О, одамлар, азиз одамлар...» шеърида бутун жаҳон ҳалқлари ирқидан қатън назар тенг ҳалқлар деган ғояни очмоқчи бўлган. Лекин бу ғояни жўн фикрлар, юзаки образлар ёрдамида ифодалайди. Шоирнинг тасвирида одамлар ҳар хил—оқ, сариқ, қора бўлсалар-да, ҳаммасининг қони бир хил.

Кулоқ солинг менга бир лаҳза,  
Жуда ўхшаш бизда бир нарса.  
У ҳам бўлса қонимиз бир хил.  
Қизил! Қизил! Қизил!

Ўйлайманки, бундай жўн далил шоир айтмоқчи бўлган теран ижтимоий фикрни ёрқин очиб беришга кифоя қилмайди. Ҳудди шунга ўхшаш аҳволни «Қарздорсан, юрак!» шеърида ҳам кўриш мумкин. Унда ҳам поэтик фикрлар йўқ, шоир жўнгина фикрни қофиялаб қўя қолган. Бу фикр—«сен дўстлардан куч олдинг, уларга мангу содиқ бўл, юрак!» деган фикр.

Нормуроднинг кўпгина шеърлари тил жиҳатидан ҳам оқсайди. Уларда кўпинча ғайритабиий иборалар, ноўрин ишлатилган жумлалар учрайди. Масалан: «Инсон нурни дейди—то бор бу дунё», «Илдиз билан бор

ҳаёт, зиё» каби тўмтоқ, ўзбекчага ўхшамаган иборалар, «Ялт-юлт этиб чақнар момақалдироқ» каби ноаниқ тасвир, «Кўпчиб, жўшиб кетди танда томирим», «Она шамдай сўниб, кўзини юмди» каби ғализ жумлалар тез-тез учраб туради.

Афсуски, бундай камчиликлар бошқа шоирларда ҳам бор. Жумладан, Олимжон Холдор шеърларида қуруқ риторика ва декларативлик мавжуд. Бу қусур Зоҳиджон Обидов ва Пўлат Мўминнинг айрим шеърларида ҳам учраб қолади. Хуллас, бундай мисоллар айрим шоирлар шеърларнинг ғоявий-бадиий савиясига етарли даражада талабчанлик билан қарамаганидан гувоҳлик беради.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, бу қусурлар тўпламларнинг умумий қимматига птур етказмайди, улар ўткинчи ва тасодифий характерга эга. Умуман айтганда эса,Faфур Ғулом номидағи Адабиёт ва санъат нашриёти, унинг поэзия бўлими «Лирика» сериясидаги китобларни юксак савияда нашр этишга интилиб, адабиётимиз учун ҳам, китобхонлар учун ҳам ғоят фойдали иш қилмоқда.

1977

## ШЕЪРИЯТ ВА ТАНҚИД

Партиямиз Марказий Комитетининг адабий-бадиий танқид ҳақидаги қарори эълон қилинганига икки йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Бу тарихий қарорнинг самарали таъсири натижасида адабий танқидда сезилларли ўзгаришлар юз берди: адабий танқид бадиий ижод соҳасида партия сиёсатини фаолроқ ва принципиалроқ ўтказмоқда, адабиёт ҳодисаларини ҳаёт билан чуқурроқ таққосламоқда, санъатимизнинг юксак ғоявий-эстетик дара-

143

жаси учун дадилроқ курашмоқда. Танқиднинг адабий жараёнга кўрсатаётган таъсири ҳам кучайди. Танқидчи адабий жараённинг шарҳловчиси ролидан воз кечиб, унинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда. Ёзувчи олдида ҳам, китобхон олдида ҳам танқиднинг эътибори, нуфузи тобора юксалмоқда. Ҳ. Зарифов, М. Афзалов, Ш. Шоабдураҳмонов, М. Алавия, Т. Мирзаев ва З. Ҳусаинова каби адабиётшунос олимларимизга Беруний мукофотининг берилиши, В. Зоҳидов, Г. Владимиров ва Л. Қаюмов ўртоқларнинг Ҳамза мукофотига сазовор бўлганлиги, И. Ғафуровнинг Узбекистон Ленин комсо-моли мукофоти билан тақдирланиши ана шу ўсишнинг аён нишоналаридир. Сўнгги йилларда адабиётшунос ва танқидчиларнинг катта колективи томонидан уч жилдлик «Узбек совет адабиёти тарихи» монографияси яратилди. Айрим камчилкларида қатъи назар, бу асарни ўзбек совет адабиётпинг анча мукаммал илмий портрети, деб аташ мумкин. Адабиётшунос Иzzат Султон кўп йиллик ижодий изланишларини якунлаб, фунда-ментал «Адабиёт назарияси»ни эълон қилди.

Танқидчиларнинг фазллатлари ҳақида гапирганда, унинг тобора жанговар рух касб этаётганини, бизга ёт ғоявий концепцияларга, айниқса, буржуа адабиёт-шуносларининг сохта концепцияларига қарши курашда фаоллашаётганини таъкидлаш керак бўлади. Бу соҳада, айниқса, профессор Л. Қаюмовнинг хизматлари эътиборга лойиқ. Унинг «Литературная газета»да бо-спилган бир қанча мақолалари ғоявий мухолифларимиз-нинг тухматларига қарши муносиб жавоб бўлди.

Ўзбек танқидчилари адабиётнинг муҳим муаммола-рини профессионал жиҳатдан юқори савияда қўйиш санъатини, адабиёт ва санъаткор тўғрисида далилли фикрлаш маҳоратини тобора кўпроқ эгаллаб бормоқда-лар. Бу жиҳатдан М. Қўшжоновнинг «Ижод сабоқлари» китоби, С. Мамажоновнинг Ҳамид Олимжон, А. Акба-ровнинг Ғафур Ғулом ҳақидаги монографиялари,

У. Норматов, Н. Худойбергановнинг бир қанча проблематик мақолалари дикқатга сазовордир. Ўзбек танқидчилигининг И. Гафуров, А. Расулов, П. Шермуҳамедов, Р. Иноғомов, М. Сафаров каби истеъдодли ёшлар ҳисобига бойигани ҳам қувончли ҳодисадир.

Танқидчиликнинг жонланиши, фаоллашуви оқибатида тез-тез қизиқарли мунозаралар бўлиб турибди. «Шарқ юлдузи» журналида шеърият борасида, «Ўзбекистон маданияти» газетасида социалистик реализм ҳақида бўлиб ўтган мунозаралар гарчанд ҳали якунланмай қолган бўлса-да, умуман, адабиётимизга фойда келтирди.

Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда ўзбек танқидчилиги эришган ютуқлар анча салмоқли. Улар тўғрисида ҳар қанча фахр билан гапирса арзиди. Бироқ бундан танқидчилик ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиб қолди, унда ҳар қандай камчиликларга барҳам берилди, ортиқ ҳал қилинадиган муаммолар қолмади, деган хулоса чиқмайди. Афсуски, бу борада ҳамон жиддий камчиликларимиз бор, мунозарали нуқталар кўп, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам етарли. Табиийки, кичик бир мақола доирасида уларнинг ҳаммаси тўғрисида фикр юритиш қийин. Шу сабабдан биз бу мақолада шеърият ва танқид масалалари ҳақидагина мулоҳаза юритмоқчимиз.

Маълумки, шеърият ҳам санъатнинг энг нозик тури. Бинобарин, воқеликни образли акс эттириш қонуни аввало шеъриятга бевосита даҳлдор. Бироқ санъатнинг бу умумий қонунияти унда ўзига хос тарзда, проза ёки драматургиядагидан фарқ қиласидаги алоҳида бир тарзда юзага чиқади. Бошқача айтганда, шеърият воситалари билан бадиий гавдалантириладиган дунё роман ёки қиссада, драма ёхуд комедияда гавдалантириладиган дунёдан фарқ қиласиди. Шеърият оламида сув—сув эмас, болалик эсдаликлари, ёмғид—ёмғир эмас, айрилиқ ёшлари, япроқ—япроқ эмас, китоб саҳифаси бўлиши

мумкин. Бу сеҳрли дунёда сукунат жаранглаши, тоғлар қаҳқаҳа уриши, дараҳтлар шивирлаши мумкин. Хуллас, шеърият биринчи навбатда инсоннинг ички дунёси, маънавий бойлиги, руҳий олами билан, унинг қалбидаги туйғулари ва фикрлари билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам шеъриятда шартлилик, мажозийлик, рамзийлик катта ўрин тутади. Адабий таңқид шеъриятга чинакам ёрдам бериши учун, уни парвозга чоғлайдиган муҳим омилга айланиши учун ҳамиша ана шу ўзига хосликни назарда тутиши, чуқур ҳис этиши лозим. Шундагина поэзиянинг тараққиёт тенденцияларини, характерли ютуқлари ва нуқсонларини тўғри белгилаш мумкин. Хўш, ўзбек таңқидчилиги бу вазифани уддаламоқдами? Умуман олганда, бу саволга «ҳа» деб жавоб бериш керак. Бизда ҳозир шеърият спецификасини, ички сирларини яхши тушунадиган, унинг бағрига яширган гўзалликни чуқур ҳис қиласидиган ва қадрлай оладиган таңқидчилар анча бор. Буни ўтган йили «Шарқ юлдизи» журнали саҳифаларида бўлган баҳс ҳам исбот этди. Мунозара давомида шеъриятнинг муҳим масалаларини тўғри қўйган, нозик кузатишларга, чуқур умумлашмаларга, сермазмун хулосаларга бой мақолалар ҳам эълон қилинди. Бироқ шу билан баробар айрим таңқидчилар ҳамон шеъриятни бир томонлама талқин этмоқдалар. Ҳамон унинг ўзига хослигини тан олмаслик ёхуд унга бошқа жанрлар талаблари билан ёндошиш ҳоллари ҳукм суриб келмоқда.

Қобилиятли ёш таңқидчи М. Маҳмудов «Шарқ юлдизи» журналидаги мунозараага иштирок этиб, бир мақола эълон қилди. Яхши ният билан ёзилган бу мақолада автор лириканинг ўзига хослигини таъкидламоқчи бўлган. Бироқ М. Маҳмудов бу ўзига хосликка бир томонлама қарайди. Унинг фикрича, ёш шоирларнинг «шеърларида аниқ фикр қалқиб турмаса ҳам, туйғулар гўзалиги қимматлидир». Таңқидчи ҳозирги лирикамизнинг жонланиш сабабини ҳам фикрсизликда кўради ва: «Ли-

рик поэзия жонланиб боряпти, бунинг сабаби шоирларимизнинг руҳан юксалаётганида, фикрнинг кучи етмайдиган, фикр ифодалай олмайдиган гўзаллик яратишга интилишаётганигига», дейди. Мақоланинг бир ерида шундай даъво бор: «Поэзияда ҳамиша мутлақ фикр бўлиши шарт эмас». Ёш танқидчи бу мавқеини В. Белинскийнинг лирикани музикага ўхшатгани ҳақидаги фикрини келтириш билан далилламоқчи бўлади. Ваҳоланки, Белинский асарлари синчиклаб ўқилса, поэзияда чуқур фикр бўлиши зарур, деган фикрларни кўплаб учратиш мумкин. Белинскийнинг қарашлари ҳам шундай бўлган. Масалан, Добролюбов ёзади: «Тафаккур қаршисида қимматга эга бўлиши учун поэтик асарда, албатта, фикр мужассам бўлиши керак». М. Маҳмудов ноўрин тарзда фикр билан ҳисни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Ахир, ҳар қандай туйғунинг замирада муайян фикр бўлади-ку! Лирикадаги поэтик образ фикр билан туйғунинг узвий бирикишидан туғилади. Лирика фақат ҳиссиёт дунёси билан алоқадор десак, биз шеъриятни бениҳоя қашшоқластириб қўйган бўлардик.

Поэзия спецификасини инобатга олмаслик, шеърга проза талаби билан ёндашиш танқидчи Н. Худойбергагновнинг мақолаларида ҳам тез-тез учраб туради. «Поэтик қашфиёт талаби билан» мақоласида Абдулла Ориповнинг «Нутқ» шеърини таҳлил қиласр экан, уни муваффақиятсиз чиққан деб ҳисоблайди, чунки унда, «Faafur Гуломнинг улуғлиги, унинг даҳоси нималарда кўриниши» айтилмаган, «шоирнинг жонли, ҳаққоний қиёфаси, ижодкор ва инсон сифатидаги хусусиятлари тадқиқ этилмаган», дейилади. Ахир, Faafur Гуломнинг «улуғлиги, даҳосини тадқиқ қилиш» учун бутун бошли роман ёзиш керак-ку! А. Орипов «Нутқ» шеърида буюк шоирдан жудо бўлиш туфайли қалбida туғилган туйғуларни ифодаламоқда. Менингча, бу туйғулар жуда чуқур

инсоний куч билан ифодаланган. Шунинг учун ҳам шеър бизни ларзага солади.

Шеърият ҳақидаги танқидда мавжуд нұқсанлардан бири—дидсизлик касалидир. Бу касалга мубтало бўлган одамлар шеъриятдаги гўзалликни ҳис қила олмайдилар, ундан лаззатланмайдилар, аксинча, шеър ҳақида шундай ёзадиларки, оқибатда ундан асар ҳам қолмайди. Эркин Воҳидовнинг «Узум» газали ҳаммамизга яхши таниш. Бу дилбар ғазалда шоир классик шеърият санъатларидан фойдаланиб, енгил юмор ва ҳаётий қувноқлик билан узум образини чизган, дилни нурлантирадиган ҳаётбахш кайфиятни ифодалаган. Танқидчи У. Тўйчиев «Арз, тил ва ритм» деган мақоласида ғазални шундай «таҳлил» қиласди: «Узум лирик қаҳрамон фантазияси кучи билан жонланади, термилади, лабга етиш учун гирён бўлади, излайди. Сюжет ривожида муҳим босқич, конфликтда эса кульминация юзага келади... Аммо композиция ҳали тугамайди. Шоир бу шеърни ёрга май тутгандек тутади. Шеърда ғазал ва девонинг дунёга келишидек мураккаб, машаққатли, тўлғовли жараён узумнинг етиширилиши ҳамда унинг майга айланишидаги қийинчиликларга нисбат берилгандир». Бундай «таҳлил»ни ўқиганда, шеърдаги гўзалликни йўқотиб қўйгандек кўнглиниг хира тортади.

Шеърият спецификасини билмаслик поэзия танқидида яна бир кенг тарқалган қусур билан бирлашиб кетади. Бу қусур бадиий таҳлил ўрнига баёнчиликка берилиш, поэтик асардан танқидчи қалбида туғилган туйгулар ва фикрларни ифодалаш ўрнига асар сюжетини ҳикоя қилиб беришдир. Бундай ҳолларда танқидчи асарнинг оддий шарҳловчисига айланиб қолади. Бунга А. Эшонқуловнинг «Ҳаётийлик—ҳаққонийлик» мақоласидан бир мисол келтирамиз. У Мирмуҳсиннинг «Невара» достонини бундай таҳлил қиласди: «Асарда гарчи уруш тўғрисида батафсил гапирилмаса-да, уруш келтирган жароҳат тилга олинади. Аҳмадбеклар, Мариялардан

қолған фарзандлар вояга етиб, уларнинг ўринин бос-  
гуича иecha йил керак бўлди? Асқарбеклар бутун саф-  
да, Ватан ҳимоясига. Ўтган авлодининг шинин келгуси  
авлод давом эттиради ва шу тариқа эркинлик байробги,  
озодлик байробги, социализм байробги қўлларда доимо  
баланд ҳилпирайди». Бу тўғри гаплар, лекин поэмадаги  
поэтик хусусиятларга алоқаси йўқ. Бу таҳлитда яна  
узундан-узоқ публицистик гаплар ёзиб кетавериш мум-  
кин. Абдулла Қаҳҳор: «Эзмаликлар ичида энг ёмоин—  
адабий эзмалик», дегучи эди. Бу гап таққидчиликка  
ҳам тўла даҳлдордир.

КПСС Марказий Комитетининг адабий-бағданий тан-  
қид ҳақида чиқарган қарорида танқидининг асосий ва-  
зифаларидаи бири ижтимоий таҳлилнинг эстетик талаб-  
чалик билан омухта бўлишига эришиш, талантларга  
нисбатан ҳурмат ва ғамхўрлик билан мупосабатда бў-  
лиш эканин айтилади. «Талант ноёб нарса, уни қадрлаш  
керак», деган бебаҳо сўзларни билмайдиган, уни сид-  
қидилдан қўлламайдиган танқидчи йўқ, дейиш мумкин.  
Бироқ амалда, шонринг асари ҳақида фикр юритганда  
кўпичча талантни қадрлаш кераклигини унутиб қўямиз.  
Бир замонлар бу нарса «тўқмоқли таққид» намуналари-  
да кўриниар эди. Йўқ, энди бу гапларниңг мавриди ўтиб  
кетган. Лекин талантга ҳурматсизлик қандайдир бошқа-  
чароқ шаклларда ҳозир ҳам гоҳо намоён бўлиб туради.  
Талантга ҳурмат деганимиз нима? У қандай қадрланади?  
Ахир, ёзувчига нисбатан «улуг», «буюк» деган си-  
фатларни қўллайвериши билан, асарни «зўр», «ажойиб»  
деб мақтайвериши билан, ёшларни «баракалла» деб  
елкасига қоқавериши билан талант ҳурмат қилинган.  
талант эгасига ёрдам берилган бўладими? Йўқ, албат-  
та. Бу ўринда Расул Ҳамзатовнинг бир гапи ёдимга  
тушди. У ёзади: «Талант арава эмаски, шотисидан икки  
қўллаб ушлаб, олдинга судрасанг. Талантга кўмаклашиш  
дегани—уига халақит бўрмаслик деганидир». Дарҳақи-  
қат, мен баъзи мақолаларни ўқиганимда, ундаги поэзии

даъволарни, таъналарни кўрганимда, мужмал масла-  
ҳатларни тинглаганимда, буларнинг барчаси талантга  
хўрматсизликдек, унга тўсиқдек бўлиб кўринади.

Еши тақиқидчи Б. Норбоев О. Матжониниг тўпламига  
тақризида ёзади: «Очиқ деразалар»даги бир қаинча  
шеърлар худди шундай таассурот түгдиради: ҳаётий  
манзаралар чизилгани-у, бироқ улар қалбда чуқур из  
қолдирмайди, иносон тақдиди, турмуши ҳақиқатининг  
поэтик мөҳиятини очиб бермайди». Бинобарини, улар  
шеър эмас. Бу—кatta айб. Албатта, бундай айблашга  
шонир лойиқ бўлса, буни айтиш керак. Бироқ тақиқидчи  
буни далиллаши, исбот қилиши ҳам керак. Ҳолбукни, Нор-  
боев далил-исбот устида қайгур иб ўтирамайди.

Б. Акрамов бир тақризида: «Совга» дегани шеърини  
ўқиб, унда шимадир етиши маётганини ҳам ҳис қилдим»  
дейди. Кейин ана ўша «шимадир»ни очиш ўринига, автор-  
га шундай маслаҳат беради: «Шонриниг ижодий юксак-  
ликни мақсад қилиши, шу замонда кўпроқ нарсани кў-  
ринига, дадил фикрлар айтишга шитилиши кишини ҳар  
қалай ҳаяжонлантиради. Шонрони ҳис-ҳаяжони эса  
субъектив хусусиятга эгадир. Бундан кўриналини, ёнилк  
эмоциялари қаинчалик самимни бўлмасин, ундан айрим  
янглини цуқталарни мустасно тутиш қийини».

Мен бу жумлаларни ўқиб, очиги Акрамовиниг шима  
демоқчи эканини аниқ тушунолмадим. У шонрга қараб: «Эҳтиросинигин жиловлаб ол, мисқоллаб чиқар», демоқ-  
чими? Ёхуд: «Эҳтиёт бўй, оғзинидан ортиқча гап чиқиб  
кетмасин», демоқчими? Ҳар ҳолда унинг фикрларида  
шундай оҳаиг бор. Ҳолбукни, тақиқидчи фикрини лўнда ва  
аниқ айтгани маъқул. Иккинчидан, шонрини камидан ўзи-  
га тенг кўриши, насиҳатгўйлик қилавермаслиги керак.

Талантга иисбатан эҳтиётиз муносабат намуналари-  
дан бирини И. Худойбергановиниг «Бадий кашфиёт  
талаби билан» мақолаенда ҳам учратамиз. Бир мақола-  
нииг ўзидан олинига қўйидаги иккни парчани таққослаб  
кўриниг;

«Турмушнимизнинг гулдай яшиаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо келажакин бугун ўйлашимиз, эртанинг пой-деворини бугун тиқлашимиз, маънавий баркамол ҳастга тезроқ әриниш йўлларини кашф қилимогимиз зарурки, шонир худди шу тўгрида бош қотиришимиз лозимлигини уқтиради».

«Шонир бугунги кунимиз қанчалик ёргу, қанчалик гўзал бўлмасин, келажак ҳақида қайгуриш лозимлигини уқтиради, давримизнинг қандай бахт-саодат ҳадя этганини ғуур билин сўйлайди. Аммо иқтисодий камолот, онг, тафаккур тараққиёти ҳар бир шахс ҳаётининг асосини ташкил этиши керак, деб таъкидлайди».

Бу парчалар деярли муштарак, бир-бирини такрорловчи парчалар эканини сезгандирсиз. Эҳтимол, мақола тугаллангач, устидан синчилкаб кўриб чиқилмагани учун шундай бўлгандир, лекин қизиги шундаки, биринчи парчалаги фикрлар Асқад Мухторининг «Қандай тирикчилик қиласмиш, хотин» шеъри муносабати билан, иккиси чиқлаги фикрлар эса Муҳаммад Алишининг «Юртим» шеъри муносабати билан айтилган. Бир-бирига ўхшамаган иккى шопринг бир-биридан узоқ иккى шеъри ҳақида бир хил фикрини бир хил иборалар билан айтиш қандай бўлади? Бу шонрга, шеърга, истеъдодга ҳурмат-сизлик эмасми?

Бундай мисоллар шеърият тақицида ҳали анчамуича қусурлар мавжудланганин кўрсатади.

Давримиз ажойиб. У шитоб билан келажак сари одимлаб бормоқда. Ҷавримизнинг шиддаткорлиги адабиёт зиммасига, шу жумладан, тақицди зиммасига ҳам катта маъсълият юкламоқда. Тақицди адабиёт олди-даги, китобхон олдидағи юксак бурчини адо этиши учун ҳамиша ҳаракатининг олдинги сафида бўлиши керак. Бунинг учун эса у тақицчилик истеълодидан ташқари, замон ҳақида ўйлай оладиган мутафаккир, алабиёт сирларини пухта ўзлаштирган олим, ўз услубига, ўз овозига эга бўлган санъаткор бўлиши лозим. Тақицчи-

## ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ БОБО ДЕҲҚОНИ

Миртемириниг олтмиш йиллик тўйи баҳор фаслига---  
табиат уйғониб, ҳар томонда жонланиш, яшариш ҳукм  
сураётган кунларга тўғри келди. Бироқ бу кунлариниг  
файзи фақат чарақлагани қўёшию кўзин қамаштириб  
төвлаинган гулларида, дилга роҳат берувчи мусаффо ҳа-  
восини қалбларни эркаловчи сарин шабадасида эмас.  
Бу йилнинг баҳори коммунизм қурилишини янги босқич  
га кўтарувчи тўққизинчи беш йилликиниг ҳаётбахш гоя-  
ларидан, съезд президиумининг тўрида ўтирган буюк  
Ленин жилмайнишдан мунаvvар бўлган баҳор.

«Ленининг жилмайниши»—Миртемир китобларидаи  
бирини шундай деб атаган. Китоб буюк доҳийиниг 100-  
йиллик тўйига тўёна эди. Бироқ уни варақласангиз, шонир  
ижодининг илк даврига мансуб шеърларини ҳам,  
сўнгги йилларда ёзилган поэтик асарларини ҳам учратади.  
Миртемир ҳамиша янги ҳаётимизни, янги кунимиз-  
ни, янги рўзгоримизни, янги баҳтимизни кўйлар экан, ё  
улариниг барчасини нурлантириб турган қудратли куч—  
Ленин даҳоси, Ленин табассуми деб билди. Шунинг  
учун ҳам доимо шеърларининг авжиди Ленини, Ленин  
яратган коммунистлар партиясини улуглади.

Деҳқон кўз пурини, белдаги қувватини аямай, қи-  
шин-ёзни тер тўкиб, меҳнат қилиб, жонсиз ерга жон ато  
қилиади, ундан тог-тог ҳосил кўтаради. Шонир ҳам шун-  
и

дай. У қалбидаги оловни, жўшқини илҳомнни, оташни муҳаббатини ҳалқига бағишилаб, сўз уруғларини сепиб, улардан шеърият жавоҳирларини ундиради. Бу жавоҳирлар ҳам деҳқон нонидек азиз, чунки улар туфайли маънавий бойлигимизга бойлик қўшилади.

Мен Миртемирни ўзбек шеъриятининг бобо деҳқонини деб атагим келади. Унинг ғулериятимиз ривожига ёшган ҳиссасини, поэзиямиз боғида кўкартирган ишқолларини, етиштирган катта ҳосилини назарда тутиб, уни шундай деб атадим. Миртемир қирқ беш йилдан бери шеърият боғида деҳқондек машаққат чекиб, деҳқондек ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Унинг биринчи шеъри 1926 йилда «Ёш ленинчи» газетасида босилган эди. «Шуълалар қўйнида» деб аталган биринчи китоби 928 йилда босмадан чиқкан эди. Шундан бери у тинмай ўқиди, ўрганди, изланди, меҳнат қилди. Шу туфайни шеърият тилсимотлари бирин-кетин унинг иродасига бўйин эгаверди ва у ижод йўлида довонилар ошиб, юқалаверди. Шундан бери Миртемирнинг кўплаб поэтик ўпладлари майдонга келди. Улар туфайли Миртемир алқимизнинг ардоқли, севимли шоири даражасига кўрилди. Бугунги ўзбек шеъриятини Миртемир ижодисиз саввур қилиб бўлмайди. Бугун унинг китобларини зиёлар ҳам, деҳқонлар ҳам, ишчилар ҳам эъзозлаб, қўлан қўймай ўқийди.

Халқ назарига тушиш, халқ муҳаббатига сазовор бўлиш учун кўп йиллар меҳнат қилиш, кўплаб китоблар лиқаришгина кифоя қилмайди. Шоир юксак истеъдод гаси бўлиши мумкин. Бироқ у истеъдодини майда-чуйя, ўткинчи, бачкана нарсаларга сарф этса, унинг ижоди одамлар қалбига чуқур из қолдиролмайди. Шоир алқ қалбининг таржимони. У халқ учун, халқ ҳаётини, алқининг шодлиги, қувончи, ўйлари ва дардларини куйагандагина элу юртда ардоқли бўлади.

Миртемир бошқа ўзбек шоирлари билан бир сафда уриб, халқимизнинг социализм учун курашини, Вата-

пимиз озодлиги учун мардошавор жапгани, коммунизм қурилишидаги фидокорлигини куйлади. Миртемир ҳам ҳамма ёзувчиларимиз каби ҳамиша партияийлик ва ғоявийлик байробини баланд тутди, гражданлик туйғусига содиқ бўлди. Бироқ у бошқа шонрлардан фарқ қилилароқ, халқ ҳаётини, халқ курашини, меҳнатини, халқнинг маънавий дунёсини ўзига хос кўз билан кўрди, ўзига хос рангларда, ўзига хос туйғуларда ифодалади. Шу сабабдан у шеъриятда «Миртемирининг поэтик олами» деб атаса арзийдиган бир олам яратди. Бу оламнинг чегаралари бағоят кенг—у уфқлардан-уфқларгача чўзилади. Бу олам қурилиш суронига тўла. Айни чоғда у мавҳум олам эмас. Унда ўткир шоирона нигоҳ билан кўрилган ўзбек ҳаётининг ҳамма ўзига хос жилолари, мислсиз ранглари бор. Шоир шеърларида тандирдан янги узилган ииёзли иопшиниг ҳовури, тошлардан-тошларга урилиб оқувчи сойларининг шовуллаши, қалдирғочлар қанотининг латифлиги, созлоқларнинг салқин нафаси, чўлларда пода-пода кезган тувалоқлар ўйини, явшанларининг ўткир ҳиди, майсаларга қўнгани шудринглар мусаффолиги, қўйингчи, ўзбек ҳаётининг, ўзбек табиатининг ҳамма ранглари мавжуд. Мана шундай рангларга бой поэзия китобхонининг маънавий оламини бойитади, унинг қалбидаги ҳаёт ишқини янада оловлантиради.

Китобхон Миртемирдан, даставвал, ана шу такрорламирас поэтик олам учун миннатдор. Умуман, Миртемир шеъриятиининг ажойиб спифатларидан бири шундаки, шоир ҳаёт гўзаллигини ғоят чуқур ҳис қилган ва буни шеърларига яхши сингдирган.

Қўлимда таибурим куйлаган чоғда,  
Олам яшиаб кетсин ва гуллаб ўссин,—

деб куйлаган эди шоир илк шеърларидан бирида. У олами янада гўзал кўришни, дунёни гулларга буркашни истайди ва бу истагини шеърлари орқали рўёбга чи-

қармоқчи бўлади. Миртемир шеърларини ўқиганда, ҳар гал улардаги ҳаёт гўзаллигини туйиб, ҳузур қиласан киши. Бу шеърлар қалбимизда гўзаллик туйгусини чуқурлаштиради.

Миртемир учун гўзаллик туйғуси мавҳум туйғу эмас. У оламни гулларга буркамоқ истар экаи, буни биринчи навбатда инсон учун қилишини истади. Шоир наздида оламнинг барча қувончи, барча шодлиги инсонга аталган бўлиши керак, чунки «дунёнинг кўрки инсонда, инсон!» Миртемир ижодининг бошланишидаёқ ана шу гуманистик позицияда турган эди. У ялги ҳаёт ҳақида куйлаган шеърларидан бирида, китобхонни, тўғрироғи, лирик қаҳрамонни фаол бўлишга, шу ҳаётнинг ижодкори бўлишга ундаиди ва «Сен ҳам инсон, сен ҳам инсон, сен инсон!» деб ҳайқиради. Бу ҳайқириқ шоир ижодининг лейтмотивидир. У инсонни ҳамиша олга интилаётган, юксакка талпинаётган, юлдузларга қўйл чўзаётган ҳолда кўришини истайди:

Юлдузни ўшандоқ севолса киши...  
Ўшандоқ юлдузга талпин, ҳей ўғлон!  
Агар талпинмасанг, бу — ўша жаҳон --  
Араванинг эски тиркиши...

Миртемир кўпгина шеърларида ўзи улуглаган инсоннинг ички дунёсини, қалбининг энг нозик тебранишларини, бой ҳислари ва туйғуларини ифодалайди. Бу шеърлар замондошларимиз ҳақидаги поэтик асарлардир. Уларда замондошларимиз баъзи плакатлардаги каби рангпар, силлиқ, пардозлаинган қиёфада эмас, табиий, одамларга хос жопли сифатлари билан намоён бўлади. Уларнинг севгиси—севгига, қувончи—қувончга, ҳайғуси қайғуга ўхшайди, шунинг учун ҳам бу туйгулар ўқувчи қалбига кўчиб, унда қаҳрамонга нисбатан меҳрмуҳаббат уйғотади. Замондошининг қиёфасини, маънавий дунёсини чизишдаги ҳаётйлик, табиийлик Миртемир шеъриятининг яна бир фазилатидир. Бу табиий

лик шоирнинг замондошимизга бўлган чексиз муҳаббатидан, эҳтиромидан, ҳурматидан туғилган.

Миртемир шеърлари бадий жиҳатдан гоят гўзал. Унинг меҳнаткашлиги шеърларининг сайқалида жуда аниқ кўринади. У ҳар бир мисранинг пишиқ-пухта бўлишига, ҳар бир шеърда тақрорланмас поэтик образлар, янги деталлар топишга ҳаракат қиласди. Бу изланишида, у, даставвал, ҳалқ ижодининг бой ва гўзал анъаналарига таянади. Ҳалқ яратган шеърларнинг ажиб фазилати бор. Уларда соддалик ва тераплик, образлилик ва табиийлик шу даража чатишбекетгани, уларни эшитганда ёки ўқиганда, беихтиёр ларзага тушиб, улардаги ҳисга асир бўлиб қоламиз. Ана шулар бирлашиб, ҳалқ шеърларининг тақрорланмас руҳини, жонини ташкил қиласди. Миртемир ҳалқ ижодидан ўрганишда шундай маҳоратга эришганки, бунга лол қолмай илож йўқ: у ҳалқ қўшиқларига хос бўлган руҳини ўз шеърларига кўчира олган. Натижада, унинг шеърлари янгича жозиба касб этади:

Қарқаралик, қайдан келдниг қошимга,  
Қайдаги савдони солдинг бошимга?  
Қайдаги савдони солсанг бошимга,  
Қота кўрма қатрон менинг ошимга!

Йўқ, бу ҳалқ қўшиғи эмас, Миртемирнинг «Қарқаралик» шеъридан олинган банд. Ҳалқ ижодидан ўрганиш қанчалик самара берганини кўриш учун шеърни ўқиб чиқишини тавсия қиласдим.

Табиийлиги, жўшқинлиги, инсон қалбини гоят нозик ифодалагани учун Миртемирнинг кўнгина шеърлари аллақачои ҳалқимизнинг севимли қўшиқларига айланниб кетган. Ҳатто «Яли-яли»га ўхшаш шеърларни ҳалқ қўшиқларидан фарқлаш баъзан мушкул.

Китобхон Миртемирдан ана шундай бадий баркамол, юракни жизиллатадиган қўшиқлар учун ҳам миннатдор.

Шоир эса ҳамон тинмай китобхонни ўйлайди, уни ранжитмасликка ҳаракат қилади. У бутун қобилиятини, зеҳнини, ғазалхонлигини ҳалқига бағишилаган. Буни «Онагинам» шеърида жуда камтарлик билан самимий айтган эди:

Жиндак зеҳним, жиндак шеърим,  
жиндак газалхонлигим,  
Оналик меҳрига тўймаган меҳрим,  
Жиндак яхшилигим ва ёмонлигим —  
Мени одам санаган элимга баҳшида!

Уни «одам санаган элига» бағишиланган «жиндак шеъри», «жиндак ғазалхонлиги» шоирга камдек, арзимагандек кўринади. Шунинг учун у шеърлари билан бирга ҳалқига қардош ҳалқлар адабиётидан қилган йирик таржималарини ҳам туҳфа этади. Булар чиндан ҳам йирик: «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», «Манас», «Россияда ким яхши яшайди?», «Одиссея». Ҳа, Миртемир улкан шоиргина эмас, чинакам камтар ва заҳматкаш шоир.

Миртемир олтмишга кирди, тантанавор услубда айтсак, олтмиш баҳорни кўрди. Шундай дейишга дедим-у, бир оз ўйланиб қолдим. Бу иборани ўн саккизга киргандарга айтиш ўринлидай кўринади менга. Негаки, олтмишга киргай одам олтмиш баҳордан ташқари яна шунча ёзни, кузни, қишини ҳам кўрган бўлади. Йкки юз қирқ фаслнинг юки анча оғир бўлади. Шу юк туфайли соchlарга қиров инади, пешонада чуқур-чуқур ажинлар пайдо бўлади, елкалар буқчайди, аввалги яқин йўллар олис туюладиган бўлиб қолади, майни чойга томизиб ичиладиган бўлади. Бироқ шундай бўлса ҳам 60 ёш кексалик эмас, ёшлиқ! Ҳа, ёшлиқ! Балоғат даврининг ёшлиги. Бунинг устига шеъриятга ошно қалб, шеъриятга тўла қалб ҳеч қаҷон қариш нималигини билмайди. Чунки шеърият — ёшлиқ, жўшқинлик, муҳаббат тимсолидир:

Ҳали юзга йўл олисроқ,  
Андак ошдим элликдан...

Куйлай бергум куйлар юрти —  
Юртим мақтвларини! —

деган эди шоир ўн йил аввал. Шу ният доимо шоири-  
мизга йўлдош бўлсин. Унинг ҳамиша навқирон шеърия-  
тига янги парвозлар тилаймиз.

1971

## ШЕЪРИЯТ — ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

Абдулла Орипов ўзбек шеъриятига 60-йилларнинг бошида кириб келди. Унинг «Митти юлдуз» деб аталган биринчи тўплами 1965 йилда чиққап эди. Абдулла илк шеърлари биланоқ кўпчиликнинг эътиборини жалб қилди. Чунки унинг шеърларида китобхон қалбига жиз этиб тегадиган ёлқин бор эди. Ёш шоир биринчи китоби билан бақувват поэтик истеъдод эгаси эканини, китобхонга айтадигаи ўз гапи борлигини, ҳаётга ўзига хос янги-ча ингоҳ билан қарай олишини намойиш этди. «Митти юлдуз»даги шеърларда шоир қалбидаги ёлқиндан пур-ланган ўзгача дунё, теран фикрлар ва эҳтиросли ҳис-ларга йўғрилган янги бир поэтик олам мавжуд эди. Ъшандан бери Абдулланинг «Кўзларим йўлингда», «Онажон», «Ўзбекистон» «Руҳим», «Ҳайрат», «Юртим шамоли» деган китоблари эълон қилинди. Адабий жа-моатчилик ва шеърият муҳлислари уларни катта қизи-қиши билан кутиб олди, чунки шеърларнинг кўпчилиги шоир қалами ўткирлашиб бораётганидан, талашти улга-йиб, балоғат босқичига қадам қўяётганидан далолат бе-рарди. Бу китоблар шеърият муҳлисларига том маъно-даги юксак поэзия намуналарини туҳфа этди. Бу орада унинг шеърлари рус тилига ҳам таржима қилина бош-ланди. Аввал улар «Литературная газета», «Дружба народов», «Новый мир» каби мўътабар газета ва жур-

напларда босилди. Қейинроқ эса Тошкентда «Родник», Москвада «Ветер родины» номи билан алоҳида китоб ҳолида нашр этилди. Бу китоблар Абдуллани Бутуниттифоқ шеърият орбитасига олиб чиқди. Ёш ёзувчиларниң бешинчи кенгашида шеърият семинарига раҳбарлик қилган атоқли совет шоири Қайсий Қулиев семинар ишининг якунлари ҳақида «Литературная газета»да эълон қилниган мақоласида Абдулла Орипов билан учрашув ўзи учун чинакам шеърият байрами бўлгани ҳақида ёзади. 1973 йилнинг бўсағасида «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган мақоласида эса Абдулла Ориповни ҳозирги ёш шоирлар орасида энг истеъоддиларидан бири сифатида баҳолайди.

Абдулла Орипов улкан совет шоирининг бунчалик юксак баҳосига қандай эришди? Унинг истеъодининг ўзига хос томонлари нимада? Унинг шеърияти қайси сифатлари билан китобхонларнинг эътибори ва муҳаббатини қозонди?

Аввало, шуни айтиш керакки, Абдулла Орипов янги ўзбек шеърини яратгани йўқ. У шеър тузилишини ислоҳ қилмади, аксинча, унинг ҳамма шеъри традицион вазилар асосида туғилган. У поэтик тафаккурнинг янги қонуниятларини ҳам кашф этгани йўқ. Қолаверса, у ҳам бошқа юзлаб шоирлар қуйлаган нарсалар ҳақида—Ватан, муҳаббат, меҳнат ва инсон тўғрисида ёзади. Лекин шунга қарамай, унинг лирикаси ҳозирги ўзбек шеъриятида янги сиҳифани ташкил қиласи, чунки у ўз моҳиятига кўра новаторона лирикадир. Бу ўрипда қарама-қаршилик йўқ, негаки адабиётдаги чипакам новаторлик ҳеч қачон ўзидан аввалги адабий тажрибани қуруқдан-қуруқ инкор этишни тақозо қилмайди. Худди шунингдек, чинакам новаторлик ҳеч қачон моҳир қоғиябозликдан ёхуд шеърий ритмикадаги устакорликдан ташкил топмайди.

Чинакам шоир одатда улкан қалб эгаси бўлади. Унинг қалби оламнинг барча тўғонлари ва осойишталигини, барча ранглари ва жилоларини ўзига жо этади.

Курранинг ҳар силкенини, заминнинг ҳар зилзиласи бу қалбда битмас излар қолдиради. Шоир қалбининг уришида ҳаётдаги жамики оҳанглар ва куйларнинг, ҳайқириқ ва нидоларнинг акс-садосини эшитмоқ мумкин. Инсон бахти учун қайгуриш, ҳақиқат ва адолат, виждон ва диёнатга даъват, ёвузлик ва ёмонликни маҳв этиб, эзгулик ва олижаноблик тантанасига кўмаклашиш иштиёки чинакам шоир қалбida шундай зўр дардга айланадики, бу дард бамисоли сўнишни билмайдиган оташин ёлқиндай шоирни ҳаловатдан, фароғатдан, лоқайдликдан маҳрум қиласди. Шеърият—шу муқаддас ёлқиннинг фарзанди.

Чинакам шоир донмо адабиётга шеъриятнинг янгила талқинини олиб келади ва бунда замоннинг эстетик эҳтиёжлари ифодаланади. Шеърият вазифаларини янгила тушуниш, шоирнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янгила талқин қилиш Абдулла Орипов учун ҳам характерли. Унинг бутун ижоди шеъриятга жиддий ва теран муносабат билан сугорилган. Шеърият шоир учун инсон руҳининг олий ижоди. Инсон жисми, инсон вужуди—дайр денгизидаги бир кема, холос. Бир эмас-бир кун унинг қояга урилиб гарқ бўлиши муқаррар. Аммо инсон руҳичи? Шоир инсон руҳига мурожаат қиласар экан, жуда чиройли ташбеҳлар билан унинг мангулигини тасдиқлайди:

Сенга на бўронлар кор қила олур,  
Сени на йўқотиб, бор қила олур.  
Сен мисли камалак—юксак ва сўнмас,  
Камалакни эса парчалаб бўлмас.

Ана шу юксак ва сўнмас руҳиятнинг ажиб самараси бўлмиш шеърият чинакамнга теран ва гўзал бўлмоғи учун уида инсон маънавиятининг жамики бойлиги ҳар томонлама ҳаққоимий ифодаланиш даркор. Абдулла шеъриятдаги сохталикини, шеъриятга енгил-елни муносабатни эҳтирос билан қоралайди, чунки бундай муно-

сабат оқибатида шеърият ўз моҳиятини йўқотиб, майда ва бачканга туйғуларни, сийقا ва жўн фикрларни намо-йиш қилиш учун бир баҳонагагина айланниб қолади. Шоир ҳеч қачон ўз қиёфасини, ўз овозини йўқотмаслиги ва доимо замонага муносиб қўшиқлар ижод қўлмоғи керак. Шоир ўзининг тор дунёсига биқиниб олиб ижод қилиши мумкин эмас—у минглаб иплар орқали зиддиятларга тўла қайноқ ҳаёт билан боғланган. Шунинг учун ҳам у ўз даврининг ташвишлари, дарди, эҳтироси билан яшамоғи лозим. Оламга тор назар билан қараш, ҳаётни бир томонлама талқин қилиш, инсонни схематик тасаввурлардан келиб чиқиб, қолипга солиб қўйиш поэзияни қанотдан маҳрум қиласди, уни арзимас, майда ва бачканга нарсага айлантириб қўяди. Абдулла Ориповнинг «Шоир» деган тўртлиги бор:

Демангки, дунёнинг ташвиши қолиб  
Ўзини ҳар ёнга уради шоир.  
Тоғдай оғир юкни кифтига олиб  
Кушдай енгил бўлиб юради шоир.

Бу мисраларда шоирнинг ҳаётдаги ўрни, шоир хизматининг моҳияти жуда ихчам ва лўнда ифодаланган. Шеърият моҳиятини бундай тушуниш Абдулла Орипов лирикасининг уғқларини кенгайтиради, инсон образини яратишида унинг янги принципларини белгилаб беради. Унинг шеърларида ҳаётдаги бирон ҳодисани кўриб, ундан енгил-елпи завқланиш йўқ. Унинг шеърларига инсоннинг бирор сифатини риторик тарзда мақташ бегона. Бу жуда ҳам муҳим, чунки ҳақиқий поэзия юзада ётган нарсани, сийقا ҳақиқатларни, жўн фикрларни шунчаки қайд қилишдан ёхуд баландпарвоз ҳайқириқлардан узоқ туради. Абдулла Орипов ҳар бир шеърида ўзига замонидош инсоннинг руҳий дунёсига чуқурроқ кириб боришга, унинг бой ва мураккаб ҳисларни ва фикрларини англаб етишга ва шу орқали ўзининг ҳаётга муносабатини ифодалашга интилади.

Шу тарзда Абдулла Орипов поэзиясида лирик қаҳрамоннинг инсоний жозибадор реалистик образи майдонга келади. Бу лирик қаҳрамонда эса замондошимизнинг энг характерли сифатлари мужассамлашган. Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони табиатан ватанпарвар инсон. Она юртга, түғишган жонажон ҳалқига, унинг ўтмиши, бугуни, келажагига, унинг ақл-заковати ва меҳрига муҳаббат лирик қаҳрамоннинг қон-қонига сингиб кетган. Абдулланинг Ўзбекистонга бағишиланган шеърлари талайгина. Уларда Ватан муҳаббати янгила талқин қилинади. Масалан, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деган шеъринн олайлик. Бизнинг поэзиямизда Ўзбекистонга бағишиланган юзлаб, балки минглаб шеърлар бор. Уларниг ҳаммасида ҳам она-юртнинг ҳусн-жамоли, тоғлари ва водийлари, шаҳар ва қишлоқлари, боғлари ва далалари таранинум қилинади. Бу шеърларниг қўпчилигида Ватан муҳаббати катта маҳорат билан нфодаланган. Абдулла бу шеърларни инкор қилмайди—у ҳам Ўзбекистоннинг гўзал чиройнга мафтун, лекин айни чоқда шоир аввалги айтилган гаплар доирасида қолмайди. У ўз шеърида «Ватан» тушунчасини янгила талқин қиласди. Абдулланинг лирик қаҳрамони учун «Ватан» тушунчасининг негизида тенгсиз гўзал диёр, жаннат билан рақобатлашувчи ўлка эмас, меҳнаткаш ҳалқ туради. Асрлар бўйи жафо чеккан, фаяқат Октябрь туфайли рўшнолик кўрган, ўзининг қудратли меҳнати билан юртни безаётган ҳалқ тақдири «Ватан» тушунчасининг мазмунини ташкил қиласди:

Шоирона гўзал сўзлардан олдин  
Мен таъзим қиламан она ҳалқимга:  
Ҳалқим, тарих хукми сени агарда  
Мангу музликларга элтган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанга муҳаббат туйгуси «Юртим шамоли» шеърида ҳам, «Ўзбекистон» қасидасида ҳам жуда теран ва са-

мимий ифодаланган. «Ўзбекистон» қасидасида Абулла ўзбек халқининг тарихидаги ёрқин саҳифаларни чина-кам фарзандлик ғуури билан поэтик либосда жонлантиради ва чуқур мамнуният билан халқимизнинг бугунги ҳаёти ҳақида ёзади. Ҳатто биринчи қараганда фақат табиат манзараларини тасвирлашга бағишлангандай кўрипидиган шеърларда ҳам Абулла Орипов ўз поэтик принципига содиқ қолади. Мана, унинг «Саратон» шеъри. Унда «бутун олам гўё улкан дошқозон» бўлиб туюладиган саратон манзараси жуда ёрқин поэтик деталларда ифодаланади:

Осмон ловиллаб ёнар офтоб қўридан,  
Уфқда саробдан оташин балдоқ.  
Чинқириб юборар куннинг зўридан  
Қайгадир беркниб олган чирилдоқ.

Лекин шоирнинг асосий мақсади кўқдан шафқатсиз олов сели қўйиладиган, «гўдак уҳича ҳам шамол» топилмайдиган палланнинг поэтик манзарасини чизиш эмас, балки шу манзара баҳонасида халқ жасоратнини, қаҳрамонона мөҳнатини, фидокорлигии улуғлашдир. Энг муҳими шундаки, шоир дәҳқоннинг қаҳрамонлиги шарифига баландпарвоз мадҳиялар ўқимайди, балки бевосита шу қаҳрамонликнинг ўзини кўрсатади. Шоир «ҳали тонг ғуучаси очмасидан лаб, наҳор фароғатин ўйламай тақир, кимсасиз далага кўзни уқалаб чиқиб келган» дәҳқонга, қайноқ қозонни кузатиб эмас, ичига тушиб мөҳнат қилувчи фидокор инсонга мурожаат қиласди:

Кўрдим-ку манглайинг тер билан қотиб,  
Бераҳм оташга берганингни тоб.  
Кўрдим-ку тепаигда ўзин йўқотиб  
Ҳайратдан лол қотиб қолганин офтоб.  
Азму шиҷоатинг мен ахир кўрдим,  
Кўрдим кўзларингда чарchoқ бир кулгу.

Шундай қилиб, Абулла шеърларида «Ватан» тушунчалиги фидокор халқ тушунчалиги билан чамбарчас бири-

киб кетади, шоир она-Ватан муҳаббатини она ҳалқа  
муҳаббат тарзида ифодалайди.

Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони учун «Ватан»  
тушунчаси фақат ўз республикаси билангида чеклан-  
майди. У кўп миллатли ўлкамизнинг ҳамма ҳалқларига  
бирдай муҳаббат ва эҳтиром билан қарайди. Интерна-  
ционализм туйгуси, ягона оила туйгуси «Некрасов ҳас-  
рати», «Арманистон», «Маяковскийга», «Пушкин», «Қо-  
зозистон оҳуси», «Совга», «Ленин» каби шеърларида  
яхши ифодаланган.

Абдулланинг лирик қаҳрамони маънавий дунёси  
бой, доно, нигоҳи ўткир шахе. У ҳаётни жуда теран қа-  
бул қиласди, ҳаётдаги кўнгина воқеалар унинг қалбидаги  
чукур из қолдиради ва унинг эҳтиросли ҳисларини, сал-  
моқли фикрларини қўзгайди. Шу ҳислар ва фикрлар ор-  
қали ҳаёт китобхоннинг нигоҳи қаршисида бутун тўла-  
лиги ва мураккаблиги, бутун нотекислиги ва зиддият-  
лари билан намоён бўлади. Мана, «Она сайёра» шеъри.  
Бу шеър сунъий йўлдош ернинг суратини олиши муноса-  
бати билан ёзилган. Суратда она сайёрамиз, бизга бе-  
поёндек, ҳудудсиздек кўришидиган заминимиз—гоят  
кичкина, «салмоги Қуванинг анирича бор». Аммо шу  
жажжи сайёра ўз бағрига улугвор тоғларни ҳам, қир-  
гоқсиз океанларни ҳам, яна қанча-қанча қитъалар, мам-  
лакатлар, ҳалқлар ва элатларни ҳам жо этгани. Шу зам-  
ини бағрида неча-неча доҳийлар, сардорлар, кўйчилар  
яшайди. Шу замин қўйнида одамлар тинчлик ва баҳт  
орзусида тирикчилик машаққатини чекади. Бироқ бу  
жажжи сайёрадаги ҳаёт ғоят мураккаб. Сайёранинг  
ҳамма фарзаидлари ҳам унга осойишталиқ ва баҳт кел-  
тириш ҳақида қайгуравермайди. Лирик қаҳрамон шу  
мураккаблик сабабларини, зиддият илдизларини идрок  
этнишга уриниади ва бунинг бош сабабини ижтимоий ту-  
зумларининг турлилигига кўради. Шеърда замин бағри-  
ни поклашдек буюк вазифа бизнинг ватанимиз зимма-  
сига тушгани ифтихор билан кўйланган. Лирик қаҳра-

мон заминнинг порлоқ истиқболига ишонади ва унинг бахт-саодати учун жон фидо қилишга ҳам тайёрлигини билдиради:

Инллар ўтар балки, ўтар кўп замон,  
Ер юзи чулғанар бахтга, чаманга.  
Агар дардларингга бўлолсам дармон,  
Руҳим фидо бўлсин шундай ватанга.  
Мен ҳам бир ўғлингман, она сайёра,  
Багринг мен учун ҳам хоки пок бўлсин.  
Толсинг то абад бўлмасин қора,  
Манглайнинг оқ бўлсин, ярқироқ бўлсин.

Абдулла Ориповнинг шеърларида ҳаётнинг моҳияти, унинг муттасил ҳаракати, инсоннинг ҳаётдаги ўрни, яшамоқдан мақсади, яхшилик ва ёвузлик, олижаноблик ва разиллик ўртасидаги кураш, севги ва нафрат, садоқат ва хиёнат каби мангу масалалар ҳақида ўйлар кўп. Шоирнинг бу ўйлари реал заминдан ажралган мавҳум ўйлар эмас. Унинг ҳаёт тўғрисидаги жамики ўйлари, мурракаб воқеа ва ҳодисаларга муносабати аниқ, барқарор, мустаҳкам қарашларга асоғланган. Шоир ҳаёт ҳақида коммунистик идеалдан келиб чиқиб фикрлайди. У зиддиятли турмушда ниманинг яхши ва ниманинг ёмон эканини коммунистик эътиқод, коммунистик ахлоқ, коммунистик муносабатлар тарозусида тортиб кўриб аниқлайди. Коммунистик принципларнинг қарор топишига ёрдам берадиган жамики нарсалар шоир учун мақбул ва тараинум этишга лойиқdir ва, аксинча, шунга халақит берадиган нарсаларнинг ҳаммаси унинг нафрат ва ғазабига дучор бўлади. Худди шунинг учун ҳам у қалбсиз, меҳру шафқатдан маҳрум ўз ҳаловатини дунёда ҳамма нарсадан ортиқ кўрувчи одамларни эҳтирос билан фош этали («Темир одам»). Шоир лойқа ҳовуз ичида ташландиқ ушоқ еб кунини ўтказувчи, дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билувчи тилла балиқчалар орқали мешчанлик психологиясини шафқатсиз қоралайди, инсоннинг маънавий дунёси кенг бўлиши кераклигини тас-

диқлайди. Булутларга ёндош осмон остида қиличнинг дамидай арқон устида маҳорат билан жавлон урувчи дорбоз шоирнинг завқини қўзгайди, аммо катта йўлда эплаб юролмайдиган баъзи кўзи очиқлар уни ҳайратга солади. Шундай қилиб, Абдулла поэзиясида ҳаётдаги эзгуликни, гўзалликни тасдиқлаш худбинликни, лоқайдликни, фикрни ва руҳий қашшоқликни инкор қилиш билан чамбарчас қўшилиб кетади. Бу эса шоир лирикасинга гоят кучли таъсирчалик баҳш этади.

Абдулла Орипов поэзиясида салмоқли ва теран фикрларгина эмас, айни ҷоқда шурли ва ёрқин туйғулар ҳам катта ўрин тутади. Шоир, айниқса, қаҳрамонининг ички дунёснин камбагаллаштиrmай, туйгуларини майдалаштиrmай тасвирлашга, уни улкан ҳисларга, жўшқин эҳтиросларга қобил бир инсон тарзида кўрсатишга интилади. Унинг шеърларида инсон ҳиссиятнинг ҳамма жилоларни, ҳаётдаги ҳамма ҳодиса ва воқеаларга аксадо берувчи қалбнинг энг нозик тебранишларини кўриш мумкин. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, шоир ёрқин ва кўтаринки туйгуларни ифодалаш билан бир қаторда, йўқотилган муҳаббат аламини, ҳижрон изтиробларни, жудолик нолаларини ҳам шеърга олиб киришдан чўчимайди. Унинг шеърларидағи ҳазинлик чуқур инсоий мазмунга эга бўлгани учун китобхонда мунгли таассурот уйготмайди, унинг қалбида тушкуилик руҳини қўзгамайди. Буни «Биринчи муҳаббатим» ва «Онажоп» шеърларида кўриш мумкин.

«Биринчи муҳаббатим» ёшлиқ тифайлими ёхуд бошқа сабабданми қадрига етилмаган, йўқотилган, лекин бир умрга қалбга муҳрланиб қолгаи нок туйғуни қўмсаш ҳақидаги шеър. Шу хатонинг—«аввал билмаганлик, парво қилмаганлик»нинг изтироблари, бефойда афсус чекаётган қалбнинг тўлганишлари шеърда жуда яхши ифодаланган. Қалбнинг энг теран жойларпдан ёлқиндай ловиллаб чиққан бу изтиробли нола айни чоғда ёшлиқ туйғуларининг мусаффолиги ҳақидаги мадҳия ҳамдир.

У бизни инсон қалбанинг поклигига, инсон самимиятига ишонишга ундаиди:

Нидо бергил, қайдасан, шарлангга қулоқ тутдим,  
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унудим.  
Тоңгда туриб помингга ушбу шеъримни битдим,  
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,  
Елғиз оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим.

«Онажон» шеъри автобиографик характерга эга—у шоирнинг онаси Турди Қарвон қизининг вафотига ёзилган марсия. Бу шеърда ҳам жудолик алами жуда чуқур ифодаланган. Бу гал ҳам шоир она шарафига умумий мадҳиялар айтиш йўлидан бормайди, балки бир қанча ҳаётий деталлар орқали бутун умрини фарзандларига бахшида этган, уларнинг ўсиб-унишини, камолини кўришни орзу қилган онанинг ёрқин образини чизади. У инсоний мукаммаллиги билан қалбимизга чуқур ўрнашиб қолади. Шеърнинг энг қимматли томони, уни лириканинг нодир ва ноёб намунасига айлантирган нарса—унда фарзандлик туйғусининг ғоят чуқур ва самимий ифодаланишидир. Шеърнинг сўнгига бу туйғу юксак патетик оҳанг касб этган:

Дилда неки журъатим бор,  
Дилда неки ҳаяжон,—  
Бари-бари сенга бўлсин,  
Сенга бўлсин, онажон.  
Сенга бўлсин бор ҳаётим,  
Номим, шопим бир йўла,  
Хотирангга ушбу шеърни  
Ёзди ўғлинг Абдулла.

Абдулла Орнипов учун шеъриятдаги энг муҳим, энг қимматли нарса инсоний туйғулар, эҳтирослар, кечинималарнинг чинлиги, ҳаққонийлигиdir. Шунинг учун ҳам унинг деярли ҳар бир шеърида биз бевосита ҳаёт нафаси уфуриб турганини ҳис қиламиз, инсон қалби уриб турганини сезамиз. Лекин бундан шоир лирикаси ўз кўтаринкилигини йўқотмайди. Абдулла шеърлари

нинг энг муҳим фазилати—ҳиссиётнинг самимийлиги-дир. Шоир нима ҳақида ёзмасин, биринчи навбатда ўз қалбини ҳаққоний ва самимий очади. У ҳисларни ўзгалирдан насияга олмайди, балки доимо ўзида ҳис этган, ўзи изтироб билан кашф этган нарсалар ҳақида куйлади. Шунинг учун ҳам унинг шеърларида муҳаббат ҳамиша муҳаббат, қайгу ҳамиша қайғу, шодлик ҳамиша шодликдир.

Абдулла Орипов поэзиясининг кучи, сеҳри шундаки, у сизни сезидирмай ўз душёсига олиб киради. Бу поэтик дунёда ҳамма реал нарсалар ўз реаллигини сақлаб турди, бироқ айни чоғда шоирнинг кечинималари туфайли янги сифатлар, янги белгилар, янги ранглар касб этади. Бу оламда кўқдан қўйилувчи ёмғир—ёмғир ва айни чоғда, муҳаббати рад қилинган ошиқнинг аҳволига йиғловчи самонинг кўз ёшлари, боғларда лов-лов ёнган хазон—хазон ва айни чоғда, шоир юрагидан тўқилган олов, куз қуёши эса—қуёшва айни чоғда, олис ёшлиқда қолган муҳаббат. Биз бу оламга кирганимиздан сўнг аста-секин ўзимиз сезмаган ҳолда ҳаётга шоир кўзлари билан боқа бошлаймиз, унинг кечинималари бизнинг ҳам қалбимизга кўчади ва биз бутун вужудимизни шоирга ҳамдардлик туйғуси чулғаб олганини ҳис қиласиз. Шу тарзда китобхон билан шоир лирикаси ўртасида яқинлик ва яқдиллик пайдо бўлади. Бу эса бадиий асарнинг ҳаётий кучини кўрсатувчи, упнинг китобхонлар фикрига ва ҳисларига таъсирини белгиловчи энг муҳим фазилатдир.

Поэзия ҳам санъатининг бошқа турлари каби образли фикрлаш демакидир. Абдулла Орипов лирикаси ҳамиша ёрқин, тўлақопли, маъноси кенг ва теран образлар асосига қурилган. Шоир ҳаётни кузатар экан, минглаб турли-туман воқеаларнинг, ҳар хил ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади. Булар шоир хотирасида изсиз йўқолиб кетмайди. Аксинча, улар турли ассоциациялар қўзғайди, янги фикрлар ва ҳисларни уйғотади ҳамда шоирга ҳаёт ҳақида, инсоннинг моҳияти тўғрисида мулоҳаза

юритишга имкон беради. Абдулла Орипов ижодининг жозибаси шундаки, у ўзига қадар бошқа шоирлар томонидан кўплаб марта қаламга олинган ҳодисалар ва предметлардан ҳам ҳаққоний шеърият учқунини чиқара олади. Натижада, бу ҳодисалар ва предметлар бизнинг нигоҳимиз қаршиисида янги қирралари билан шамоён бўлиб, бизни ҳаёт ҳақида жиндий ўйлашга ундаиди. Мана, «Бургут» шеъри. Осмонининг эгаси, самода эркин ва мағрур парвоз этувчи бу қушлар султони ҳақида озмунча шеър ёзилганми? Лекин Абдулла бургут ҳақида ёзишдан чўчимайди, чунки у бургут орқали китобхонга ўзининг салмоқли ғапини айтади. Бургутнинг шиддатли парвози шоирнинг ҳавасини қўзгайди, завқини келтиради. Бироқ шу қудратли парвоздан мақсад нима?

Ўйноқи шамоллар ила басма-бас,  
Ана, қўиди бургут энг юксак жойга.  
Чўққи уэра мағрур турди-ю бирпас,  
Яна бўрои мисол қўзғалди. Қайга?

Ана шу «қайга?» деган савол шоирни бургутга янги-ча қарашга ундаиди ва у ҳар қандай шиддатнинг, мағрур қудратнинг, бўрои мисол парвозининг замирада ул-кан мақсад бўлиши зарурлиги ҳақидаги ҳукмни китобхонга ҳавола қиласди:

Ахир, не бўларди берсанг, табнат,  
Шу буюк шиддатга яраша мақсад.

Бургутнинг қудратли ва лекин бемақсад парвози ҳақидаги афсус-падомат бизни инсон учун муҳим, фойдали, юксак мақсаднинг зарурлилиги ҳақида ўйлашга даъват этади.

Абдулланинг «Булут» деган шеъри ҳам «Бургут»га ҳамоҳанг. Шамол қанотида ошённдан узоқ-узоқларга йўл олган, аммо қайларга шошилганини билмай, чўллар, тоғлардан ўтиб, йўлини йўқотган булут шоир қалбida теран мазмунга ва дадил умумлашмаларга тўла ассоциациялар қўзғайди:

Ва бир кун кезишлар жонга тегди-ю,  
Қайтмоқ бўлди шунда ортига. Бироқ...  
Бироқ... Иўл бермади шамоллар ҳайдаб,  
Инглаб битди булут, сел бўлди кўзёш.  
Сўнг ирмоқ бўлди-ю, билмайди қайди...  
Маконни ахтариб олиб кетди боиу.

«Райҳон», «Қўшиқ», «Денигизга», «Юртим шамоли», «Сен баҳорни соғинимадингми?», «Най», «Булбул», «Яхмалак», «Сув» ва яна бошқа кўплаб шеърлар Абдулла Орипов шеъриятидаги образлиликининг моҳияти ҳақида яхши тасаввур беради. Бу образлилик, нарсаларни ўз нигоҳи билан янгича кўра олиш, тинимсиз изланувчи фикр ва маънодор поэтик умумлашмалар Абдулла Орипов шеърларини чинакам санъат намуналарига айлантиради.

Абдулла Орипов адабиётга ўзига тенгдош авлоднинг—XX аср ўрталаридағи ёшларнинг ўй-фикрларини, орзу-армонларини, туйғулари ва кечинмаларини олиб кирди. Шоир уларни самимий ҳурмат қилади, уларнинг манфаатлари билан яшайди, уларнинг фикри билан фикр қилади, уларнинг ҳислари билан ҳис этади. Ўз лирикасида Абдулла замондошимиз образини—фикрловчи инсон образини, бутун фикри-зикри келажакка йўналтирилган, олам ташвишларини ўйловчи, истиқбол учун ўзини маъсул деб билувчи ижодкор инсон образини яратди. Шоир шеърларида бор бўй-басти билан намоён бўлувчи инсон улкан ишларга, теран ҳиссиятларга қобил. У жопсиз соя эмас, балки заминда барқарор турувчи инсоннинг ҳамма улуғворлиги ва ожизликларини ўзида мужассам этган жонли шахс. Бу шахсни тасвирлаш орқали шоир бизнинг қалбимизда энг яхши туйғуларни, энг ёрқин ҳисларни қўзгайди, бизнинг маънавий оламимизни бойитади, олам ҳақидаги, ҳаёт ва инсон тўғрисидаги тасаввурларимизни чуқурлаштиради. Шоир шуниси билан бизга ардоқли. Абдулла Орипов шеърларининг кенг китобхонлар оммаси қалбига тез йўл топганининг боиси қам ана шунда.

Севимли шоиримиизга қандай истак билдириш мумкин? Мен унга бундан кейин ҳам шундай яшаш ва ижод қилишни тилардимки, бунинг оқибатида у келгусида ҳеч қачон ўз истеъоди қаршисида хижолат чекадиган аҳволга тушмасин, Абдулла ҳамиша ўзининг улкан, нодир ва нурли истеъододига муносиб бўлсин.

Шоирлар билан альпинистлар ўртасида муайян муштараклик бор: улар ҳаётлари давомида ҳамиша чўққи-ларга интилишади. Шоир ҳам, альпинист ҳам ҳеч қачон биринчи бўйсундирилган чўққи билан кифояланиб қолмайди. Чунки чўққилар кўп. Биринчисига кўтарилисанг, унинг ортидан нигоҳинг қаршисида янги чўққи пайдо бўлади. Ундан кейин эса яна ва яна... Ҳаёт шуна-қа. Энг юксак, энг нурли чўққилар ҳамиша олдинда.

1978

# СҮНГГИ СҮЗ ЎРНИДА

■

## ГАНҚИДЧИЛИК ҚАСБИ ҲАҚИДА

Сўнгги йилларда газета ва журнallарни мунтазам кузатиб борган одам бир ҳодисадан багоят мамнун бўлмай иложи йўқ: йил сайин адабиётимизга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёш ижодкорларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Дастрлабки асарлари билапоқ жамоатчиликнинг эътиборини қозонган, келажагига умид билан қараса бўладиган шоирлар, прозаиклар ва драматурглар қаторида аинча-мўнча ёш тақиҷчилар ҳам бор. Улар фақат тақризлар ва обзорлар ёзиш билан чекланмасдан, проблематик мақола ва адабий портрет каби мураккаб жанрларда ҳам кучларини синаб кўрмоқдалар. Шуниси қувонарлики, уларнинг кўпгина асарларида ёшларга хос бўлган файрат ва шижаат, фикрлашда дадиллик, адабий ҳодисалар ва фактларни ҳаққоний

ва адолатли баҳолашга интилиш сезилиб туритти. Лекин шундай бўлса-да, адабий танқидчилигимизнинг бугунги аҳволидан тўла қониқиши ҳосил қилиш қийин. Танқидчилигимизда кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда, аммо уларни ҳали қилишиши керак бўлган ишлар билан таққосласасак, ривожланиши суръати унча кўпгилдагидек эмаслиги аён бўлади. Танқиднинг халқимиз олдиаги, адабиётимиз олдиаги қарзи ҳали катта. Мен мазкур мақолада бугунги адабий танқидчиликтаги ютуқ ва камчиликларни номма-ном санаб, мукаммал таҳлил қилиб бермоқчи эмасман. Менинг бу мақолани ёзишга ундан-ган сабаб бошқа нарса: ёш танқидчиларнинг асарларини ўқиганимда баъзан қувонсам, баъзан ранжийман. Негаки, айрим ёш танқидчиларнинг мақола ва тақризларида катта танқидчилар ижодида ҳам учраб турадиган заифликлар ва қусурларни кўраман. Менинг кўп ранжитадиган нарса шуки, баъзан ёш танқидчи зиммасидаги улкан масъулиятни мутлақо ҳис этмаган ҳолда қўлига қалам олади. Мақоласида эса асар ҳақида ҳам, ёзувчи ҳақида ҳам дабдурустдан эсига келиб қолган гапларни мулоҳаза қилиб ўтирамай, ёзигб ташлайверади. Ҳолбуки, энг кичкина тақриз ҳам босилиб чиққандан кейин минглаб, баъзан юз минглаб пусхада тарқайди. Демак, сиз минглаб одамга гап айтасиз, уларни бошқа ишлардан ажратиб олиб, оғзингизга қаратасиз. Шундоқ экан, бирон мақолани ёзишдан ва эълон қилишдан аввал, «шунча одамга айтаётган гапим арзийдиган гапми, у етарли даражада салмоқлами, китобхон қалбидаги бирон из қолдира оладими» деган андишалар диққат марказингизда туриши керак. Танқидчилик соҳасига ёшларнинг кўплаб кириб келаётгани жуда яхши, албатта. Лекин баъзин мақолаларни ўқиганда «айрим ёшлар танқидчилик касбини энг осон касблардан деб ўйлайди шекилли» деган холосага келмай иложинг йўқ. Шу ҳол менинг қалам олишга ва танқидчилик касби ҳақидаги баъзи мулоҳазалар билан ўртоқлашишга ундади. Менинг

назаримда, адабий танқид лирика ва драма, қисса ва роман каби адабиётнинг, сўз санъатининг тенг ҳуқуқли жанрларидан биридир. Бинобарин, адабий танқид ҳам ғоят мураккаб, ғоят масъулиятли жанрдир. Шоирлик ёки романнависликни даъво қилувчи ҳар қандай одам ҳам шоир ёхуд романнавис бўлавермаганидек, тақриз ёхуд мақола эълон қилган ҳар қандай одамни ҳам танқидчи деб эътироф этиш жоиз бўлмаса керак. Мен йигирма йилдан бери танқидчилик билан шуғулланаман. Шу йиллар мобайнида кўпгина китоб ўқидим, неча юзлаб танқидий мақолаларни кўздан кечирдим, қанчадан-қанча танқидчилар билан танишдим, суҳбатлашдим, адабий танқидчилигимизнинг ўсиш жараёнини муттасил кузатиб бордим. Шунинг оқибатида мен учун бир ҳақиқат аён бўлди—буғун унинг ҳақиқат эканнга астойдил ишонаман. Бу ҳақиқат шундан иборатки, танқидчи бўлиш учун, албатта, истеъдод керак, шоир, драматург ёхуд носир бўлиш учун истеъдод, талант қанчалик зарур бўлса, танқидчи бўлиш учун ҳам шунчалик зарур. Истеъдодсиз, талантсиз ёзилган танқидий мақоладан фойдадан кўра кўпроқ зарар келади. Бу ўринда табиний савол тугилади: хўш, танқидчининг истеъдодини қандай тушуниш керак? Танқидчилик таланти нима дегани? Бу саволга жавоб бериш учун мушкул эмас. Менимча, танқидчилик таланти уч элементдан ташкил топади. Буларнинг биринчиси—адабиётдаги гўзалликни, ғоявий ва бадиий бойликни ҳис қила билишдир. Бошқача қилиб айтганда, танқидчи бўлишни истаган одамда, биринчи навбатда, эстетик туйфу бениҳоя ўткир бўлиши лозим, у санъат гўзаллигини нозик ҳис қила билиши, бадиий адабиётдан чинакамига завқлана олиши шарт. Танқидчи санъатдаги гўзалликни фарқлаёлмаса, адабиётнинг бадиийлигини қадрлай олмаса, асар ўқишдан завқланниб, шу завқни бошқаларда қайта қўзғай олмаса, унинг танқидчилик билан шуғулланмай қўя қолгани маъқул. Мақолалардан бирида танқидга берилган қуйидаги

таърифни учратган эдим: «Танқид бадиий асарни эмоционал қабул қилиш жараёниши идрок этиш санъатидир». Бу таърифда, менимча, катта ҳақиқат бор. Танқидчи эмоционал туйғулари бой одам бўлмаса, у санъатнинг гўзаллигини тушуна олмайди. Ундаи одам учун том маънодаги санъат асарининг оддий газета хабаридан фарқи қолмайди. Бу эса танқидда жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Эстетик туйғунинг заифлиги, санъатдаги гўзалликни пайқай билмаслик санъатни бир томонлама тушунишга, уни фақат ғоялар йиғиндисидангина иборат нарса деб талқин қилишга, санъатни сиёсатга югурдак қилиб қўйишга, танқидчини эса асарда тасвирланган воқеалар ва характерларни «яхши ёхуд ёмон» деб баҳоловчи қозига айлантириб қўйишга сабаб бўлади. Бу фикрни биргина мисол билан изоҳлай. Лев Толстойинг «Тирик мурда» драмаси, албатта, ёдинизизда бўлса керак. Унинг бош қаҳрамони— Федор Протасов деган одам. Агар биз санъатнинг эстетик бойлигини иазардан соқит қилиб, унга қандай одамларни тасвирлаши нуқтаи назаридангина ёндошадиган бўлсак, Федор Протасовни, шак-шубҳасиз, қоралашибиз керак. Негаки, у оиласини ташлаб кетган, қўлидан тайинли бир иш келмайдиган, умидсизлик ботқорига ғарқ бўлган, бутун аламини арақдан оладиган пиёниста бир кимса. Бу ҳаммаси ҳақиқат, Толстой ўз қаҳрамонини шундай тасвирлаган. Аммо Федор Протасовни шундай деб баҳолашга кимнинг тили боради? Санъатнинг буюк мўъжизакор кучи шундаки, Толстой тубандикка юз тутган одамнинг маънавий гўзаллигини, қалби поклигини кўрсатиб, унинг фожиали тақдирига ижтимоий мухит сабаб эканлигини очиб беради. Санъатдаги эстетик бойликни мукаммал ҳис қилгандагина санъат асарини тўғри баҳолай олиш мумкин.

Танқидчилик талантининг таркибиға кирувчи яна бир элемент фикрлаш қобилиятидир. Танқидчи ўқига нарсаларини чўкур таҳлил қила билиши, асардаги воқеа

ва ҳодисаларни, характерларни ҳаёт ҳодисалари билан, ҳаётдаги жонли одамлар билан таққослай билиши ва бу таққослардан жамият ҳаёти учун зарур ҳамда фойдали хуносалар, умумлашмалар чиқара олиши керак. Таңқидчи фақат бадиий асарнинг шарҳловчисигина бўлиб қолиши мумкин эмас. Шундай бўлса, унинг ёзгани китобхон учун ҳам, ёзувчи учун ҳам заррача наф келтирмайди. Таңқидчи учун бадиий адабиёт, биринчи навбатда, ҳаёт ҳақида чуқур мулоҳазалар юритишга имкон берадиган, илгор қарашларни олга суришга ундаидиган восита бўлиши керак. Ниҳоят, таңқидчилик талантининг учинчи элементи сифатида сўз санъатига нишбатан эҳтиросли, оташин муҳаббатни айтиш мумкин. Таңқидчи бўлишни истаган одам адабиётини бутун вужуди билан севиши, унга сидқидилдан, фидойилик билан хизмат қилиши лозим. Чинакам сўз санъати таңқидчи учун оламдаги энг муқаддас, энг мўътабар, энг қутлуғ нарса бўлмоғи даркор. Албатта, ҳар қандай муҳаббат каби, таңқидчи сўз санъатига муҳаббати тўғрисида лофт уриши, ҳар муюлишда кўкрагига муштлабчуввос солиши, маҳбубаси қошида тиз чўкиб, унга садоқат ҳақида қасамёдлар қилинши шарт эмас. Аммо таңқидчиининг ҳар бир мақоласида, ҳар жумласида, ҳар сўзида сўз санъатига эҳтиром сипгиб кетмоғи, уларни ич-ичидан нурлантириб турмоғи шарт. Таңқидчиининг адабиётга муҳаббати унинг адабиёт ютуқларидан қувона билишида, адабиёт учун ифтихор туйғусида, унинг қусурларидан изтиробида, адабий асарга эҳтиромли муносабатида, санъаткорга нишбатан ички иззат-икромида намоён бўлади.Faқат шундагина таңқидчи мақола ёзар экан, ўзини ёзувчига ҳам, китобхонига ҳам ақл ўргатувчи кимса янглиғ тутмайди, ҳар бир жумласини, ҳар бир ақидасини ҳамма эътироф этиши лозим бўлган ҳақиқат нуқралари деб даъво қилмайди. Сўз санъатига муҳаббат таңқидчининг асарларига қанот багишлайди, уларга шундай бир жон ато қиладики, бу туфайли уларни ўқиган китоб-

ҳон қалбидა ҳам нурли туйғулар, мусаффо ҳислар пайдо бўлади.

Танқидчилик касбининг мураккаблиги шундаки, бу касбда бирон-бир сезиларли муваффақиятга эришмоқ учун истеъдоднинг ўзи мутлақо кифоя эмас. Истеъдод бўлса, бутун умр давомида уни авайлаб, парваришилаб, озиқлантириб туриш лозим. Бунинг маъноси нима? Маъноси шуки, ҳар қандай талант каби, танқидчилик таланти ҳам тўқсон тўққиз фойизи меҳнатдан таркиб топади. Танқидчилик истеъдодининг озуқаси, қаноти билимдир. Баъзи одамларга адабиёт ёхуд танқидчининг меҳнати физик ёки математик олимнинг меҳнатидан осонроқ, жўнроқ туюлади. Чунки адабиётда формула йўқ, жонни ҳалқумга келтирадиган, мияни сиқиб, сувини ичадиган теоремалар йўқ. Менинг назаримда бундай фикрлайдиган одамлар жиддий янгилишадилар. Тўғри, адабиётнинг формула-теоремалари йўқ, лекин унинг бошқа мураккабликлари бор. Маълумки, танқидчининг кучи, танқидчининг қадри унинг адабий жараёнга кўрсатувчи таъсири билан белгиланади. Адабий жараёнга таъсириш учун танқидчи ғоят чуқур, ғоят салмоқли, далилли фикрлар, муаммолар, мулоҳазаларни ўртага ташлаши керак. Фикр эса ғойибдан ҳосил бўлмайди. Фикр билимнинг ҳосиласи. Танқидчи учун эса ғоят кенг доира даги билим запаси керак. Мана, ўзингиз қиёс қилинг. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти билан шуғулланадиган танқидчи ўзбек совет адабиётининг 60 йиллик тараққиёт йўлини, ҳамма йирик ёзувчиларнинг ижодини беш қўлидай билмоғи керак. Бундан ташқари, у ўзбек классик адабиётини ва ҳалқ оғзаки ижодини яхши билмоғи шарт. Бугунги адабиётимиз ҳақида қардош ҳалқлар адабиётидан ажралган ҳолда фикр юритиб бўлмайди. Бинобарин, қардош республикалардаги адабий жараёндан ҳам воқиғ бўлиш, ҳар қайси республикада яратилилаётган етук асарларни ўқишигина эмас, қиммати ва аҳамиятини ҳам пухта билиш лозим. Ҳозирги замон рус

адабиётини мукаммал билиш зарурлигини айтиб ўтири-  
маса ҳам бўлади. Яхши адабиётшунос ёхуд танқидчи  
бўлиш учун буларнинг ўзи ҳам кифоя эмас. Булардан  
ташқари яна рус классикасини, СССР ҳалқлари класси-  
касини, жаҳон классикасини яхши билиш керак. Дарҳа-  
қиқат, Шота Руставели ёхуд Фирдавсийни, Пушкин ёки  
Шевченкони, Шекспир ёхуд Бальзакни, Хемингуэй ёхуд  
Нозим Ҳикматни билмай туриб, адабиёт ҳақида фикр-  
лашга, ёзишга журъат қилиб бўладими? Ўз-ўзидан аён-  
ки, бу номлар рўйхати анча катта ва салобатли. Танқид-  
чи жаҳон адабиётининг буюк асарлари билан таниш  
бўлишдан ташқари, яна адабиёт назариясидан ҳам, бу-  
гунги адабий жараёндан ҳам, бугун жаҳоннинг идеоло-  
гик фронтларида кетаётган аёвсиз шиддатли жанглар-  
дан ҳам воқиф бўлиши шарт. Буларнинг барчаси яхши  
танқидчи бўлиш учун зарур бўлган билимларнинг би-  
ринчи даврасинигина ташкил қиласи. Иккинчи давра  
ҳам бор. Булар—фалсафа, тарих, социология, психоло-  
гия, бугунги илмий-техник инқилоб каби соҳаларки,  
уларсиз ҳам адабий танқидда бирор қадам олга силжиб  
бўлмаслигини маҳсус исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати  
йўқ. Кўриб турибсизки, танқидчи билиши зарур бўлган  
билимларни бир жойга тўпласа, уларнинг олдида Ҳимо-  
лай ҳам ип эшолмай қолади. Табиий савол туғилади:  
бир одам бутун умри давомида шунча билимни ўзлаш-  
тира оладими? Билмадим. «Йўқ» деб жавоб берай де-  
сам, мен танийдиган танқидчилар ичидан бениҳоя билим-  
донлари, бу ерда айтилганлардан ташқари, яна уч-тўрт-  
талаб ажнабий тилларни мукаммал ўзлаштирганлари  
ҳам кўп. Ҳар ҳолда шунга иштилиш керак. Танқид соҳа-  
сига қадам қўйгани одам биринчи қадамиданоқ шуни  
бilsинки, у ўзини умрбод мashaққатли, тинимсиз, ором  
билимдиган меҳнатга маҳкум этади. Бусиз танқидда  
бирор салмоқли муваффақиятга эришиб бўлмаслигига  
аминман. Мен анча-мунча нарса ўқиганиман, лекин шун-  
дай бўлса ҳам, ҳар гал бирор мақола ёзишга чоғланиб,

айтадигап гапларимни саралай бошлашим билан, билимларим жуда-жуда камлик қилаётганини ҳис этиб, изтиробга тушаман. Бундай пайтларда ўтган умрнинг қадрига ета бошлайсан, беҳуда исроф бўлган вақтларингга ачиасан киши. Кўриб турибсизки, фақат тинимсиз ўқиши, ишлаш, меҳнат қилиш орқасидагина танқидчи ўз истеъодига жило бериши, ёзадиган асарларини давр талабига жавоб берадиган даражага етказиши мумкин. Ниҳоят танқидчи учун зарур бўлган яна бир сифат борки, уни мен ҳалоллик деб атар эдим. Гап шундаки, адабий жараён ҳаммавақт, ҳамма давларда ҳам гоят мураккаб кечади. Адабиёт олами ички зиддиятларга, кўз илғамас пинҳона оқимларга сероб олам. Адабий ҳаётда тез-тез шундай вазиятлар учраб турадики, улар танқидчини бир томонлама гап айтишга, баъзан талабчанликни бўшаштиришга ундагандай бўлади. Баъзан эса айрим танқидчилар очиқдан-очиқ танқидни ўз шахсий манфаатларига бўйсундириб оладилар, танқиддан таъмагирлик ниятларини рўёбга чиқаришда фойдаланадилар. Очигини айтганда, бундай мақолаларни ўқиганда, уларнинг замиридаги таъмани кўриб, шу мақолани ёзган ҳамкасабам учун хижолатга тушиб кетаман. Танқидни обрўсизлантирадиган, уни ёзувчи олдиди ҳам, китобхон олдиди ҳам бебурд қиласидиган таъмагирликдан ортиқ нарса йўқ. Шунинг учун ҳам партиямиз қайта-қайта танқидчиликда объектив бўлишга, ҳаққонийлик билан одил иш юритишга, ошна-оғайнингарчилик, гуруҳбозлик каби иллатларга қарши партиявий принципиаллик байроғини маҳкам тутишга чақиради. Танқидчи—хизматкор. Лекин у адабиётнинг ва шу орқали халқнинг, партиянинг хизматкори. Шунинг учун ҳам у виҷдони билан ҳамиша ҳақиқат олдиди жавобгар!

Кўриб турибсизки, танқидчилик касби гоят сермашаққат, умрбод давом этадиган меҳнатни талаб қилувчи, ҳаётнинг кўргина ҳуэур-ҳаловатидан маҳрум қилув-

чи касб. Лекин бу касбнинг машаққатларидан чўчимаслик керак. Негаки, жамики машаққатингиз, меҳнатингиз эвазига сизни улуғ мукофот ҳам кутади—бу мукофот ёзган таңқидий асарларингиз халқа манзур бўлса, улардан адабиётга бирон-бир арзирли наф етса, шунинг оқибатида қалбингизни чулғаб оладиган қониқиши, мамнуният туйгусидир.

1976

## ДАВР ДАЪВАТИ

У қалбларда мангу яшайди . . . . .	3
Бахтимиз қомуси . . . . .	14
Дўстлик тароналари . . . . .	22
Адабиётимизнинг муқаддас бурчи . . . . .	31
Ёшлар — адабиётимизнинг истиқболи . . . . .	43
Талант—халқ мулки . . . . .	52
Давр даъвати . . . . .	65
Уфқлар ошиғи . . . . .	78

## ШЕЪР БАҲСИДА

Шеъриятимизнинг янги уфқлари . . . . .	83
Шеърият эстафетаси давом этмоқда . . . . .	93
Чўққиларга чорлар шеърият . . . . .	105
Шеърият парвози юксакроқ бўлсин . . . . .	115
Ҳозирги шеърият ва нашриёт . . . . .	123
«Лирика» серияси ҳақида . . . . .	136
Шеърият ва танқид . . . . .	143
Шеъриятимизнинг бобо дечқони . . . . .	152
Шеърият — қалб ёлқини . . . . .	158

## СҮНГГИ СҮЗ

## УРНИДА

Танқидчилик касби ҳақида . . . . .	172
------------------------------------	-----

**Шарафиддинов Озод.**

Талант—халқ мулки. Т. «Ёш гвардия», 1979.  
184 б.

**Шарафиддинов Азад.** Талант принадлежит народу.

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИИ ҚОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ ҚУИИДАГИ  
КИТОБЛАРНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ:

Р. Тагор. **Донишманд рожа.** Роман  
З. Обидов. **Қўлингни бер.** Достон ва шеърлар  
Ҳ. Салоҳ. **Оҳу.** Шеърлар  
Д. Нурий. **Осмон устуни.** Роман  
М. Мажмудов. **Булоқлар.** Ҳикоялар  
С. Қодиров. **Ефрейтор кундалиги.** Лавҳалар  
А. Зверинцев. **Сирли рақам.** Ҳикоялар

На узбекском языке

Шарафиддинов Азад

## ТАЛАНТ ПРИНАДЛЕЖИТ НАРОДУ

### Литературно-критические статьи

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1979

Редакторлар Эминн Усмонов,

Э. Миробидов

Рассом А. Крюков

Расмлар редактори Қ. Алиев

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор М. Ортикова

ИБ—457

Босмахонага берилди 25/1-1979 й. Босишига руҳсат  
этпилди 17/IV-1979 й. Қоғоз № 1. Формати  
70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма листи 5.75. Шартли босма листи  
8.05. Нашр листи 8.1. Тиражи 10.000. Р 08969.  
Шартнома № 57—78. Баҳосин 60 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвар-  
дия» нашриёти, Тошкент, 700129 Навоий қў-  
часи, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб  
савдоси ишлари Давлат Комитети Тошкент  
«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлаш-  
масига қарашли 2-босмахона. Янгийўл, Самар-  
қанд қўчаси, 44.